

Нигматжон Шарипов

РУБОБ  
· ПРИМАДА  
ИЖРО ЭТИШНИ  
ЎРГАТИШ  
МЕТОДИКАСИ



Нигматжон Шарипов

**РУБОБ  
· ПРИМАДА  
ИЖРО ЭТИШНИ  
ЎРГАТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ЎҚУВ-МЕТОДИК  
ҚЎЛЛАНМА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ  
ТОМОНИДАН НАШРГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН

O'zbekiston Davlat san'at  
va madaniyat instituti  
APM inv № 783(444)

ТОШКЕНТ  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ  
1990



Масъул редактор педагогика фанлари кандидати  
Қўлдош Мамиров

Шарипов, Нигматжон.

Рубоб-примада ижро этишни ўргатиш методикаси: Ўқитувчилар учун ўқув-методик қўлланма.— Т.: Адабиёт ва санъат папир... 1990.—112 б.

Шарипов Н. Методика обучения игры на рубобе-приме: Метод. пособие для преподавателей.

Ушбу ўқув-методик қўлланма ёшларга рубоб-примада ижро этишни ўргатиш масалаларига бағишланган. Қўлланмадан болалар музыка мактаблари, санъат ва маданият ўқув юр்தарининг ўқитувчи ва талабалари ҳамда бадий ҳаваскорлик ижодиёти қатнашчилари фойдаланиши мумкин.

74.266.7

Ш 4306010180—71  
М 352 (04)—90 136—89

© Н. Шарипов, 1990 й.

ISBN 5—635—00372—9

## СУЗБОШИ

Совет Иттифоқ Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати кейинги йилларда мутахассис кадрларни тайёрлаш ишига айнқса катта эътибор бермоқда. Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг XXVII съездида қилинган сиёсий докладда шундай дейилган: «...замонавий савиядаги, пухта назарий билимларга ва амалий иш қўникмасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш лозим бўлади». Бу кўрсатма халқ чолғуларида ижро этишни ўрганиш ва ўргатиш иши билан шуғулланаётган мутахассисларга ҳам бевосита алоқадордир.

Ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштириш (реконструкция қилиш) натижасида вужудга келган чолғулардан бири — рубоб-примада ижронини ўргатиш иши қарийб қирқ йил давомида республикамизнинг барча музика билим даргоҳларида амалга оширилиб келинмоқда. Бу давр ичида рубоб-прима чалувчи ўнлаб моҳир созандалар ва ўқитувчилар етишиб чиқдилар. Бу жараён маълум даражада ўргатиш методикасини шакллантирди ва бу ишда ўзига хос бўлган тажриба ҳам тўпланди. Аммо шу кунгача рубоб-примада ижро этишни ўргатиш методикасини ўзида умумлаштирган, ижрочилик бўйича йиғилган бой тажрибани акс эттирган бирор қўлланма яратилгани йўқ. Ҳозирги пайтда мутахассислар орасида ўргатиш методикасининг у ёки бу масалалари юзасидан ягона фикр қарор топмаганилиги туфайли ижро этишни ўргатиш бўйича айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса ўз навбатида ижрочиликка энди қадам қўяётган ёш созандаларнинг саводли, ҳар тарафлама ривожланган, ижрочилик маҳорати «сир»ларидан хабардор бўлиб тарбияланишларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Мустақил иш бошлаётган ёш мутахассислар етарли даражада ўргатиш тажрибасига эга бўлмаганилиги сабабли иш фаоляятида қатор қийинчиликларга дуч келдилар: чолғуда ижро этишни ўргатиш ишини нимадан бошлаш керак, турли ижро этиш усуллариини қандай ўргатиш керак ва ҳоказо. Ёш мутахассиснинг ўзи чолғуда ижро этишни аъло даражада ўлаштирган бўлса ҳам, баъзида ўргатиш ишига келганда иўноқлик қилиб қолади.

Шу давргача чол этилган дарслик ва қўлланмалардан фойдаланилган ҳолда ёзилган мазкур қўлланма рубоб-примада ижро этишга ўргатишнинг асосий масалаларига бағишланган бўлса-да, ўзгармас қонун ва қондалар мажмуасидан иборатдир, деган хулосага даъвогар эмас, қўлланма ўзбек халқ чолғуларида ижро этишни ўргатиш ва ўрганиш иши билан шуғулланаётганлар учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.

Мазкур қўлланма рубоб-примада ижро этишни ўргатиш методикасини яратиб йўлидаги биринчи маҳсуллиги сабабли, айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли қўлланма ҳақидаги барча танқидий фикр ва мулоҳазаларини муаллиф минавддорчилилик билан қабул қилади.



# 1 боб. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУЛАРИДА ИЖРО ЭТИШНИ ЎРГАТИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

## ЧОЛГУДА ИЖРО ЭТИШНИ ЎРГАТИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти ошган сари ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш иши ҳам тобора кенгайиб ва мураккаблашиб боради. Илмий билимларнинг тўпланиб бориши эса ўз навбатида ўқув предметлари ва уларнинг мазмунан ўзгаришига олиб келади. Шу сабабларга кўра, таълим мақсадини, мазмунини ва методларини илмий асослаш замирида педагогиканинг муҳим тармоғи — ўқув предметларининг методикасини яратиш зарурати туғилади. Ўқув предметининг методикаси — таълимнинг умумий қонуниятларини ҳамда айрим хусусиятларини ўрғанадиган фандир.<sup>1</sup>

Маълумки, барча методлар таълимнинг умумий назарияси бўлган дидактикага асосланади. Айрим фанларни ўргатиш методикасининг асосий вазифалари — ўргатишнинг қонуниятларини очиш, мазмунини, метод ва шакллари аниқлаш бўлиб, айни пайтда у тарбиялаш ишини ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирги пайтда ўзбек халқ чолғуларида ижронини ўргатиш ишини илгор совет педагогикасининг асосий принципларига таянган ҳолда тапшиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Республикамизда халқ чолғу ижрочилигини янада юқори поғоналарга кўтаришда ўргатиш методикасининг сифатли даражада бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Совет жамиятининг ўқув муассасалари олдига қўйган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда чолғуда ижро этишни ўргатиш иши учта асосий вазифани кўзда тутати: таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш<sup>2</sup>.

Таълим бериш вазифаси асосий ва ҳал қилувчи масалалардан бири бўлиб, ўқувчилар чолғуда ижро этиш учун зарур бўлган билимларни эгаллайдилар ва шу билимларни амалда қўллаш кўникмаларини ҳосил қиладилар.

Ривожлантиришнинг асосий мақсади шундан иборатки, ўқувчиларнинг билимини аниқлаб этиш имкониятларини ривожлантириб, турли илмий ахборотлардан тўғри хулоса чиқариб олишга ўргатишдир. Бу жараёнда ўқувчиларни аста-секин ижодий фикрлашга ўргатиш иши ҳам амалга ошириб борилади.

Тарбиялаш вазифаси (таълим бериш ва ривожлантириш билан биргаликда) ўргатишнинг умумий жараёнига комплекс ёндашишнинг ажралмас қисмидир. Тарбиялашдан мақсад, дарс мазмуни ва методлари орқали ёш авлодни ўз жамиятининг идеологиясини тўғри идрок қилишдир. Ўқув системасининг барча поғоналарида халқ чолғуларида ижро этишни ўргатиш методи ўқувчиларнинг ил-

<sup>1</sup> Бугаев А. И. Методика преподавания физики в средней школе. М., Просвещение, 1981, 5-бет. (Тарж.)

<sup>2</sup> Уша жойда.

мий дунёқарашини, сиёсий ва маданий онгини шакллантириш учун хизмат қиладиган.

Чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёни ўқувчилар томонида ижро асосларини онгли равишда пухта эгаллаш, ижро учун зарур бўлган кўникмаларни ҳосил қилиш ва уларни амалда қўллаш олиш ҳамда мустақил ижодий фикрлаш ва кузатиш қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек, эстетик дидни шакллантиришга қаратилган. Ижро этишни ўргатиш жараёни қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган қисмлари билан характерланади:<sup>1</sup>

а) таълимнинг мазмуни, яъни ижро этишни ўргатиш учун зарур бўлган маълумотлар;

б) таълим бериш (ўргатиш), ўқитувчининг ўқувчиларда билим олишга бўлган эҳтиёжларини уйғотиш, ижро этишни ўрганиш билан боғлиқ бўлган материални баён қилиш, ўқувчиларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилиш, уларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилиб бориш;

в) ўрганиш — ўқувчиларнинг билим олишлари билан боғлиқ бўлган ўқув фаолиятлари, бунга ақлий ва жисмоний ҳаракатлар кирди;

г) ўқув воситалари — бунга дарсликлар, қўлланмалар, чолғу асбоби, нотали методик кўрсатмалар ва ҳоказолар кирди.

Энди чолғуда ижро этишни ўргатишнинг қуйидаги вазифаларини кўришимиз мумкин:<sup>2</sup>

— рубоб-примада ижро этишни ўргатишнинг мақсадини аниқлаш ва асослаш;

— ўргатиш мазмуни ва таркибий қисмларини аниқлаш ва уларни муvтазам равишда такомиллаштириш;

— ўргатиш жараёнида таълим-тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантириш.

Ижро этишни ўргатишнинг вазифаларини қисқача шундай тусуптириш мумкин: асарни илма учун ва қандай ўрганиш керак?

Ўргатишнинг тажрибаси фақат назария асосида ишлаб чиқиш мумкин. Шу сабабли ўргатишнинг асосий вазифаси чолғучилик тажрибасига таянган ҳолда ижро назариясини такомиллаштириш, таълим жараёнининг ўзига хос муҳим қонуниятларини ҳамда ижро этишни ўрганишдир.

Ижро этишни ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг қанчалик билимга эгаллиги дарс бериш билан боғлиқ эканлигини аниқ кўрсатиш қийин. Лекин бундай боғлиқлик мавжуд экан, ўргатиш методикасининг мақсади шу масалани ойдинлаштириш, идрок этиш ва илмий жиҳатдан кўрсатиб беришдир.

Таълим ва тарбия жараёни умуман жуда мураккаб бўлиб, унинг йўналишига кўнлаб факторлар таъсир этади ва уларни ҳисобга олиш иши ҳам турли қийинчиликларни туғдиради. Таълим бериш билан ўрганиш ҳаммавақт ҳам бир хил натижа беравермайди.

<sup>1</sup> Бугаев А. И. Методика преподавания физики в средней школе. М., Просвещение, 1981, 27-бет. (Тарж.)

<sup>2</sup> Уша жойда.



Ўргатиш методикасининг долзарб масаласи — ўргатиш ишининг тузилиши ва мазмунини аниқлаб, уларни мунтазам равишда такомиллаштириб боришдан иборатдир.

Ўргатиш методикасининг мазмунини қуйидагилар ташкил этади: умумий ва хусусий (назарий асослар) масалалар ҳамда бевосита ижро этиш методикаси.

Методиканинг назарий асосларини шундай изоҳлаш мумкин: ижро этишни ўргатишнинг мақсади ва вазифалари, унинг мазмуни ва тузилиши, ижодий қобилиятни ўстириш, ўргатиш методлари, дарс шакллари, коммунистик тарбия ва бошқалар.

Хусусий методикага ҳар бир теманинг мазмуни, материалларни ўтиш тартиби, тушунчаларни шакллантириш йўллари, ижро этиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш, ўқувчиларнинг умумий музыкавий билимларини ошириш кабилар кирadi. Совет дидактикаси диалектик материализм принципларига асосланган ҳолда ҳодисаларни узвий бирлиги бўйича ўрганади. Масалан, ўқувчиларда у ёки бу фан бўйича билим ва кўникмаларнинг етарли даражада ҳосил бўлмаётганлигини эътироф этишининг ўзи кифоя эмас. Балки бунинг сабабларини аниқлаш зарур — программа оғирлик қилмаётганими, ўқувчи фойдаланаётган адабиётлар талабга жавоб берадими, ўргатиш методикасида камчиликлар йўқми ва ҳоказолар.

Ижронини ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг ақлий ва ижодий қобилияти, унинг иродаси ҳамда унинг камолоти учун зарур бўлган бошқа сифатлар ҳам ривожланиб боради. Билим ва кўникмаларнинг ўқувчида мужассамлашиши аста-секинлик билан амалга ошади. Шу сабабдан ижро этишни ўргатишнинг фақат қисқа вақт ичидаги натижаси билан танишиш етарли бўлмай, балки ўргатиш ва ўрганишнинг барча босқичларини кузатиш керак бўлади. Халқ чолғуларида ижро этишни ўргатиш объектив жараён бўлиб, у маълум даражада педагогика фани эришган ютуқлар билан боғлиқдир. Ижро этишни ўргатишнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

Бошқа фанларда бўлганидек, ижро этишни ўргатиш методикасида ҳам музыка бўйича умумий билим бериш, ўргатишнинг методлари, ўргатиш жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш каби актуал масалалар кўрилади. Маълумки, ўргатишнинг мазмуни асосан дарсликларда баён этилади. Кейинги йилларда ўзбек халқ чолғулари учун дарсликлар яратиш бўйича сезиларли даражада ишлар қилинди. Аммо, шу билан бир қаторда, ўргатиш методикасининг назарий масалаларига бағишланган дарсликлар йўқ ҳисобда.

Ўргатиш методикасининг турли йўналишлари (педагогик, методологик, умумий музыкавий) ва предметларро алоқалари илмий изланишларни тақозо этади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш ишида ўқув-тарбиянинг янада самарадорлигини таъминлаш учун ўргатиш методикасининг назариясини ва унга хос бўлган ўқитиш «технологиясини» ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Ўргатиш

назарияси ва методларини ривожлантириш қуйидагиларни амалга оширишни талаб этади:

1) чолғуда ижро этиш учун зарур бўлган тушунчаларни шакллантиришнинг дидактик асослари (ўргатишнинг босқичлари бўйича айрим тушунчалар шаклланишининг илмий-методик таҳлили, тушунчалар шаклланиши бўйича аниқ методик тавсиялар ишлаб чиқиш ўқувчи ва ўқитувчиларнинг самарали фаолиятини таъминлаш);

2) ижро этиш асосларини ўзлаштириш ишени чолғуда бевосита ижро этиш билан узвий боғлаб олиб бориш, машҳур созандалар ижроси билан танишиш ва шу кабилар;

3) ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва бошқа воситаларни ишлаб чиқариш; билимларни умумлаштириш ва кўникмаларни шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш.

Ҳозирги пайтда ижро этишни ўргатишни ривожлантириш ишенинг тарбиявий аҳамиятига, унинг маънавий-ахлоқий йўналиши ва ижодий меҳнат билан узвий боғлавишига катта эътибор берилмоқда. Таълим-тарбия иши ўргатишнинг мазмуни ва методлари орқали амалга оширилади. Шу туфайли ўргатишнинг мазмуни ва методларини такомиллаштириш — умуман таълим-тарбия ишени такомиллаштириш демакдир. Айни пайтда ўқувчиларда диалектик-материалистик дунёқарашни, сиёсий-ғоявий, меҳнат ва ахлоқ тарбиясини шакллантиришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бу жараёнда ўқувчиларда умумий эстетик ва ижодий қобилиятлар ҳам ривожланиб боради. Ижро этишни ўрганиш жараёнида мустақил машғулотларнинг системасини такомиллаштириш гоят муҳим иш бўлиб, у ўқувчилар тафаккури ва иродасининг мустаҳкамланиши ҳамда ижодий қобилиятининг ривожланиши, шунингдек, уларнинг дарсдаги фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Барча ўқув фанларини ўзлаштириш каби ижрога ўргатиш ҳам ўзига хос бўлган метод ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда юқорида келтирилган вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир. Шу сабабли, чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёни ўқувчиларнинг умумий музыкавий тарбияси, дунёқарашини шакллантириш ва бошқа фанларни ўрганиш билан ҳамбарчас боғлиқликда кўрилади. Чолғуда ижро этишни ўргатиш барча музыка фанлари билан узвий боғлиқ бўлиб, улардан музыка асарини бевосита ижро этиш билан фарқланади. Лекин музыка асарини ижро этишда бошқа музыка фанларидагидек кенг фойдаланилади.

Айрим фанларни ўргатишнинг методикаси билан танишиб чиққандан сўнг, чолғуда ижро этишни ўргатишнинг асосий вазифалари деб қуйидагиларни танладик:

1) ижро этиш асосларини ўзида мужассамлаштирган билимлар системаси билан ўқувчиларни таништириш чолғуда ижро этиш учун зарур бўлган маълумотлар усул ва услублар, товуш ҳосил этиш кўникмалари, музыка асарини ўрганиш ва ижро этиш методикасини амалда қўллаш олиш;

2) чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг фақат эслаб қолиш қобилиятларининггина эмас, балки мустақил фикр-



лай олиш ва ижодий қобилиятларини бойитиш ҳам кўзда тутилади;

3) ўқувчиларда илмий диалектик-материалистик дунёқарашни шакллантириш;

4) ижро этишни ўргатиш жараёнида коммунистик тарбияни амалга ошириш (ғоявий-сиёсий ва эстетик меҳнат тарбиялари);

5) ўқувчиларнинг умумий музыкавий тарбия ишини амалга ошириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш.

Бу вазифаларни алоҳида, бир-биридан ажралган ҳолда ҳал этиб бўлмайди. Уларнинг барчаси ўргатиш жараёнида бир-бирига боғлиқ ҳолда, комплекс амалга оширилади. Ижро этиш билдмлари ва кўникмаларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг диалектик-материалистик дунёқарашни шакллантирилади, коммунистик ва музыкавий тарбия вазифалари ҳал этилади.

Ўқув материалларини илмий асосда танлаш билан, ўргатишнинг керакли методларини қўллаш орқали, чолғуда ижро этишни ўргатиш олдига қўйилган вазифалар ижобий ҳал этилиши мумкин.

#### ИЖРО ЭТИШНИ ЎРГАТИШНИНГ ТАРБИЯВИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ВАЗИФАЛАРИ

Коммунистик жамият қурилиши даврида ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади. Тарбиялаш иши барча ўқув предметларини ўрганиш жараёнида амалга оширилиб, ўқувчиларда диалектик-материалистик ва коммунистик дунёқараш, юксак ахлоқий ва эстетик онг, меҳнатга коммунистик муносабат ва бошқа шунга ўхшаш сифатларни шакллантиришни назарда тутати.

Чолғуда ижро этишни ўргатишда дарс ўтиш жараёни коммунистик тарбия ишини амалда қўллаш учун кенг имконият яратиб беради. Бу имкониятлардан бири — ижро этишни ўргатиш жараёни яқка дарс шаклида олиб борилишидир. Унда ўқитувчи ва ўқувчининг турли мазмундаги суҳбат ва фикр алмашуви учун қўлай шароит туғилади. Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчи билан дарсни яқка тарзда ўтиш (индивидуал) усули ўқитувчига талабанин дунёқарашини, фанларни ўзлаштириш даражасини тўғри аниқлаб тарбиявий таъсир ўтказишга катта ёрдам беради.

Бошқа чолғулардагидек рубоб-примада ҳам музыка ижро этишни ўрганиш кўп машқ қилишни талаб этади. Бунинг учун ўқувчи машғулотларни мунтазам равишда олиб бормоғи лозим. Бу эса ўқувчининг ўрганиш ва ўзлаштириш фаолиятини маълум даражада тартибга солади.

Чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёни ўқувчиларни эстетик тарбиялаш иши билан чамбарчас боғлиқдир. Халқимизнинг бой мазмунга эга бўлган классик асарлари ҳамда замонавий авторларнинг музыка асарлари билан яқиндан танишиш эстетик тарбияни амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг эстетик қарашларини шакллантириш ишини дарс мобайнида бирор куй бўлагини таҳлил қилиб, ижро этиш мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бунда

ўқувчиларга куйнинг тузилиши ва жозибасини англаши тушунтириб борилади.

Бевосита ижро этиш ҳаракатларини ўргатишни ҳам эстетик асосда олиб бориш зарур. Масалан, ижро этиш ҳаракатлари қўпол ва беўхшов эмас, балки нозик ва чиройли бўлиши керак. Шундангина бу ҳаракатлар куйнинг умумий кайфиятига мос тушиши кўзланган мақсадга эришишда ижобий натижа бериши мумкин.

Бу жараёнида эстетик тарбия ишини амалга оширишнинг мавжуд бўлган шаклларида яна бири етук созандаларнинг ижроларини талабалар магнит лента ёзувидан тинглаб ўрганишидир.

Музыкага бўлган эстетик муносабат ўқувчининг онгида музиканинг акс этишини ва унинг музика билан боғлиқлик даражасини белгилайди. Агар ўқувчида музикага бўлган қизиқиш юқори даражада бўлиб, музикадаги гўзаллик ва нафосат уни тўлқинлантирса, у ҳолда эстетик тарбиянинг асосий вазифасини тўғри ҳал этиш ва турли музыкавий кўникмаларни муваффақиятли шакллантириш мумкин.

Ўқувчиларда чолғу ижроси кўникмаларини ўргатиш иши барча ҳолларда муайян музика асари ижроси устида ишлаш билан боғлиқ. Ўқувчилар музика билан турли вазиятларда танишадилар, уларда асарнинг бадиий образини аста-секин тушуниш кўникмаси ҳосил бўлиб боради. Шу асосда музикага муҳаббат, қизиқиш ва эҳтиёж туғилади. Бу жараёнга раҳбарлик қилиш иши ўқитувчидан ўзига хос бўлган маҳоратни талаб этади. Ўқитувчи фақат қонда ва методларни билибгина қолмай, балки педагогик санъатини тўла эгаллаган бўлиши керак. Ўқувчиларнинг тўғри тушунишида баъзан ифодали сўз ва тушунчаларни қўллаш тўғри ва асосли тавсиялардан ҳам устун туриши мумкин.

Ўргатиш ишининг тарбиявий ва ривожлантириш характерига эга эканлигини қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

— ўргатишда эмоционал руҳнинг аҳамияти (музика, доимо тўлқинлантириши, ҳаяжонлантириши, қувонч бахш этиши, қизиқиш уйғотиши керак);

— ижро этиш учун керакли бўлган ҳаракатларни таққослаш уларга баҳо бериш ва бошқалар;

— ўз ижросини тинглаб, назорат қилиш (музика асарининг характерини тўғри очиб бериш, хатоларни тузатиш ва ҳоказо);

— ўқувчиларнинг ижро этишдаги мустақиллигини ривожлантириш (асарни мустақил таҳлил қилиб ижро этиш, ижрочиликдаги усулларни мустақил тўғри қўллаш олиш, нотаниш куйни эшитиб, сўнгра ижро эта олиш ва бошқалар);

— ижодий изланиш сифатларини ривожлантириш (куйдаги қувонч ёки ғамгинликни кўрсата билиш, нотаниш музика ижросини мустақил талқин эта билиш ва ҳоказо).

Агар чолғуда ижро этишни ўргатишнинг дастлабки босқичларида музикага бўлган эстетик муносабат аниқ кўрсатмалар асосида шакллантирилса, кейинги босқичларда эса ўқувчиларнинг олдига мустақил ишлаш ва ижодий кўникмаларни шакллантирадиган талаблар қўйиб борилади.

Эстетик муносабат ўқувчининг асарни ўрганишга бўлган қоби-



лият даражасини ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Эстетик муносабатни шакллантиришнинг яна бир муҳим шарт — махсус бадний қобилиятни мунтазам ривожлантириб боришдир. Бунга музика асарини баҳолаш ва бу борадаги дидни шакллантириш ҳам киради. Эстетик муносабатни ривожлантириш қуйидаги музика қобилиятларини ривожлантиришни тақозо этади:

— куйнинг йўналиши, усули ва тоналлигини эшитиб, сеза билиш;

— ижро этишнинг ифодалилиги, созанда ташқи кўрinishининг ва ҳаракатларнинг музика характериға мослиги;

— ижро этишға ижодий ёндашиш;

— бошқа созандаларнинг ижро этиш сифатларини тўғри баҳолай олиш ва бошқалар.

Музикавий қобилиятларнинг ривожланиш даражаси ҳамда ўқувчи дидининг ўсиб бориши умумий тарбиянинг асосий кўрсаткичларидан биридир. Музика тарбиясининг ривожланиши ўқувчининг музикаға бўлган эстетик муносабатини ривожлантириш иши билан узвий боғлиқдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёни асосан индивидуал шаклда амалға оширилади. Бироқ тажрибадан шу нарса маълумки, дарс пайтида мазкур чолғу синфидаги барча талабалар дарс жараёнини кузатишлари яхши натижа беради. Бунда улар ўз тенгдошларининг ижроси билан танишиб, ижро пайтида йўл қўйилаётган хатоларни такрорламаслик ҳамда ижроға тўғри баҳо бериш чораларини кўришға имконият туғилади.

Таълим-тарбия жараёни аниқлик ва тартибни талаб этади. Фаннинг мақсади мана шу тартибни очиб беришдир. Шу сабабли педагогика фани ва унинг тармоқлари таълим-тарбиянинг мақсад ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия ишнинг восита шакли ва методларини ишлаб чиқади.

Урганиш жараёнида берилаётган билимлар коммунистик дунёқараш ва ишончға қанчалик мос тушса, у шунчалик самарали бўлади. Ижронинг ўргатиш жараёнида ўқувчида ишончни шакллантириш иши мураккаб бўлиб, бунда ўқувчиларға ўзининг шахсий фикрини айта олишни ўргатиш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир. Ўқитувчининг ўқувчиға ўз фикрини зўрлаб ўтказиши, ўқувчиларда тўғри ишонч ҳосил бўлишиға путур етказиши мумкин.

Чолғуда ижро этишни ўргатиш тажрибасидан шу нарса маълумки, методик жиҳатдан тўғри ташкил этилган дарслар ўқувчининг онгига, сезги ва иродасига ижобий таъсир этибгина қолмай, ҳатто уларда маълум кайфият ҳосил этиб, кўзланган мақсадға эришишда иртизом, меҳнатсеварлик ва ўз фаолиятиға талабчанлик билан қараш каби сифатларни ҳам шакллантиради.

Дарсда турли мисоллардан фойдаланиш эса ўқитувчидан дарсға ижодий ёндашиш ва махсус тайёргарликни талаб этади. Тўғри танланган мисол ўзининг реаллиги билан ўқувчиларда ҳақиқий ишонч уйғота олади.

Чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёнидаги тарбия ишнинг хусусияти ва асоси нималардан иборат? Тарбиянинг асоси — бу

биринчи навбатда, ўргатиш ишнинг, ўқув материалларининг ва программаларининг гоявий-назарий жиҳатдан юксак даражада бўлишидир. Бундан ташқари, тарбия иши тарбиячининг шахсига, унинг ахлоқий сифатларига ва шунингдек билимиға боғлиқдир.

Ўқувчилар ижобий сифатларни ўз ўқитувчиларидан ўрганайдилар. Шу сабабли ўқитувчи ўзига нисбатан ўта талабчан, иртизомли ва билимдон бўлмоғи керак.

Ижро этишни ўргатиш жараёнидаги тарбия иши ижодий характерға эгадир. Ўқувчиларнинг психологиясига таъсир этишда ўқитувчи талабаларнинг ўзларига суяниши керак. Агар ўқувчилар бу ишда ўқитувчиға кўмаклашсалар, демак, тарбия иши тўғри йўлға қўйилган бўлади. Тарбиялаш вазифасини ҳал этиш фақатгина ўқув фаолияти билан чегараланиб қолмай, балки ўқитувдан ташқари вақтда партия, комсомол, касаба союз ва бошқа ташкилотлар орқали амалға ошириб борилади.

Шундай қилиб, ижро этишни ўргатиш жараёнида фақат кўникмалар ўзлаштирилибгина қолмай, балки тарбиявий вазифалар, жумладан, ўқувчиларда коммунистик дунёқараш, ахлоқий сифатлар, билим олиш қобилиятлари ривожлантирилади. Демак, ижронинг ўргатиш иши тарбиявий характерға эга.

Ўргатиш ва тарбиялаш ишларининг қонуний бирлигини ҳар бир ўқитувчи чолғуда ижронинг ўргатишда қўллаши зарур. Ўргатиш ва тарбиялаш ишларининг бирлиги чин инсон шахсини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

#### ИЖРО ЭТИШ ТАЪЛИМИДА БИЛИМ ВА КўНИКМАЛАРНИ ўзлаштириш

Ижро бўйича таълим бериш жараёнида ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларға ижро учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўргатишдир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда дарсни тўғри ташкил этиш ва олиб бориш, турли билимларни ўзлаштириш, керакли кўникмаларни шакллантириш хусусиятларини ҳамда қонуниятларини билиш ўқувчи учун муҳим аҳамиятға эгадир. Ўргатиш жараёни мазмунининг биринчи ва асосий омили — билимдир.

Билим — ҳақиқатдаги предмет ва ҳодисаларнинг боғланиш сабаблари ва муносабатларини инсон тарафидан акс эттирилишидир<sup>1</sup>. Билимларни ўзлаштириш — муайян предмет ва ҳодисаларнинг асосий белгиларини англададиган маълумотларни ўзлаштириш деб тушунилади. Билимларни ўзлаштириш — маълум сўз, тушунча, назарияларнинг маъносини, моҳиятини англаб этиш ва уларни «ўзиники» қилиб олиб, доимо ёдда сақлаб қолишдир.

Ижро этишни ўргатиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг билимлари маълум даражада тўлиқ бўлишиға эришиши керак. Билимларни ўзлаштириш ўзининг характери бўйича турлича бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг тўлақонли билимға эга бўлаётганлигини ўқитувчи назорат қилиб бориши катта аҳамиятға эга.

<sup>1</sup> Картамышев П. В., Тарасов А. К. Методика летного обучения. М., Транспечт, 1974, 29-бет. (Тарж.)



Баъзи ўқувчилар бир-бири билан боғлиқ бўлмаган айрим фактларни, узук-юдук маълумотларни ва қондаларни юзаки ўзлаштиришлари оқибатида билимлар системасидан беҳабар бўлишлари мумкин. Бу, таълимдаги камчиликлар туфайли юзага келади. Билимларни ўзлаштиришда уларнинг маъносини чуқур аниқлаш ва ижодий ёндашиш ўқувчилар билимларининг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Билимларнинг нақадар тўла ва чуқурлиги шу билимларни ўқувчилар амалда қўллаш олишлари орқали белгиланади.

Кўникмалар билимларни амалда қўллаш жараёнида пайдо бўлиб, уларнинг хусусиятлари фаолият характери билан белгиланади. Шунини айтиб ўтиш зарурки, билим ва кўникмаларнинг шаклланиши ва ривожланишига шахснинг туғма қобилияти ижобий таъсир этади, лекин бу қобилият ҳал этувчи аҳамиятга эга эмас.

Бундан кўриниб турибдики, муайян кўникмаларни ҳосил этиш ва ривожлаштириш шахснинг туғма қобилияти билан боғлиқ бўлса-да, улар ҳал қилувчи кучга эга эмас, ва шу туфайли кўникмалар ҳосил этиш жараёнини онгли равишда бошқариш муҳимдир.

Кўп марта такрорлаш натижасида беҳато бажариладиган ижро этиш ҳаракатлари кўникма дейилади.<sup>1</sup>

Ижро этиш кўникмалари — яхши ўзлаштирилиб, қийналмасдан такрорлай оладиган даражага олиб борилган махсус ҳаракатлар бўлиб созанда фаолиятнинг таркибий қисмидир. Юқори даражада ўзлаштирилган ижро этиш ҳаракатлари яхлит, енгил ва тез амалга ошириладиган, улар худди ўз-ўзидан пайдо бўлаётганга ўхшайди.

Кўникмаларни шакллантириш ва ўзлаштириш созанда фаолиятда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўникмалар музика асарини ижроси пайтида созанда диққатини керакли йўналишга қаратиш имконини беради.

Ўзининг характери бўйича кўникмалар қўйидагиларга бўлинади:

— онгли амалга ошириладиган кўникмалар (музика асарининг онгдаги умумий тасавури, характери, тезлиги, қисмлари ва ҳоказо);

— жисмоний ҳаракатлар ёрдамида амалга ошириладиган кўникмалар (ўнг ва чап қўлларнинг, панжа ва бармоқларнинг ҳаракатлари ва бошқалар).

Шунини айтиш керакки, ижро этишни ўргатиш жараёнида айрим ўқувчиларнинг назарий билимлари ва кўникмалари бир-бирига тўғри келмаслик ҳолатини кўришимиз мумкин. Масалан, ўқувчи ижро этишни амалий жиҳатдан бажара олса ҳам, назарий жиҳатдан уни тушунтириб бера олмайди. Кўп ҳолларда бу ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарликлари орасида фарқ борлиги туфайли вужудга келади. Назарий таълим албатта амалий кўникмалар билан бирликда олиб борилиши зарур.

Билимларни ўзлаштиришда уларни қабул қилиб олиш билан кифойлашмаслик керак. Ваҳоланки, ўқувчилар билимлар тўла

<sup>1</sup> Картамышев Н. В., Тарасов А. К. Методика летного обучения М., Транспорт, 1974, 30-бет. (Тарж.)

эгаллаб олишлари, яъни амалда қўллаш билишлари керак. Агар билимларни ўзлаштириш жараёнини кузатсак унинг қўйидаги қисмларини кўришимиз мумкин: вазифани аниқлаш; янги материални қабул қилиш; уни аниқлаш ва таҳлил қилиш; олинган билимни мустаҳкамлаш; амалда қўллаш. Бу қисмлар бир-бирига боғлиқ ҳолда бир бутун жараёни ташкил этади. Шу билан бирга билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда бу қисмларнинг ўзига хос бўлган тартиби бор: бирипчи навбатда қўйилаётган вазифани аниқлаш, ўқув материални тушуниб қабул қилиш, қабул қилинган материални аниқлаб таҳлил қилиш ва ниҳоят уни эсда сақлаб, амалда қўллаш олиш.

Таълим беришнинг таркибий қисми — билимларни ўзлаштиришдир. Талабаларнинг билим олиш фаолиятларини актив ташкил қилиш орқалигина ўқув жараёнининг самарадорлигига эришиш мумкин. Ўқитувчининг вазифаси, ўқувчиларнинг янгидан-янги билим олиши учун керак бўлган кўникмаларни ҳосил қилишда уларга яқиндан ёрдам бериш, бу ишда раҳбарлик вазифасини ўз зиммасига олишдир. Ўқувчиларнинг диққат-эътиборини мужассамлаштириш ва актив фикрлай олиши асосида ўқув вазифасини тўғри кўрсата билиш — ўқувчиларда янги материални қабул қилиш, уларда тушунчалар ва ҳодисалар тўғрисида тасаввур ҳосил бўлишига эришиш мумкин.

Ўқув вазифасини аниқлаш яъни ижро этиш ҳаракатларини кузатиш, куй ижросини бевосита тинглаш, керакли адабиётлар билан танишиш, шунингдек, ўқитувчининг тушунтириши орқали бўлиши мумкин. Вазифани аниқлашда қайси йўл қўлланишидан қатъи назар, ўқувчилардаги мавжуд тасаввур ва янги тушунчаларни шунингдек, баъзи умумлашмаларни қайта кўриб чиқилади. Ўқувчилар олдида янги вазифа қўйилишида улардаги бор тажрибага суяниш яхши самара беради. Бундай алоқадорлик янги билимларни ўзлаштиришни маълум даражада осонлаштиради.

Шундай қилиб, янги материални муваффақиятли ўзлаштириш ўқув вазифасини аниқлашдан бошланади. Вазифани аниқлаш ва тўғри тушуниш келажакда уни муваффақиятли бажариш гаровидир.

Ўқув материални қабул қилиш маълум вазифани ҳал этишга қаратилгандир. Ўқув материални ўзлаштириш кўникмаси кузатиш, музика асарини тинглаш, ўқув адабиётини ёки нотали адабиётни ўқиш ҳамда ўқитувчининг тушунтириши орқали амалга оширилади. Бунда ўқувчи ўқув материалининг амалий аҳамиятини ва унинг тажриба билан боғлиқлигини аниқлаш олиши катта аҳамиятга эгадир.

Ижро этишни ўргатишда ўқувчиларнинг активлигини ошириш учун ўқитувчи нималарга эътибор бериши зарур?

Ўқитувчи талабаларнинг активлигини ошириш учун биринчи навбатда машғулотларни бир хил эмас, балки турлича олиб боришга ҳаракат қилиши керак. Машғулотларнинг бундай ўзгариши унинг сифатини оширишга, ўқувчиларнинг қизиқишларини уйғотишга хизмат қилиши керак.

Материални ўқувчи тўла ва тўғри тушуниб етганлиги бевосита



асарни ижро этиш пайтида намоён бўлади. Одатда назарий билимларни ўқувчи пухта ва тўла ўрганиши ҳамда ўзлаштириши чолеуда ижро этишда ҳам яхши натижа беради.

Таълим жараёнида сўзнинг роли каттадир. Сўз ёрдамида амалда кўрсатилган қийин нарсаларни ўқитувчи тушунтириб беради.

Ўқитувчи баён қилаётган фикрни тушуниш талабалардаги ёдда сақлаб қолиш, мулоҳаза қилиш, сезиш ва бошқа психик жараёнлар билан боғлиқ.

Ўқувчиларнинг диққат-эътиборини доимий мужассамлаштирган ҳолдагина таълим жараёни самарали кечиши мумкин. Айрим ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари паст даражадалиги айнан диққатни мужассамлаштира олмасликларидан келиб чиқади. Шу сабабли ўқитувчининг асосий вазифаси — дарс жараёнида ўқувчиларнинг диққатини мужассамлаштириб, кўзланган мақсадга тўғри йўналтиришдир. Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун ўқитувчи материални моҳирлик билан тушунтириши керак, ана шундагина ўқувчиларда фани мустаҳкам ўрганишга, шу жумладан, шахсий тайёргарликка бўлган оғли муносабатни ривожлантириши ҳамда улардаги прода кучини тарбиялаши мумкин.

Материал мазмунини тўла тушуниб, чуқур англаб этиш, махсус ташкил этилган машғулотлар орқали амалга оширилади. Назарий билимларни аниқлаб, уларни ўрганиш ва англаш мураккаб жараён.

Англаб этиш ва тушуниш ўқувчи олдига муҳим вазифаларни, жумладан, унинг мустақил ижодий ишини ривожлантириш, мустақил ишлай олиш кўникмасига эга бўлиш, билимларни мустақил ўзлаштириш қабиларни қўяди. Амалий ижро этишни асослаш учун махсус топшириқ ва саволлар белгиланади. Агар дарс жараёнида фикр алмашиш, тушунтириш ва исботлаш каби усуллар қўлланилса, ўқувчининг ўзлаштириши самарали бўлади. Олинган билимлар мустақил машғулотларда мустаҳкамланади.

Таълим беришни шундай ташкил этиш керакки, токи ўқувчининг ўзлаштирган билими ёдида мустаҳкам ўрнашсин. Бунинг учун ўқувчининг хотирасини мустаҳкамлашга қаратилган машқлар талаб этилади. Ҳар бир дарсда олдинги ўтирилган материални такрорлаш учун вақт ажратиш ўқувчилар хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бунда такрорлаш юзаки бўлмасдан, балки оғли равишда амалга оширилади.

Агар ўрганилаётган материал ўқувчи учун тушунарли ва қизиқарли бўлса, уни ёдда сақлаб қолиш ҳам шунчалик осонлашади. Ўқувчининг билимларни ўзлаштиришга, ижро этиш маҳоратини эгаллашга интилиши ва қизиқини кучли бўлгандагина у ҳақиқий мутахассис бўла олиши мумкин.

Ўқув материални ўзлаштириш ўқувчиларнинг ақлий фаолияти билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак. Маълум билимларни ўзлаштириш ва турли машқларни чалиш асосида керакли ижро этиш кўникмалари ҳосил бўлади. Билимлар қанчалик пухта ва чуқур бўлса, кўникмалар ҳам шунчалик сифатли бўлади. Кўникмаларни ўзлаштириш ва ривожлантириш вазифаси бевосита ижро этиш пайтида амалга оширилади.

Агар билимлар кўникмалар ҳосил этишининг асоси бўлса, кўникмаларни ўзлаштириш эса ўз навбатида янги билимларни эгаллаш жараёнига ўз таъсирини ўтказади. Кўникмаларни ўзлаштириш ва такомиллаштириш ишлари билимларни эгаллаш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади, зеро зарур кўникмаларсиз ижро этиш маҳоратини ўзлаштириб бўлмайди. Шу сабабли ҳар бир дарсда ўқитувчи аввало ўқувчиларни билим эгаллашга, маълум кўникмаларни ҳосил қилишга тайёрлаши керак. Ўқувчиларда ўтилажак дарсга қизиқини уйғотиб, уларнинг диққатини жалб қила олиш лозим.

Ҳозирги пайтда чолеу ижрочилигининг ривожланиб бориши созада олдига катта вазифа қўяди. Агар ўзбек халқ чолеулари ижрочиларининг ҳозирги пайтдаги репертуарига назар ташласак, унда турли даврга мансуб бўлган авторларнинг ҳар хил асарлари ва халқ куйларини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида тарбияланаётган ёш созандагарининг чуқур илмий-назарий билимга эга бўлишларини, ижро этиш кўникмаларини кун сайин такомиллаштириб боришларини тақозо этади. Ижро этилаётган музика асарни қанчалик мураккаб бўлса, созандагарнинг салоҳияти ҳам унга муносиб бўлиши даркор. Шу сабабли созада ижро этиш кўникмаларини ҳосил этиши ва уни такомиллаштириш жараёнининг асосларини билиши катта аҳамиятга эгадир.

Кўникмалар ҳосил этишининг илмий асосларини тушуниш, бу жараённи кузатиш, унга оғли равишда таъсир этиш кўникмаларнинг сифатини кўтаришга имкон беради. Кўникмани шакллантиришнинг асоси машқдир. Машқ деб, кўникмани такомиллаштириш мақсадида кўп маротаба такрорланадиган маълум ҳаракатларга айтилади<sup>1</sup>. Ижро этишни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда музика асарини мустақил ижро этиш учун зарур бўлган кўникмалар ҳам шаклланиб боради. Шунини айтиб ўтиш зарурки, такрорлашнинг ҳаммаси ҳам машқ бўлиб хизмат қилавермайди ва кўникма ҳосил этавермайди. Тўғри ташкил этилган машқлар кўникмаларни тез ва мустаҳкам ҳосил этиш имконини беради.

Кўникма ҳосил этадиган машқларни самарали бўлиши учун қуйидагилар зарур:

- машқларнинг манتيқан тўғри танланганлиги ва методик жиҳатдан асосланганлиги;
- ўқувчининг ўз фаолиятига оғли равишдаги муносабати, яъни унинг дарсдан-дарсга тобора яхши натижага эришишга интилиши;
- ҳаракатларни бажариш қондаларига роя қилиши;
- машқларни бажаришдаги имкониятларни ҳисобга олиши;
- эришилган натижаларни ҳисобга олиши;
- йўл қўйилган хатоларнинг сабабини тўғри тушуниб, шу хатоларни бартараф этиш чораларини белгилаши;
- машқларни бажаришда ўқувчи ўз-ўзини назорат қила олиши.

<sup>1</sup> Картамышев П. В., Тарасов А. К. Методика летного обучения. М., Транспорт, 1974, 37-бет. (Тарж.)



Машқ ҳаракатларини бажаришда оддийдан мураккаб ҳаракатларга ўтиш тавсия этилади. Машқни мунтазам равишда такрорлаш ўз самарасини беради.

Кўникма ҳосил бўлганидан сўнг уни кўп вақт такрорламасдан ташлаб қўйилса, у хотирадан кўтарилиши мумкин. Шу сабабли маълум вақтгача машқни такрорлаб, унинг сифатини назорат қилиб бориш кўзланган натижани беради.

Мураккаб кўникма бир неча оддий кўникмаларни бирлаштириш натижасида вужудга келади. Бундай кўникма ҳосил қилишда оддий кўникмалар маълум даражада ўзгаради. Кўникмалар қай кўрилишда ва қанчалик ривожланган бўлмасин, уларга сайқал бериш учун имконият доимо мавжуд.

Чолғуда ижро этиш учун зарур бўлган кўникмалар шу соҳадаги мустақкам билимларга асосланиши зарур ва бу кўникмаларни амалда моҳирлик билан қўллаш тавсия этилади. Шу сабабдан ўқитувчи талабани ижро маҳоратига ўргатар экан, талаба қуйидагиларни эса тутмоғи зарур:

— музика асарининг ижроси учун зарур бўлган кўникмалар ўқувчи тарафидан онгли равишда ўзлаштирилади;

— кўникмалар назарий билимларни қўллаш асосида, турли машқларни кўп мартаба такрорлаш натижасидагина шаклланади ва такомиллаштирилади;

— янги кўникмаларни ўзлаштиришда олдинги ўзлаштирилган кўникмалар ёрдам бериши ёки бунинг акси бўлиши мумкин.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, агар назарий билимлар амалий кўникмаларсиз фойдасиз бўлса, назарий билимларсиз қўлланиладиган кўникмалар маъносиз ҳаракатларга айланиб қолади. Юзакки, маъносиз ҳосил этилган ижро этиш кўникмаларини созанда тез орада ёдидан чиқариб юборади ёки бундай ижро этиш кўникмаларини бошқача янги шароитда қўллаш талаб этилганда созанда уни бажара олмаслиги ҳам мумкин. Бундан хулоса шуки, чолғуда ижро этишни муваффақиятли ўзлаштиришнинг гарови — ижро этиш кўникмаларини созанда чуқур ва мустақкам ўрганишидир. Машғулотнинг мунтазамлиги ижро маҳоратининг ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб қолади.

#### ДИДАКТИК ПРИНЦИПЛАР ВА УЛАРНИ ҚўЛЛАШ

Чолғуда ижронини ўргатаётган ўқитувчи ўз фаолиятида турли метод, усул ва восита, шунингдек, машғулотнинг ҳар хил шакллари билан фойдалана билиши керак. Созандаларнинг таълими ва тарбияси тажрибасида барча педагогик таъсир воситаларини тўғри қўллаш ва уларга ижодий ёндашиш иши коммунистик тарбия ва таълим талабларига асосланган ҳолда олиб борилади. Бу талаблар ўқув муассасалари томонидан тўйланган бой тажрибани ўзида акс эттирган таълим принципларида ўз ифодасини топган.

Таълим принциплари сунъий равишда яратилмайди, балки улар таълимнинг моҳияти, мақсади, мазмуни ва шунингдек, ўқув жараёнининг айрим қисм ва элементлари орасидаги алоқалар ва му-

носабатларнинг қонуниятларидан келиб чиқади. Таълим принциплари ўқитиш ва ўрганишнинг айрим қондаларини ўз ичига олади.

Назарий педагогика диалектик материализмга суянган ҳолда таълимнинг барча соҳалари, шу жумладан, чолғуда ижро этишни ўргатиш учун етакчи қонда бўлган дидактик принципларни ишлаб чиқди. Совет дидактикасида таълим принципларининг қуйидаги тушунчаси мавжуд: «Таълим принциплари — бу коммунистик тарбия ва таълим мақсадларига, билимлар ва кўникмаларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш қонуниятларига мувофиқ бўлган ўқитиш ва ўрганишнинг қай тарзда боришини белгилайдиган раҳбар қондалардир».<sup>1</sup>

Чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёнида совет педагогикаси асос солган қуйидаги таълим принципларидан фойдаланилади:<sup>2</sup>

- таълимнинг системалилиги ва изчиллиги;
- назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги;
- ўқувчиларнинг онглилиги ва активлиги;
- таълимнинг кўргазмаллилиги;
- таълимнинг мақсадга қаратилганлиги;
- таълимда ўқувчиларга индивидуал ёндашиш;
- билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг пухталиги.

Чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёнида ўқитувчи ўқувчининг ёши, назарий билими ва амалий тажрибалари, таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари ижрочиликнинг моҳияти ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юқорида келтирилган таълим принципларидан фойдаланади. Шундай қилиб, таълим принциплари ҳар бир ўқитувчи ўзининг дарсини муваффақиятли олиб бориши учун етакчи кўрсатмалар сифатида фойдаланадиган принциплардир. Таълим принципларида дарс мазмунига, уни ташкил этиш ва олиб боришга, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятига бўлган талаблар ифода этилади.

Чолғуда ижро этишни ўргатиш санъатини эгаллаш — таълим принципларини моҳирлик билан қўллаш демакдир. Ижронини қандай ўргатиш керак? Таълим жараёнида нималарни ҳисобга олиш зарур? Таълим принциплари ана шу саволларга жавоб беради.


Қуйида таълим принципларининг талаблари ва улардан келиб чиқадиган қондаларни кўриб чиқамиз.

Таълимнинг системалилиги ва изчиллиги. Бу принцип таълим жараёнининг объектив қонунларидан келиб чиқади. Ўргатилаётган материалнинг маълум бир система асосида тузилганлиги, навбатдаги дарс олдингиси билан мантиқан боғлиқлиги ва олдинги дарснинг ўзлаштирилиши навбатдаги дарс билан мустақкамланиши, янги маълумотлар билан олдинги ўтилган маълумотлар орасида узвий боғлавиш мавжудлиги ижро этиш таълимининг самарадорлигини таъминлайди.

Таълимнинг системали принципи асосида программалар тузилади. Системали билимларни ўзлаштириш эса бевосита таълим жа-

<sup>1</sup> Данилов М. А., Есипов Б. П. Дидактика. М., 1957.

<sup>2</sup> Педагогика. Баранов С. П. ва Сластенин В. А. таҳрири остида. М., «Просвещение», 1986, 91—107-бетлар. (Тарж.)





раёнида амалга оширилади. Таълимнинг системалилиги ва изчиллиги бузилса, ўзлаштирилган билим ва кўникмалар узук-юлуқ ҳолатда бўлиб, улар амалда фойда келтирмайди. Системалилик ва изчиллик принципига таълимнинг барча босқичларида амал қилиш зарур. Ижро учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда «оддийдан мураккабга», «таниш асарлардан нотаниш асарга» ўтиш қоидаларига риоя қилиш ўзининг самарасини беради.

Мураккаб музика асарини талқин этишда қисмларга ажратиб ўрганиш, ундаги асосий хусусиятга эътибор бериш, ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантирадиган умумий қонуниятларни очиш каби вазифалар қўйилади. Маълумотларни ҳар тарафлама чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш ўқувчиларда тўғри хулоса ва умумлашмалар чиқариш малакасини оширади.

Мазкур принципнинг талаблари системали ва изчил, машқларсиз ҳосил этиб бўлмайдиган кўникмаларни шакллантиришга ҳам тааллуқли бўлиб, чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги. Бу принцип — таълим жараёнида ўқувчилар ўз билимларини амалда қўллаш олишларини, амалиётнинг ўзини эса билим олиш фаолиятининг асоси, деб билишларини кўзда тутади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ижро этиш пайтида назарий қонун-қоидалар ўзлаштирилади ва текшириб кўрилади. Бундай таълим — билимларни ўзлаштириш жараёнини конкрет вазифаларни бажариш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш имконини беради. Билимларни онгли равишда қўллаш назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқ эканлигини тасдиқловчи кўрсаткичдир.

Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги билимларни чуқур ўзлаштиришда ижобий таъсир кўрсатади. Билимлар амалда қўллаб кўрилгандагина уларни шухта ўзлаштириш имконияти туғилади.

Ўқувчиларнинг онглилиги ва активлиги. Бу — таълимнинг асосий принципларидандир. Билимларни онгли ўзлаштиришга ўргатиш — ўқувчиларни турли факт ва ҳодисаларни тўғри таҳлил этиш, уларнинг моҳиятини тушунишга, улар орасидаги алоқа, муносабат ва қонуниятларни очишга ўргатиш демакдир. Таълимга шундай ёндашиш ўқувчиларни кўпқиррали ва чуқур билимли бўлишларига имконият яратади. Нима учун ва нимани ўзлаштириш, ўрганиш кераклигини тушунмай туриб, билим ва кўникмаларни ўзлаштириб бўлмайди. Тушуниш эса актив фикрлаш орқали амалга оширилади. Ўқувчиларда пайдо бўлган барча савол ва шубҳаларни бартараф этиш ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири. Шунингдек, пайдо бўлган саволларни ўқувчилар мустақил ҳал эта олишга ҳам уринишлари зарур.

Ўқувчиларнинг ўрганиш жараёнидаги активлиги — уларнинг онглилиги ва ирода кучларини ишлата олишлари билан узвий боғлиқдир. Ўқувчи қанчалик актив бўлса, қўйилган вазифани шунчалик ижодий ҳал эта олади. Активлик тушунилган ва ёдда сақлаб қолинган нарсаларни ўзлаштиришга шароит яратади.

Совет педагогика фани таъкидлашича, таълим — ўқитувчи томонидан ўқувчиларга билимни жўнгина бериш эмас, балки ўқитув-

чи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ижодий меҳнат жараёнидир.<sup>1</sup>

Ўқувчиларнинг онглилигини, активлигини ва мустақиллигини, уларнинг ижодий ташаббусини ҳар тарафлама ривожлантириш ва рағбатлантиришга ўқитувчи жуда катта эътибор билан қараш керак. Шундай шароитда билимларни кам вақт ичида чуқур ўрганиш имкони яратилади. Ўқитувчи, албатта ўқувчининг билимларини ўзлаштиришларига кўмаклашиши билан бирга, ўзининг ҳар бир ҳаракатига, сўзига эътибор бериши, нимани ва қандай ўргатиш мумкинлигини аниқ тасаввур қилиши керак.

Шундай қилиб, мазкур принципда учта талаб бирлашган: ўқувчи меҳнатининг онглилиги, ижодий характерга эгаллиги ва таълимнинг муваффақиятли кечишида ўқитувчининг раҳбарлиги.

Маълумки, таълимнинг кўргазмалилик принципи ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишларини кучайтиради, ёдда сақлаб қолиш ва ўзлаштириш сифатини яхшилайди. Чолғу таълимидаги кўргазманинг принципининг характерли жойи шундаки, баъзан ўқитувчи чолғуда ижро этишни шахсан кўрсатиб бериши керак бўлади. Чолғуда ижро этишни ўқувчиларга бевосита кўрсатиб бериш ўринли ва тушунарли бўлмоғи зарур. Кўргазмалилик принципини таълимнинг бошидан охиригача қўллаш ёки ижро ҳаракатларини барчасини кўрсатиб бериш керак, десак нотўғри бўлади. Ўқувчилар керакли даражада тасаввурга эга бўлолмаган ижро усулларини ёки ҳаракатларни ўқитувчи амалда кўрсатиб бериши керак. Аксинча, ўқувчилар тўла тушуниб, ижро этиш вазифасини тўғри ҳал эта олган ҳолларда бунга ҳожат йўқ. Кўргазмалилик принципини тўғри қўллаш учун ўқитувчи талабанинг ўрганаётган материални тўғрисида қандай тасаввурга эга эканлигидан хабардор бўлиши керак.

Демак, кўргазмалилик принципи чолғуда ижро этишнинг турли томонлари ва белгиларини очиб беришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Тажрибадан шу нарса маълумки, ижро этишни ўргатиш жараёнида тўғри ва ўринли қўлланилган кўргазмалилик принципи билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришда катта ёрдам беради, ўқувчиларнинг активлигини ва ижодий қобилиятини ривожлантиради.

Таълимнинг тушунарлилик принципи — ўқув материалнинг мазмуни, ҳажми ва ўқитиш методлари ўқувчиларнинг умумий билим савияларига мос тушишини талаб этади. Ўқув материали муайян система ва изчиллик асосида оддий ва тушунарли баён этилиши керак. Тушунарлилик принципи ўқувчиларнинг ўқув материалини онгли равишда ўзлаштира олишини кўзда тутади. Бу — ўрганиш жараёнидаги қийинчиликларни четлаб ўтиш эмас, балки мавжуд қийинчиликларни аста-секин бартараф этиш демакдир. Ижро этишни ўргатиш жараёнида ўқувчилар олдида уларнинг билим ва кўникмаларига мос, индивидуал хусусиятларини ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув вазифаларини қўйиш лозим бўлади. Ўқувчиларнинг кучлари етмайдиган вазифалар вақтнинг бекор ке-

<sup>1</sup> Картамышев П. В., Тарасов А. К. Методика летного обучения М., Транспорт, 1974, 87-бет. (Тарж.)



тишига олиб келади. Бунда ўқувчи вазифани бажара олмай ўз қобилият кучига ишончини йўқотиб қўйиши мумкин.

Ўқитувчининг таълим беришдаги энг асосий вазифаларидан бири — ўқувчиларнинг бор билимларига суянган ҳолда ўқувчиларда ўз қобилият кучларига ишонч уйғотиш, мураккаб материални улар учун тушунарлик қилиб баён этишдир.

Ўқув материални чигаллаштирмасдан, аниқ ва раволик билан ўқитувчи онгига етказиш — ўқитувчидаш маҳорат талаб қилади.

Таълимнинг мақсадга қаратилганлиги. Психология фанининг таъкидлашча, агар инсон мақсадни, мақсадга мувофиқликни ва бўлажак натижани аниқ кўра олса, унинг фаолияти самарали бўлади. Карл Маркс мақсадни фаолиятнинг характерини ва усулини белгилайдиган қонун, деб атаган эди. Шунинг учун ҳам таълимда мақсадни моҳирлик билан аниқлаш, уни аниқ тасаввур эта билиш катта аҳамиятга эга. Хусусан чолғуда ижрочиликни ўргатиш жараёнида мақсадни умуман аниқлаш билан бир қаторда айрим кўникма ва ҳаракатлар ўзлаштирилишидаги аниқланадиган мақсадлар ҳам эътибордан четда қолиши керак эмас.

Ҳар бир дарс, музика асарининг ҳар бир ижроси мақсадга мувофиқлик билан кечиши, яъни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги барча ҳаракатлари охириги мақсадга эришишга қаратилган бўлиши керак. Ўқитувчи ўқувчига ҳар бир машғулотда эришиши керак бўлган мақсадни аниқ кўрсатиб бермоғи зарур. Тажрибада айрим ўқитувчиларнинг мақсадни сўзлар воситасида кўп тушунтириш натижасида энг асосий, керакли мақсад четда қолиб кетиш ҳолларини ҳам кўрамиз.

Инсон ҳамиша ўз диққат-эътибори қаратилган нарса ва ҳодисаларни ёдида яхшироқ сақлаб қолади. Шу сабабли ҳам ижро этиш пайтида ўқувчилардан барча нарсаларни эслаб қолишни талаб қилмасдан, балки биринчи навбатда ёдда сақланиб қолиши зарур бўлганларини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Таълимда ўқувчиларга индивидуал ёндашиш. Ўқув-тарбия жараёнини тўғри ташкил қилиш учун ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятини, тайёргарлик даражасини ва шахснинг шаклланиш қонунларини билиш керак. Шахснинг диққат-эътиборини ва фикрлашини, сезгиларини ва қобилият хусусиятларини билиш унинг ўқув материалларини ўзлаштириш имкониятларини аниқлашда қўл келади. Шу сабабли ҳар бир ўқувчининг имкониятларини аниқлай билиш, ўргатиш методларини тўғри танлаш ўқувчи имкониятларига мос тушадиган вазифаларни кўрсатиш учун қулай шароит яратилади. Ўрганилаётган материал ўқувчиларнинг ўрганиш имкониятига мос келиши ва улар ўз кучларини тўла сафарбар этиб ишлаш олишлари таълимда индивидуал ёндашиш принципининг моҳиятини ташкил қилади.

Таълимда индивидуал имкониятларни ҳисобга олиш, ўргатиш жараёнини ўқувчиларнинг камчиликларига мослаштириш, деган сўз эмас. Турли индивидуал хусусиятга эга бўлган ўқувчилар олдига қўйилаётган талаблар ягона бўлиши керак. Ўқувчилардаги барча ижобий сифатларни қўллаш ва уларни ривожлантириш, салбийларини йўқотиш ўқитувчининг вазифасидир.

Таълим жараёнида ўқитувчи ўзининг ҳар бир сўзини эҳтиёткорлик билан ишлатиши керак. Шунинг унутмаслик зарурки, ўқитувчи сўз ёрдамида ўқувчиларда ижобий фикрлаш, ишонч, қизиқиш, ўқишга яхши муносабат уйғота олиши ва аксинча, эҳтиётсизлик билан айтган сўз орқали таълимга катта зарар етказиши мумкин. Ўқитувчининг қўпол муомаласи ўқувчилар психикасига салбий таъсир этиши аввалдан маълум.

Ўқитувчининг асосий вазифаларидан яна бири шуки, у ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини мустақил кечишини таъминлаш ва зарурийат тўтилгандагина уларга ёрдам беришни кўзда тутиши керак.

Таълим жараёнини ташкил этишда ҳар бир ўқувчининг ривожланиш даражаси, тажрибаси ва қобилиятларини ҳисобга олиш зарур.

Билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг пухталиги. Таълим жараёнининг нақадар муваффақиятли кечиши маълум даражада ўтилган материалларнинг ёдда қанчалик пухта сақланиб қолиши билан боғлиқ. Билимлар ва кўникмалар ёдда яхши ва пухта сақланиб қолгандагина уларни амалда қўллаш мумкин. Ўзлаштирилган материалнинг ёддан кўтарилиши таълим изчиллигини бузади ва янги маълумотлар ўзлаштирилишини ёмонлаштиради. Шу боисдан, таълим жараёнида билимларнинг пухталигига эришиш, уларни кундалик назорат билан мустаҳкамлаб туриш керак. Мазкур принципнинг чолғу ижрочилари учун аҳамияти жуда каттадир. Ҳаммага маълумки, ижро кўникмалари пухта ўзлаштирилмаса, улар тезда ёддан кўтарилиб кетади ва уни такрор ўзлаштириш учун машғулотларни янгидан қайтаришга тўғри келади. Билимларни мустаҳкамлаш учун ўтилган материални мунтазам такрорлаб туриш керак. Бунда, такрорлаш шарт-шароитларини ўзгартириб туриш муҳим аҳамиятга эга. Агар музика асари ёки унинг бирор қисмини такрорлашни мисол қилиб оладиган бўлсак, унда такрорлаш мақсадини олдиндан белгилаб, такрорлаш мубайнида турли вазифалар бажарилади. Барча ҳолларда ҳам ўқувчиларнинг актив фикрлашлари билимларни пухта ўзлаштиришига ёрдам беради. Бунда ўқувчиларнинг мустақил машғулотлари, ташаббус ва билим олишга ижодий ёндашишларининг аҳамияти катта.

Кўриб чиқилган таълим принципларининг ҳар бири ўзаро бир-бири билан боғлангандагина ўз самарасини беради.

#### ЎҚУВ ПЛАНЛАРИ, ПРОГРАММА ВА ЯККА ПЛАНЛАР

Ўқув плани — ўқитувчилар, таълим-тарбия муассасаларининг тасдиқланган давлат ҳужжатидир. Ўқув планини тузишда коммунистик тарбиянинг мақсад ва вазифалари, шахсни ҳар тарафлама ривожлантириш гоёси ва шунингдек, махсус фанларнинг эришган ютуқлари асос қилиб олинади. Ўқув планига киритилган фанларнинг мураккаблиги, ўқувчиларнинг маълум босқичда ўзлаштири олиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бўлиши ва бу фанлар ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий меҳнат ва эстетик ҳамда жисмоний ривожланишининг асоси бўлиб хизмат қилиши керак.



Ўқув планни таълимнинг муайян босқичи тузилишига мос тушади ва унда ўтиладиган фанларнинг миқдори белгиланади.

Ўқув планидаги предметлар ўқув йиллари бўйича бўлинади. Ўқув предметларини ўрганишдаги изчиллик ўқувчиларнинг билим олиш имкониятларини, предметлар орасидаги ўзаро алоқадорликни ҳисобга олади ҳамда ўқув мазмунини ўзлаштириш имкониятини таъминлайди. Ўқув планида ҳар бир ўқув предмети учун ажратилган соатларнинг умумий ва ҳар ҳафталик миқдори белгиланади.

Ўқув планининг тузилишини ўқитувчи пухта билиши, билим бериш системасида ўз фанининг ўрнини тушуниб олиши — таълим босқичлари орасидаги изчиллик принципини амалга оширишда ёрдам беради.

Ўқув программаси ўқув предметининг мазмунини маълум система асосида изчиллик билан бўлим, темалар ва пунктлар бўйича баён этади. Программа таълимнинг маълум босқичида қандай билимлар ва кўникмалар ўзлаштирилиши кераклигини аниқлаб беради. Ўқув программаси мишистрлик томонидан тасдиқланган ва совет таълим муассасалари бажариши шарт бўлган давлат ҳужжатиدير.

Ҳозирги пайтда деярли барча ўзбек халқ чолғулари учун таълимнинг ҳар бир босқичига аталган ўқув программалари мавжуд. Уларда чолғу ижрочилигини ўзлаштиришдаги керакли билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш талаблари қўйилган.

Программа мазмунини таълимнинг дастлабки босқичларида тўла ўзлаштирмаслик, ўқувчиларнинг кейинги йиллардаги ўқишларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Ўқув программасини бажариш — ўқувчи билимининг сифатли бўлишини таъминлаш билан бирга, шахснинг ҳар тарафлама ривожланишини ҳам кўзда тутади.

Чолғуда ижро этишни ўргатиш ишнинг плансиз, ҳисобга олмасдан амалга ошириб бўлмайди. Планлаштириш иши ҳар бир ўқувчининг билим олишдаги ривожланиш тезлигини белгилаб беради. Шу сабабдан ҳам планлаштириш ишига тарбияни бошқаришнинг бир усули сифатида қараш мумкин. Ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда нимани, қачон ва қандай қўллаш кераклигини аниқламасдан туриб педагогик фаоллигини амалга ошириб бўлмайди.

Планлаштириш программада берилган бутун материални маълум вақт бўйича тақсимланишини кўзда тутати. Маълумки, ўзбек халқ чолғуларида ижронини ўргатишнинг барча босқичларида ўқитувчилар ҳар бир ўқувчи учун яқка план тузадилар. Бу планда ўқувчининг йил (ёки ярим йил) бўйи бажарилиши лозим бўлган вазибалар: ўзлаштирилладиган билим, кўникмалар, турли музыка асарлари ва машқлар ўз ифодасини топади. Чолғуда ижро этишни ўргатиш жараёнидаги ўқувчилар учун яқка ўқув планларини тузишнинг қатор ўзига хос хусусиятлари бор. Бу хусусиятлардан бири — ҳар бир ўқувчининг чолғу ижрочилиги бўйича имконият ва қобилиятларини ҳисобга олишдир. Яқка ўқув планини тузишга бундай ёндашиш программа талаблари доирасида амалга оширилиши керак.

Яқка планлар асосан икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмда ўзлаштирилладиган билим, кўникмалар кўрсатилса, иккинчи қисмда ижро этиладиган музыка асарлари ва машқларнинг рўйхати берилади.

Ҳозирги пайтда ўзбек халқ чолғу ижрочилигини ўрганаётган ўқувчилар орасида музиканинг умумий назарияси билимларини ўзлаштиришларида баъзан оқсаш ҳоллари учратишимиз мумкин. Бу ҳолни назарда тутсак, ўқув программасининг мазмунига ва яқка планларга музиканинг умумий назариясига тааллуқли маълумотларни ҳам киритиш зарурдек туюлади. Шу билан бирга музыка асарларини бевосита ўргатиш жараёнида ҳам бу вазифани кераклик умумлашмалар ёрдамида амалга ошириб бориш мумкин.

## ДАРСНИНГ ТУЗИЛИШИ

Чолғуда ижро этишни ўргатиш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этишнинг асосий шакли — яқка дарсдир. Ҳар бир дарс мазмунини жиҳатдан тугалланган бўлиб, аниқ мақсадга эришни учун йўналтирилган бўлиши керак (янги материални ўрганиш, кўникмаларни ўзлаштириш ва уларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, билимларни назорат қилиш, ҳисобга олиш ва бошқалар).

Машғулотга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқитувчи дарснинг бош мақсадини аниқлаб, уни ҳал этиш учун зарур методларни танлайди.

Ўқув жараёнини планлаштириш ва ташкил этиш иши ўқитувчи томонидан тўғри амалга оширилгач у раҳбарлик ролини бажаради.

Дарснинг асосий белгиси — таълимда нималарга эришни кераклигини кўрсатувчи дидактик мақсад бўлиб, шунга асосан дарсларни ўзига хос турларга бўлиш мумкин:<sup>1</sup> 1) янги материални ўрганишга ва кўникмаларни ҳосил этишга бағишланган дарс; 2) аввал ўтилган материални такрорлаш ва умумлаштириш дарси; 3) билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш; 4) бир неча мақсадни ўз ичига олган аралаш дарс.

1. Янги материални ўрганишга ва кўникмаларни ҳосил этишга бағишланган дарснинг асосий методи — тушунтиришдир. Лекин дарснинг кириш қисмида ўқувчини янги материални актив қабул қилиб олишига тайёрлаш зарур бўлади. Бундай тайёргарликни ўқувчилардаги мавжуд билимлар асосида ва улар билан боғлиқ равишда олиб бориш яхши натижа беради. Дарснинг бу турига янги музыка асарини ўрганишни мисол қилиб олсак, унда дарснинг асосий мақсадини ўқитувчи шу асарнинг бирор бўлагини зарур бўлган барча ҳаракатлар ижро этиш услублари ва белгиларини ҳисобга олиб чуқур таҳлил қилинади ва ижро этилгандан сўнг назарий хулоса ясаллади. Бу хулоса бир неча йўналишда бўлиши мумкин. Масалан, умуман музика асари ҳақида, уни ижро этиш

<sup>1</sup> Педагогика, Баранов С. И. ва Сластевни В. А. таҳрири остида. М., Просвещения, 1986, 124-бет. (Тарж.)



учун зарур кўникмаларни ҳосил этиш методлари, музыкавий фикрнинг йўналиши ва ҳоказо. Хулосадан асосий мақсад шуки, ўқувчи ижро этаётган асарни назарий жиҳатдан тўғри тушуниб, амалий талқин вазифасини кераклича ҳал эта олсин.

Мазкур дарс турининг кейинги босқичида ўқувчи ўзлаштирган билимлар мустаҳкамланади. Бунда ижро этиладиган асар бўлакларининг бир-бирига ўхшаш жойларини аниқлаш, қандай ижро этиш усули ва услубларидан фойдаланиш кераклиги ва бошқаларни аниқлаш ёрдам беради.

Чолғуда ижро этишни ўргатиш ва ўрганиш жараёни фақатгина музыка асарларини ўрганиш ва ижро этиш билан чегараланиб қолмай, балки ўқувчилар томонидан маълум кўникмаларни ҳосил этишни кўзда тутати. Бу кўникмаларнинг ҳажми ва сони программаларда кўрсатилган. Чолғудаги ижро этиш кўникмаларига турли мураккабликдаги ижро этиш усул ва услублари, гамма ва уч товушликлар, машқлар кирати. Ўқувчи у ёки бу кўникмани ҳосил этиш йўллари аниқ тасаввур қилиши учун ўқувчи унга яқиндан ёрдам беради.

Шундай қилиб, янги материални ўрганиш ва кўникмаларни ҳосил этишга бағишланган дарснинг тузилишини қуйидагича кўрсатиш мумкин: 1) кириш қисми — ижро этиладиган материал тўғрисида умумий маълумотни баён этиш ва дарснинг мақсадини аниқлаш; 2) кўникма ҳосил этишни назарий асослаш ва амалий ижро этиш; 3) ҳосил бўлган билим ва кўникмаларни таҳлил этиш ва шу асосда хулоса чиқариш; 4) олинган билим ва кўникмаларни турли машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш; 5) уй вазифасини белгилаш.

2. Аввал ўтилган материални такрорлаш ва умумлаштириш дарси. Билимлар ҳамда кўникмаларни такрорлаш ва умумлаштириш юқорида кўриб чиқилган дарс турларида ҳам учрайди. Бу жиҳатлар билимни ўзлаштириш жараёнининг элементи сифатида хизмат қилади. Аввал ўтилган материални навбатдагиси билан боғлаш учун такрорлаш қўлланилади, лекин бундай такрорлашдаги ўқув материални нисбатан кичик ҳажмга эга бўлади. Мисол учун музыка асарини ўрганиш жараёнига мурожат этамиз. Юқорида айтиб ўтилганидек, янги материални ўрганиш дарсида кўйни қисмларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ келади. Айрим қисмлар ўзлаштирилгандан сўнг, уларни яхлит тарзда (тўхтамасдан) ижро этиш вазифаси туради. Бунга эришишда ўқувчи такрорлаш ва умумлаштириш ишларини бажаради. Музыка асарини яхлит тарзда ижро этишда музыкавий фикрларнинг бошланиши ва тугашини, йўналиши ва авжи (кульминацияси)ни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ўқувчида музика асарининг шакли тўғрисида аниқ тасаввур бўлиши керак.

Бу турдаги дарсда ўқувчини музика асарини ижро этиш билан бирга шу асарни тўла таҳлил эта олишга ҳам ўргатиб борилади. Бунинг учун айрим саволларга жавоб топиш, сўз орқали музиканинг умумий кайфияти, шакли ва йўналишини баён эта олиш вазифалари қўйилади.

Такрорлаш ва умумлаштириш дарсида керакли музика ёзувларини тинглаш ҳам ўзининг яхши самарасини беради.

Бундан кўришиб турибдики, ўқитувчи танлаб олган дарс шаклига қараб такрорлаш ва умумлаштириш дарсининг тузилиши турлича бўлиши мумкин Кўн ҳолларда дарснинг бу тури ўз ичига қуйидаги элементларни олади: 1) музика асарининг умумий тузилиши тўғрисида суҳбат ва асарнинг таҳлили; 2) ўқувчининг ижро этиши учун мураккаб қисмларни алоҳида кўриб чиқиш; 3) асарни яхлит ижро этиш; 4) хулоса чиқариш; 5) уй вазифасини белгилаш.

3. Билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш дарси. Билимларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш иши дарс туридан қатъи назар, ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулотда амалга оширилиб борилади. Бундай назорат ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини, ўрганишдаги қўлланаётган методларнинг самарасини белгилаш учун зарур. Мунтазам равишда олиб бориладиган назорат, ўқувчиларда ўз фаолияти учун жавобгарлик ҳиссини кучайтиради. Тажриба шуни кўрсатадики, назорат ва ҳисобга олиш иши дарснинг барча турлари давомида амалга оширилгани билан бир қаторда алоҳида машғулот ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Билимларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш ишининг тугалланган кўриниши — текшириш бўлиб, у имтиҳон ёки заҳёт шаклида бўлиши мумкин. Бунда ўқувчи таълимнинг шу босқичи учун белгиланган программани ижро этади ҳамда берилган саволлар асосида назарий билимларни оғзаки равишда баён этади. Имтиҳон ёки заҳёт вақтида ўқувчи йўл қўйган хато ва камчиликларининг сабабини тўғри аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини белгилаш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир.

4. Бир неча мақсадни ўз ичига олган аралаш дарс. Кўн ҳолларда бир дарс давомида ўзининг мақсади жиҳатидан турлича бўлган бир неча вазифани бажариш керак бўлади: уй вазифасини текшириш, такрорлаш, янги материал билан танишиш, уни мустаҳкамлаш ва ҳоказо. Педагогика фанида бундай дарс аралаш (комбинацияланган) дарс деб юритилади. Ўқувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бундай дарсларни қуйидагича тузиш мумкин: 1) уй вазифасини текшириш ва такрорлаш; 2) янги материални ўзлаштириш ва такрорлаш; 3) янги материал ўзлаштириш даражасини текшириш; 4) уй вазифасини белгилаш.

Келтирилган дарс турларининг ҳаммаси ҳам кўрсатилган барча қисмларга эга бўлмаслиги мумкин. Таълимнинг муайян босқичи талабларига биноан дарснинг қисмлари маълум даражада ўзгариб туради ва шу билан бирга ҳар бир дарс барча шароитда ҳам ўтилган ва бўлажак дарслар билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

#### БИЛИМЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Билимларни текшириш ва баҳолаш ўқитувчидан педагогик маҳоратининг эмас, балки катта педагогик сезгирликни ҳам талаб этади. Ўқувчиларнинг олган билимларини аниқлаб таҳлил қилиш,



уларни текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг муҳим томони бўлиб у таълим қисмларининг мазмунини ташкил этади.

Таълим жараёнида олинган билимларни шунчаки текшириш ва баҳолаш билан чегараланиб қолмасдан, балки ўқувчиларнинг олган билимлари сифатини ва ҳажмини, кўникмаларини, ҳудудас, уларнинг ижрочилик соҳасида эришган барча ютуқларнинг таҳлил қилиш зарур. Бу ўринда ўқувчиларнинг умумий тафаккурининг ривожланишига алоҳида эътибор берилди. Бу — тарбиянинг барча босқичларида мунтазам равишда амалга ошириладиган иш бўлиб, ҳар бир босқичнинг асосий вазифалари билан боғлиқ.

Ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришлари устидан мунтазам равишда олиб бориладиган назорат — таълим муваффақиятининг шартидир. Назорат ўқувчиларда бор кучларини тўла сафарбар этиб, уларни активлаштиради. Назорат ва текшириш натижаларидан ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг билимларини янада яхшироқ ўзлаштира олиши учун фойдаланади. Мунтазам равишда олиб бориладиган назорат ва текшириш ўқувчиларни ўз фаолиятига танқидий қарашга ундайди. Текшириш, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг нимани ва қандай ўзлаштираётганликларини, уларнинг қандай қийинчиликларга дуч келадиганликларини аниқлаш ва уларга ёрдам беришга қаратилгандир. Шу билан бирга текшириш ёрдамида ўқитувчи ўз фаолиятига назар ташлаб, ундаги камчиликларга эътибор бериш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўқитувчининг келажақда таълим жараёнини бошқариб бориши учун жуда муҳимдир.

Ўқувчиларнинг билимлари ва кўникмаларини текшириш ишига педагогик жиҳатдан асосланган бир неча талаблар бор. Билимларни текшириш иши мунтазам равишда, ҳар бир дарсда, яқка шаклда ҳар тарафлама амалга ошириб борилиши керак. Текшириш юқори талабчанлик билан ўқувчиларга ёрдам бериш руҳида ўтиши керак. Билимлар ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг жуда муҳим ва масъул босқичидир. Бу ҳол ҳар бир ўқитувчидан ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва баҳолашга давлат ва партия нуқтаи назаридан ёндашишни талаб этади. Ўқитувчига баҳоларни ошириб ёки пасайтириб қўйиш ҳуқуқи берилмаган. Билимларни текшириш ва баҳолашнинг мавжуд принциплари, метод ва турларини чуқур англаш ўқитувчининг вазифасидир.

Ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари орқада бўлган тақдирда, ўқитувчининг яхши муносабати илмий методик ва рационал усулларни қўллашнинг ўзининг самарасини беради. Агар ўқувчиларнинг кўпчилигининг ўзлаштириши қийин бўлса, бунинг сабабини аввало таълим методикасидан излаш керак.

Ўзлаштиришни ҳисобга олиш ишини шундай йўлга қўйиш керакки, токи ўқувчи ўз камчиликларини аниқ тасаввур эта олсин. Бунда ўқувчиларга камчиликларини кўрсатиш билан бирга уларни бартараф этиш йўллариини айтиб тушуштириш ҳам зарур. Таълимнинг бундай методи ўқувчиларни мунтазам дарс тайёрлашга, ўзларининг билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга, берилган вазифани вақтида ва сифатли бажаришга ўргатади.

**Билимни текширишнинг асосий принциплари қуйидагича:<sup>1</sup>**

- 1) текширишнинг индивидуал характерга эга эканлиги;
- 2) мунтазамлилик;
- 3) ҳар тарафламалик;
- 4) объективлик.

1. **Текширишнинг индивидуал характерга эга эканлиги** ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний хусусиятлари билан боғлиқдир. Билимларнинг мураккаблиги баъзи ўқувчиларнинг иштирокини сусайтириб юбориши ва аксинча, бошқаларнинг иштирокини кучайтириши ҳам мумкин. Берилган вазифага қай даражада тайёрланганлигини текшириш билан бирга бу вазифани қанчалик куч ва вақт сарф этиб тайёрланганлигини билиш ўқитувчи учун жуда муҳимдир. Маълум даражада бир хил вазифани ўқувчилар ҳар хил куч ва вақт сарф этиб бажаришади. Бир ўқувчи осонгина эришган натижага бошқа ўқувчи кўпроқ куч ва вақт сарф этиши керак бўлади. Шу билан ҳам ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусияти ва қобилият даражасини билиши керак.

2. **Текширишнинг мунтазамлиги** таълим жараёнидаги камчиликлар ва ўзлаштира олмаслик сабабларини вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш учун имконият яратади. Бундан ташқари, мунтазам равишда олиб бориладиган текшириш ўқувчиларга ўтилган материални такрорлаш ва ўз ижросини таҳлил этишда ёрдам беради. Камчиликларга эса эътиборсиз қараш мумкин эмас. Ижронини ўзлаштиришни қийинлаштирадиган ёки сифатини ёмоялаштирадиган барча сабабларни вақтида аниқлаб, уларни тезда бартараф этиш керак.

3. **Текширишнинг ҳар тарафламалиги** ўқувчиларнинг ижро маҳоратларини тўғри баҳолаш олиш имконини берадиган турли метод ва усулларни қўллашни тақозо этади. Масалан, чолғу ижроси бўйича билимларни текшириш адабиёт ёки тарих фанларига қараганда бошқача тарада ўтади. Яъни текшириш ҳар бир фаннинг хусусиятларига тўғри келиши керак. Чолғуда ижро маҳоратини текшириш ўқувчининг чолғудаги бевосита ижросини тинглаш ва зарурият тугилганда озгина савол-жавоб йўли билан амалга оширилади. Бундан ташқари, ўқувчининг умумий дунёқараши, ижрочилик билан боғлиқ фанларини билиши ва бошқа сифатлари текширилади.

4. **Текширишда объективлик.** Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштиришини ўта аниқлик ва объективлик билан баҳолаш керак. Талабанинги билимини баҳолашда йўл қўйилган хато унинг иштироки ва қизиқишига путур етказиши мумкин. Ўқитувчи баҳолаш жараёнида ҳар бир ўқувчининг билими ва ижрочилик сифатларини тўғри аниқлаши зарур. Бунда ижро этилаётган музыка асари ва техник материаллар программага мос тушиши керак.

**Баҳолаш.** Ўқувчиларнинг чолғу санъатини ўрганиш фаолияти ижро маҳоратини эгаллашларида асосий кўрсаткич бўлиб хизмат

<sup>1</sup> Картамышев Н. В., Тарасов А. К. Методика летного обучения. М., Транспорт, 1974, 124-бет. (Тарж.)



қилади. Бу фаолиятни баҳолаш учун эришилган натижаларни таълимнинг шу бўлагига тааллуқли бўлган программалар билан солиштириш зарур.

Ўзлаштиришни баҳолаш ўқувчиларни янги, янада мураккаброқ билим ва кўникмаларни ўзлаштиришлари учун қизиқиш ва интилишларини уйғота оладиган восита бўлиб хизмат қилиши керак.

Баҳолаш катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у объектив бўлгандагина ўқувчиларда ўз фаолиятларига нисбатан жавобгарлик ҳиссини уйғота олади. Ўзининг билим ва кўникмаларини нима сабабдан бундай баҳолаганлигини ўқувчи тушуниб етиши шарт. Аслида юқори қўйилган баҳо ўқувчиларнинг ўз имкониятлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишларига халақит беради. Бу эса ўз навбатида ўқув-тарбия ишининг сифатига ва ўқувчининг келажак ўзлаштиришига салбий таъсир этади. Пасайтириб қўйилган баҳо эса ўқувчиларда ўз кучларига ишонмаслик ҳиссини уйғотиб, яхши ўқишга бўлган интилишларини сусайтириб юборади.

Билимли бўлиш билимни амалда қўллай олиш демакдир. Шу сабабли ўқувчи билимни баҳолашдан аввал, унинг шу билимларни амалда қўллай олишини текшириш зарур. Баҳолашга шундай ёндашиш ўқувчиларга билим ва кўникмаларни пухта ва чуқур ўзлаштиришида ёрдам беради.

## II боб. РУБОБ-ПРИМАДА ИЖРО ЭТИШНИ ЎРГАТИШ

### РУБОБ-ПРИМА ЧОЛГУСИ ТУГРИСИДА

Сўнгги йилларда рубоб-примада ижрочилик санъати янада такомиллашиб, оммаланиб, тобора ривожланиб бормоқда. Бу чолғу учун янги, оригинал асарлар яратилмоқда, композиторлар томонидан турли куйлар қайта ишланмоқда, шунингдек, ижрочиларнинг репертуаридан рус ва чет эл классик композиторларининг музыка асарлари ҳам ўрин эгаллаган.

Рубоб-прима ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштирилиши (реконструкция қилиниши) натижасида қашқар рубобининг шакли асосида вужудга келди. Шакли жиҳатидан қашқар рубобига ўхшаса ҳам, ҳажми, товуш тембри, диапозони, созланиши ҳамда ижро этишнинг айрим принциплари бўйича ундан фарқ қилади. У яққохон, шунингдек, ансамбль ва оркестр ижроси учун мўлжалланган.

Диапозони кичик октава «СОЛЬ»дан тўртинчи октава «МИ»гача.


Рубоб-приманинг техниквий имкониятлари ва бошқа хусусиятлари бирмунча мураккаб бўлган асарларни ҳам бемалол ижро этиш имкониятини беради.

Ҳозирги пайтда миллий музыка чолғулари фабрикасида рубоб-прима оммавий равишда ишлаб чиқариламоқда. Лекин бу чолғуларнинг сифати талаб даражасидан анча паст. Ҳар тарафлама сифатли тайёрланган чолғу ижро этишни яхши самрасини беради.

Рубоб-примани шартли равишда қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин (1-расм):

Чолғунинг бош қисмида торларни тортиб турадиган ва уларнинг созланишини таъминлайдиган қулоқлар ўрнатилган.

Даста қисмида эса металлдан ишланган парда бўлинималари жойлаштирилган. Уларнинг ҳар бўлинимаси 0,5 тонга тенг ва тартиб бўйича



1-расм



бош қисмдан коса қисмга қараб саналади. Даста ва косанинг бирлашган жойида безак вазифасини ўтайдиган шохлар ўрнатилган.

Рубоб-приманинг косаси яхлит ёғочдан ўйиб ёки алоҳида ёғоч қовурғаларни бирлаштириб ишланган бўлиши мумкин. Косанинг юзи балиқ териси билан қопланади. Шу терининг устига торларни керакли масофага кўтариб туриш учун харрак ўрнатилади. Харракнинг қаттиқ материалдан (ёғочдан) ишланишига эътибор бериш керак бўлади. Чунки торлар (айниқса «МИ» ва «ЛЯ») созланганда катта куч билан харракка босилади. Агар харрак нисбатан юмшоқ ёғочдан ишланган бўлса, торлар кучли босим натижасида уни қирқиб юбориши мумкин ва торлар керагидан ортиқ равишда пастга тушиб кетади. Бундан ташқари, харракнинг нисбатан қаттиқ ёғочдан ишланиши товушнинг сифатли садосини таъминлайди.

Косанинг пастки қисмида торларнинг бир учини илиб қўйиш учун тўртта тугмача (илгак) ўрнатилган.

Рубоб-примада тўртта тор бўлиб, улар ўзаро йўғонлиги жиҳатидан фарқ қилади:

Биринчи тор МИ диаметри — 0,25 мм.

Иккинчи тор ЛЯ диаметри — 0,30 мм.

Учинчи тор РЕ диаметри — 0,30 мм ва ўрамаси 0,15 мм.

Тўртинчи тор СОЛЬ диаметри — 0,35 мм ва ўрамаси 0,20 мм.

Учинчи ва тўртинчи торларнинг усти зич қилиб ўралган жез сым билан қопланган бўлади.

Рубоб-приманинг мензураси — 360 мм.


Торлар бир тарафдан чолғунинг коса қисмидаги тугмачаларга ва бошқа тарафдан қулоқларнинг ўқларига тартиб бўйича ўрнатилади.

Торлар билан парда бўлинмалари орасидаги масофанинг катта ёки кичиклиги харракнинг баланд-пастлигини аниқлайди. Агар харрак ўз навбатида торлар жуда баланд жойлашган бўлса, чап қўл бармоқларининг ҳаракати ижро пайтида қийинлашади. Ёки аксинча, торлар керагидан ортиқ паст жойлашса, товуш сифати ёмонлашади ва симлар «жизиллаб» қолади. Шу сабабларга кўра рубоб-прима ижрочиси харракнинг керакли ҳажмда бўлишини ҳамда унинг баланд-пастлигини тўғри белгилай олиши зарур бўлади.

Итирма тўртинчи парда бўғинида торларнинг баландлиги 4 мм бўлиши шарт.

### РУБОБ-ПРИМАНИ СОЗЛАШ

Рубоб-приманинг торлари қандай октавада эшитилса, шундай ёзлади:



Торларнинг бир-бирига нисбатини олсак, улар квинта интервали оралиғида жойлашганлигини кўрамиз.

Созлашни одатда ЛЯ симидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. ЛЯ тори бошқа чолғу (масалан, пианино)нинг шу нотасини эшитиб ва унга мослаб созлангандан сўнг бошқа симлар рубоб-приманинг ЛЯ тorigа мослаб созланади. Тажрибада баъзан чолғунинг қуйидаги тартибда созланишини ҳам учратамиз: ҳамма очиқ торлар фортепианонинг шу ноталарига мослаб созланади. Бу усул ижронинг ўргатиш жараёнининг бошланиш қисмида таъсия этилади.

Рубоб-прима чолғусининг тўғри созланганлигини текшириб кўришнинг кўплаб усуллари мавжуд. Биз шулардан асосийлари устида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўқувчида чолғунинг мустақил созлаш кўникмасини ҳосил қилиш мураккаб жараён бўлиб, у ўқитувчидан ҳам, талабадан ҳам мунтазам ва сабр-тоқатли машқни талаб қилади. Сифатли чолғунинг тўғри созланганлигини текшириш қуйидагича: очиқ торлар созланиб бўлгандан кейин уларни қўшалоқ тарзда, яъни ЛЯ ва МИ (РЕ ва ЛЯ, СОЛЬ ва РЕ) торлари жуфт-жуфт қилиб чертиб кўрилганда соф квинта интервали эшитилиб туради. Иккинчидан, очиқ торни кейинги торнинг шу нотадаги пардаси билан текширганда соф октава интервали эшитилади. Масалан, очиқ ЛЯ тори билан МИ торининг бешинчи пардасидаги ЛЯ товушлари бирваракай чалинганда соф октава ҳосил бўлиши керак. Шу усул билан РЕ ва СОЛЬ торларини ҳам текшириб кўриш мумкин. Учинчидан, ёнма-ён жойлашган торларда унисон ҳосил қилиш усули билан торлар созини текшириш. Агар МИ тори очиқ ҳолати билан бир вақтда ЛЯ торидаги еттинчи парда — МИни чертсак соф унисон, яъни бир хил баландликдаги товушлар эшитилади. Бу усулни ҳам бошқа торларда такрорлаб сози текширилади. Ва ниҳоят тўртинчи усул: бир симни ўзида октава интервалини текшириш. Бунда очиқ тор билан шу торнинг ўзидаги ўн иккинчи пардани бирин-кетин чалганда соф октава интервали эшитилса, демак тор тўғри созланган бўлади.

Чолғу созини ушбу йўсинда текширилиши албатта ижронинг ўрганишининг дастлабки босқичларида амалга ошириб борилади ва ўқувчида муайян кўникма ҳосил бўла бошлагандан кейин бу усулга ҳожат қолмайди.

### ЧОЛГУЧНИНГ ИЖРО ЭТИШ ПАЙТИДАГИ ҲОЛАТИ (ПОСТАНОВКА)

Чолғуда ижрочиликни ўқувчи муваффақиятли ўзлаштириши кўп жиҳатдан гавда ва чолғунинг ижро пайтида тўғри тутилишига боғлиқдир. Ижро пайтида гавдани шундай тутиш лозимки токи у ижрочининг барча ҳаракатлари учун қулай бўлсин. Шу билан бир қаторда гавда ва чолғу ушлашнинг тапқини кўришни чиройли бўлишига ҳам эришиш керак (2-расм).

Рубоб-примани стулга ўтириб чалинади. Бунда суянчиққа сулимасдан, ўриндиқнинг ярмисига ўтириш лозим. Гавданинг умумий ҳолати эркин ва тўғри тутилади. Чап оёқ устига ўнг оёқ бир ора кўтарилган ҳолда қўйилади. Ўнг оёқ сон қисмининг ўртарағига чолғунинг коса қисми жойлашади.






2-расм

Созанданинг ижро этиш пайтидаги ҳолати ҳар тарафлама қулай бўлиши, гавда ҳолати эса эркин тутилмоғи даркор. Бунда чолғу ўз жойидан силжимасдан туришига эришиш керак. Ўнг оёқнинг сон қисми чолғунинг асосий таянч нуқтаси хизматини ўтайди. Кўкрак қафасининг ўнг қисми чолғунини тиркаб ижро пайтида қулайликни таъминлайди. Лекин бунда гавда олд тарафга ҳаддан ташқари букилмаслиги керак. Бундан ташқари, ўнг ва чап қўллар ҳам ёрдамчи таянч нуқталари хизматини бажаради. Шундагина ўқувчи дарс жараёнида ёки мустақил машғулот пайтида узоқ вақт чарчамасдан ижро этиши мумкин. Агар гавданинг бирор қисмида ноқулайлик сезилса, унинг сабабини аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўрилади. Ўқувчида узоқ вақт чарчамасдан ижро этиш кўникмасини ҳосил қилиш иши ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу кўникма мухтазам равишда олиб бориладиган машғулотлар эвазига ҳосил бўлиши мумкин.

Постановка — ижро этишни тўғри ўзлаштиришнинг асоси деб қаралгани учун дастлабки дарсларданоқ унга катта эътибор бериш лозим. Афсуски, тажрибада постановкаси нотўғри бўлган ўқувчиларни ҳам учратиб мумкин. Қолаверса, бу созандаларнинг ижрочилик маҳоратларини амалда ривожлантириш ҳам қийин ишга айланади.

Албатта ўқувчида постановканинг тўғри бўлишига қизиқиш уйғотиш жуда муҳимдир. Бу борада Тошкент давлат консерваториясининг қатор маҳоратли ўқитувчилари, жумладан А. О. Одилов, С. М. Тахалов, О. М. Холмухамедов, Р. Е. Нетьматов, М. Н. Тошмухамедов, Ш. Зияев ва бошқаларнинг дарслари ибратлидир.



3-расм

ижобий таъсир кўрсатади. Муҳими шуки, ижро этиш ҳаракати амалга оширилаётган пайтда ўнг қўлнинг фақат керакли қисмигина иштирок этиб, бошқа қисмлар унга фақат ёрдам бериши. Ижро ҳаракатини таъминлашнинг асосий омилларидан бири ўнг қўлнинг панжа қисми билан билак орасидаги эгилишдир (3-расм). Бу эгиклик ижро этиш ҳаракатига халақит бермайдиган даражада бўлиши керак. Агар панжа керагидан ортқ эгиб юборилса, ҳаракатни керакли йўналишда амалга ошириб бўлмайди. Ёки аксинча, панжа ва билак орасида умуман эгиклик бўлмаса, у ҳолда билак панжа билан бир йўналишда ҳаракат қила бошлайди. Бу эса ўз навбатида ўнг қўлнинг ҳаддан ташқари толиқишига сабаб бўлади.

#### МЕДИАТОР


Рубоб-примада товуши асосан медиатор ёрдамида ҳосил қилинади. (Медиатор — грекча сўз бўлиб, воситачи маъносини англатади.) Унинг қалинлиги тахминан 2—2,5 мм, узунлиги эса 1,5—2 см, шаклининг биринчи ярми доира, иккинчи ярми учлироқ (қирралироқ)дир. Медиаторни асосан чолғувчиларнинг ўзлари эбонит, пластмасса, денгиз тошбақасининг косаси ва шунга ўхшаш кам емириладиган қаттиқ материаллардан ясашади (4-расм).



4-расм

Медиаторнинг табиий катталиқдаги кўриниши. Медиаторнинг чолғу торларига тегадиган қисми жуда ҳам текис силлиқ бўлишига эришиш керак. Мабодо ме-





5-расм


диаторнинг бу қисми гадир-будур бўлса, симларга урилганда ёқим-сиз товуш чиқаради.

Медиатор ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари ўртасида ушланади (5-расм).




6-расм

Медиаторни ўртача куч билан ушлаш керак. У бармоқлар орасида сурилмасдан, мустаҳкам туриши лозим. Бармоқлар жипс ҳолда текис тургандагина бунга эришиш мумкин. Медиаторни қандай куч билан ушлаш керак, деган саволга икки хил жавоб бор. Биринчиси, медиаторни товуш кучли ҳосил қилинаётган (*ff*) пайтда ҳам, паст (*pp*) пайтда ҳам бир хил куч билан ушлаш керак деган фикр бўлса, иккинчиси, *ff* пайтда куч билан, *pp* пайтда бўш ушлаш керак, деган фикрдир. Бизнингча, ижронини ўзлаштиришнинг дастлабки пайтида биринчи фикр қулай бўлиб, ўқувчида маҳорат ривожланиб борган сайин ўнг қўл бармоқларида медиаторни керакча кучли ёки бўш ушлашга



7-расм



8-расм

бўлган кўникма ҳосил бўлади ва бу савол устида уйлашга ҳожат қолмайди.

Бундан ташқари, товушни *ff* ижро этилаётган пайтида медиаторнинг кўпроқ қисми билан («чуқурроқ»), *pp* ижроси пайтида эса камроқ қисми билан ижро этиш кўзланган мақсадга эришишда ижобий натижа беради.

Товуш ҳосил қилинаётган пайтда медиатор торга нисбатан қияроқ ҳолда ушланиши мақсадга мувофиқ.

Бунда медиатор торнинг қайси жойига урилгани маъқул? Таж-



риба шуни кўрсатадқи, медиатор чолғу дастасининг пастки қисми тугаган жойидан тахминан 1—1,5 см пастроқда, харракдан эса 4,5—5 см юқорироқда ҳаракат қилиши тавсия этилади. Айни шу жойда товушнинг энг сифатли чиқишига эришиш мумкин (6- расм).

### ЧАП ҚҶЛ ҲОЛАТИ

Ижро этиш пайтида созанданинг чап қўл бармоқлари эркин ҳаракат қилиши учун аввало чап қўл ҳолатининг тўғри бўлишини таъминлаш керак. Чолғу дастаси чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари ўртасида жойлашиб, бош ва ўрта бармоқлар бир-бирининг тўғрисида бўлади (7- расм).

Бармоқлар билан дастани қаттиқ сиқмаган ҳолда, кафтни дастага теккизмасдан ушлаш тавсия этилади. Чап қўлнинг ҳаракат эркинлигига тирсақни чап биқиндан 10—15 см узоқликда тутиш ёрдам беради. Амалда баъзи ўқувчилар чап қўлнинг кафтни чолғу дастасига ёпиштириб оладилар. Бу нотўғри ҳолат, чап қўл бармоқларининг эркин ҳаракат қилишига халақит беради. Талаба чап қўлнинг тўғри ҳолатини ўзлаштиришда асосий эътиборини бош бармоқ ҳолатига қаратиши керак. Бош бармоқ дастанинг пардали сатҳига нисбатан перпендикуляр тутилиши керак.

Чап қўл бармоқларининг асосий вазифаси чолғу пардаларга торни босишдан иборат бўлиб, бу босилиш маълум даражада товуш сифатини ҳам белгилайди. Бармоқни парданинг қайси жойига қўйсак тўғри бўлади? Чертиб чалинадиган торли чолғулар тажрибасидан шу нарса маълумки, бармоқни икки парда бўлинмасининг ўртасига эмас, балки парданинг харрак йўналишидаги темир бўлинмасига тақаб қўйган маъқул (8- расм).

Бармоқларнинг пардаларга тўғри қўйилиши махсус машқлар ёрдамида амалга оширилади.

Чап қўл бармоқларининг ҳаракатини ташкил этишда уларнинг пардадан узоқлашиб кетмаслигини таъминлаш зарур.

### ЎНГ ВА ЧАП ҚҶЛЛАРДА ИЖРО ЭТИШ ҲАРАКАТИНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Ўнг қўлда ижро этиш ҳаракатини ўзлаштиришни чолғунинг ЛЯ ва РЕ очиқ торларидан бошлаган маъқул. Чунки бу торлар ўртада жойлашган бўлиб, ўнг қўл билагини юқорига ёки пастга сурилиб кетишига йўл қўймайди. Товуш ҳосил этиш ҳаракатлари ўнг қўл билан мулоим, шопилмасдан амалга оширилади. Машқларни бир йўла пастга ва юқори томон бажариладиган зарблар билан бошлашни тавсия этамиз. Бунда пастга йўналтирилган ҳаракат билан юқорига қаратилган ҳаракат орасида тўхталиш бўлиши мумкин эмас. Ҳаракатлар эса бир маромда давом этиши керак. Бундан ташқари, медиаторнинг қўлини торларга урилиб кетмаслиги чораларини ҳам кўриш зарур бўлади.

Ўнг ва чап қўлларда ижро этиш ҳаракатларини ўзлаштиришни қуйидаги машқлар ёрдамида амалга ошириш мумкин:



Шу машқ бошқа торларда ҳам ижро этилади.

Чап қўл бармоқларини пардаларга босишда қуйидаги қоидага риоя қилиш керак: биринчи бармоқдан кейин иккинчи, сўнгра учинчи ва тўртинчи бармоқлар навбатдаги пардаларга босилади. Бунда бармоқлар пардага босиқ ҳолатидан кўзгатилмабди. Товушлар йўналиши орқага, яъни тескари ижро этилаётганда эса тўртинчи, учинчи, иккинчи ва биринчи бармоқлар навбати билан кўтарилади ва торлардан узоқлашмаган ҳолда, қайси пардага босилган бўлса шу парда устида эгик (думалоқ) ҳолда яна ҳаракатни қайтариш учун шай туради: Ижрони ўрганишнинг дастлабки пайтида ўқувчининг бармоқлари ноқулай аҳволда бўлиши мумкин ва улар пардаларга худди «етмаётгандай» бўлиб туюлади.

Тажрибадан шу нарса маълумки, чап қўл бармоқларини пардаларга жойлаштиришда мажор товушқатори қулай бўлиб, ижрони ўзлаштиришнинг дастлабки пайтида қўл келади. Чап қўл бармоқларининг ҳаракатини тўғри ташкил қилиш, уларнинг пардаларга босилиш ва кўтарилиш кўникмаларини ҳосил этишда қуйидаги машқлар ёрдам бериши мумкин:



Бу машқларни ижро этаётганда шу нарсага эътибор берилш керакки, иккинчи бармоқ пардага босилганда биринчи бармоқ пардадан кўтарилмасин, учинчи бармоқ пардага қўйилганда эса иккинчи бармоқ жойида қолиши керак ва ҳоказо.

Қўл бармоқларининг узунлиги ҳар хил бўлганлиги каби уларнинг кучлари ҳам бир хил эмас. Шу туфайли бармоқларни пардага қўйганда бир хил куч билан торларни босишга интилиш керак. Айниқса тўртинчи бармоқ (жимжилоқ)нинг босиш кучи бошқа



бармоқларга нисбатан заиф бўлганлиги учун керакли кўникма ҳосил этиш муштазам машқни талаб этади.







Чап қўл бармоқлари ёзувда қуйидаги рақамлар билан белгиланади:

- Кўрсаткич бармоқ — 1
- Ўрта бармоқ — 2
- Номсиз бармоқ — 3
- Ўқимжилоқ — 4

#### РУБОБ-ПРИМАДА ТОВУШ ҲОСИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

Рубоб-примада товуш, юқорида айтиб ўтганимиздек, асосан медиатор ёрдамида торларни тебрантириш натижасида ҳосил этилади. Товуш ҳосил этиш усули деб, товушнинг қай йўсинда вужудга келтирилишига айтилади.

Қуйида рубоб-примада товуш ҳосил этишнинг асосий усуллари ва уларнинг белгиланишيني келтирамиз:

|   |   |
|---|---|
| Пастга зарб —    | Пиццикато (ўнг қўл бармоғи билан) —  |
| Юқорига зарб —   | Пиццикато (чап қўл бармоғи билан) —  |
| Рез (тремоло) —  | Флажолет —                          |

Пастга зарб — медиатор ёрдамида пастга ҳаракат билан торни тебрантириш натижасида товуш ҳосил этиш усулидир. Товуш мазкур усул билан ҳосил этилаётганда ўнг қўлнинг батамом эркин ва табиий ҳаракатига эришиш керак. Ўнг қўлнинг панжаси мажбуран эмас балки ўз оғирлиги билан ҳаракатланиши мақсадга мувофиқ. Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, пастга зарб усули бажарилишида панжанинг ҳаракат амплитудаси (ҳаракат масофаси) барча торларда бир хил бўлишини таъминлаш керак.

Юқорига зарб эса медиатор ёрдамида паст зарбга қарши томон ҳаракат қилиш билан амалга оширилади. Юқорига зарбнинг асосий хусусиятларидан бири шуки, ўнг қўл панжасининг юқорига бўлган ҳаракати пастга бўлган ҳаракатга нисбатан кучсиз ва ноқулай бўлиб, алоҳида машқни талаб этади. Бунда юқорига зарб билан ҳосил этилаётган товушнинг кучи пастга йўналтирилган зарбнинг товуш кучи билан тенг бўлишини таъминлаш керак. Тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, пастга зарби юқорига йўналтирилган зарбдан кескин фарқ қиладиган созандаларнинг ижросида шундай камчиликни кўрамиз: асар ижроси пайтида пастга бўлган зарб билан чалинаётган товушлар тўлиқ ва жарангли эшитилса, юқори томон зарбли товушлар сусайиб қолади. Худди шу камчиликни «рез» усулида ҳам учратамиз. Бундай камчиликни ўз вақтида олдини олиб, бартараф этиш чораларини кўриш зарур.

Рез усули пастга ва юқорига зарбларни навбат билан жадал равишда ижро этиш орқали амалга оширилади. Пастга ва юқорига зарблар қанчалик пухта, эркин ва сифатли ўзлаштирилса, рез усули шунчалик муваффақиятли ижро этилишига эришиш мумкин.

Рез усули ўзлаштирилаётган пайтда ўнг қўл панжасининг ҳаракат амплитудасига алоҳида эътибор бериш керак. Агар бу ҳаракат пастга йўналишда кам масофани ташкил қилиб, юқорига йўналишда бу масофа кўпроқ бўлса (ёки бунинг акси бўлса), резнинг бир маромда бажарилиши бузилиб, у ритмик жиҳатдан нотекис эшитила бошлайди. Шу сабабли рез усули бажарилаётган пайтда пастга ва юқорига бўлган ҳаракат масофаси тенг бўлиши керак.

Рубоб-примада ижро этиладиган асарларда фақат битта торда эмас, балки бир нечта торда рез усулини бажариш лозим бўлган бўлақлар учраб туради. Бу асосан аккордларнинг ижросидир. Бундай пайтда рез бажарилаётган ҳаракатнинг масофаси ошади. Пастга ва юқорига бўлган ҳаракатларни шундай бажариш керак бўладикки, токи иккала ёки учала товуш ҳам бир-бирига тенг куч билан эшитилсин.

Ўнг қўлнинг бош бармоғи билан ижро этиладиган Пиццикато қуйидагича амалга оширилади: медиатор ўнг қўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоқларнинг орасига олиб ушланади, бош бармоқнинг пастга йўналтирилаётган ҳаракати билан товуш ҳосил қилинади. Бош бармоқ торнинг дастага яқин жойида (ҳатто охириги пардалар устида) ҳаракатланади. Худди шу жойда товушнинг сифатли чиқишига эришиш мумкин.

Чап қўлнинг бармоқлари ёрдамида ижро этиладиган Пиццикато усулида бир йўла иккита бармоқ иштирок этади. Биринчиси, керакли пардага қўйилган бармоқ бўлса, иккинчиси билан эса шу торни тебрантириш орқали товуш ҳосил қилинади. Бунда товуш ҳосил қиладиган бармоқнинг ҳаракати дастанинг пардалар жойлашган сатҳига параллель бўлади.

Флажолет — французча сўз бўлиб, пуфлаб чалинадиган чолғусвирель маъносини англатади.<sup>1</sup> Флажолет усули билан товуш ҳосил қилишда чап қўл бармоғини торга енгил теккизилади ва медиатор ёрдамида шу тор чертилган заҳоти чап қўл бармоғи тордан олинади. Натижада, торнинг маълум қисми тебраниб, нисбатан ингичка ва тиниқ товуш ҳосил бўлади.

Торнинг тенг 2, 3, 4, 5 ва 6 қисмга бўлинган нуқталарида табиий флажолет усули билан товуш ҳосил қилиш мумкин.<sup>2</sup>

Рубоб-примада МИ торини асосий тон деб олиб октава флажолетини ҳосил қилмоқчи бўлсак, чап қўл бармоғини 12-парда бўлинмасига теккизишимиз ва торни медиатор ёрдамида чертишимиз керак. Шу усул билан бошқа торларда ҳам асосий тонга нисбатан октава оралиғида жаранглайдиган флажолет ҳосил этиш мумкин.

Сунъий флажолет ҳосил этишда асосий тон чап қўл бармоғини берилган пардада босилади. Ўнг қўл бир вақтнинг ўзида иккита вазифани бажаради: ўрта бармоқ торнинг керакли жойига теккизилади, бош бармоқ ёки медиатор билан тор чертилади.

<sup>1</sup> Булдушевский Ю., Фомин В. Краткий музыкальный словарь для учащихся. Л., Музыка, 1984, 196-бет. (Тарж.)

<sup>2</sup> Шалов А. В. Основы игры на балалайке. Л., Музыка, 1970, 51-бет. (Тарж.)



Флажолет усулини ўрганишни одатда табиийсидан бошлаш лозим. Рубоб-примада табиий флажолет усулини ижро этиш нисбатан осонроқ бўлиб, жаранги ҳам ёрқин эшитилади. Сунъий флажолетлар эса мураккаб ҳисобланиб, созандадан катта тажриба ва машқни талаб этади.


### ИЖРО ЭТИШ УСЛУБЛАРИ

Биз ижро этиш услублари деб атаётган усулларни музыка педагогикасида бадний штрихлар деб ҳам аташади. Бу услублар асосан музикавий фикрнинг характерини очиб беришга хизмат қилади. Шу сабабли ёш созандалар ижро этиш услубларини мукамал ўлаштиришлари келажакда уларнинг моҳир созанда бўлиб етишишларида катта аҳамиятга эга.

Қуйида рубоб-примада қўлланиладиган ижро этиш услубларига тушунча беришга ҳаракат қилдик.

Стаккато услубида ижро этиш медиатор зарбидан кейин пардадаги бармоқни тезлик билан кўтариш орқали амалга оширилади.<sup>1</sup> Бунда тор шу лаҳзанинг ўзида жаранглашдан тўхтайти ва товушлар қисқа — «сакратма» характерда бўлади. Нисбатан жадал тезликда чалинадиган асарларни бундай услубда ижро этиш имконияти бўлмайди ва бу ҳолда товушнинг қисқалиги тезлик ҳисобига эришилади. Ёзувда стаккато белгиси нотанинг пастига ёки юқорисига нуқта қўйиб белгиланади:

№ 4



рез тўхтатилади. Резни медиаторнинг юқорига йўналтирилган ҳаракати билан тўхтатган маъқул. Рубоб-прима ва бошқа плектрли халқ чолғуларида ўрганишни бошлаётган ёш созандаларда рез усулини пастга ҳаракат билан тўхтатиш ҳолини тез-тез учратиш тураммиз. Бу кўп тарафдан нотўғридир. Биринчидан, ҳар қандай товушнинг бошланиши тугашига қараганда бирмунча кучлироқ бўлади ва тугаши эса бошланишига нисбатан кучсизроқдир. Рез усулини пастга ҳаракат билан тугатганда товуш (музикавий фикр)нинг охири пастга ҳаракат ҳисобига кучаяди. Иккинчидан, тез пастга ҳаракат билан тугатганда одатда керагидан битта ортиқ зарб ижро этилади. Худди мана шу охириги ошқича зарб кучли (акцентли) бўлади. Бу эса товушнинг табиий ижро этилиш қонуниятига зиддир.

Рубоб-примада легато услубини ижро этишда яна бир хусусиятга эътибор берин лозим. Бу хусусият тордан-торга ўтиб чалишдир. Легато белгиси қўйилган музика асарини тордан-торга ўтиб ва шу билан бир қаторда товушларни бир-бирига улаб чалишга эришиш ижрочидан катта маҳоратни талаб этади. Сабаби, медиа-

<sup>1</sup> Ставицкий З. Начальное обучение игре на домре. Л., Музыка. 1984, 31-бет. (Тарж.)

<sup>2</sup> Шу ерда

торнинг бошқа торга ўтиш пайтида товушда «узилиш» пайдо бўлади ва легато белгиси қўйилган музикавий фикр бўлиниб қолади. Бундай ҳолларда имконияти борича яхлит музикавий фикрни бир торда ижро этишга ҳаракат қилиш керак. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда тордан-торга ўтиб ижро этиладиган жойни махсус машқлар ёрдамида такрорлаб, «узилишни» сезилмайдиган даражага етказилади.


Кичик чўзимдаги (саккизталиқ, ўн олтиталиқ) ноталар ёзилган жадал асарларда ҳам легато белгиси қўйилган бўлиши мумкин. Бундай асарларда ҳамма товушларни рез услуби билан чалиб бўлмайди. Бинобарин, бундай ҳолларда пастга ва юқорига йўналтирилган зарблардан фойдаланиб, уларнинг уланишига эътибор бериш керак.

Легато белгиси ёзувда ёйсимон чизиқ билан белгиланади:

№ 5



№ 6



ГЛИССАНДО — бир товушдан иккинчи товушга сирғалиб ўтиш услуби.<sup>1</sup> Бир товушдан иккинчи товушга сирғалишнинг тезлиги бир маромда бўлиши ва иккинчи товуш ўз вақтида чалиниши керак. Бундан ташқари, сирғалиш пайтида товушнинг жаранги ҳам сўнмаслиги зарур. Сирғалишни кучли бармоқ билан амалга ошириш маъқул. ЛЯ ва МИ торларида бармоқнинг тирноғи симни пардага босиб

сирғанади. РЕ ва СОЛЬ торларида эса бармоқ оддий ҳолда ҳаракатланади.

### МЕЛИЗМЛАР

МЕЛИЗМ — французча сўз бўлиб, безак маъносини англатади.<sup>2</sup>

ФОРШЛАГ — шундай безак тури бўлиб, унинг икки хили бор.<sup>3</sup> Биринчиси, чизиқчали форшлаг олдинги чўзим ҳисобига ижро этилади.

№ 7




Иккинчиси, чизиқчасиз форшлаг асосан Ғарбий Европа классик композиторларининг асарларида учрайди ва кейинги товуш чўзимини ҳисобига ижро этилади.

<sup>1</sup> Ставицкий З. Начальное обучение игре на домре. Л., Музыка. 1984, 29-бет. (Тарж.)

<sup>2</sup> Словарь иностранных музыкальных терминов. Круптеева Т. С. ва бошқалар. Л., Музыка. 1985, 80-бет (Тарж.)

<sup>3</sup> Свиридов И. М. Основы методики обучения игре на домре. Л., Музыка, 1968, 50-бет. (Тарж.)






**МОРДЕНТ** — асосий товушни юқоридаги ёки пастдаги товуш билан ижро этиш безаги<sup>1</sup>.

Мордентларнинг барча турларида ҳам биринчи товуш ўртача зарб билан ижро этилади. Сабаби, биринчи зарб мордент қўйилган товушнинг бошланишидир.



**ТРЕЛЬ** — асосий товушнинг ундаи бир поғона юқоридаги товуш ёрдамида тез суръат билан алмашиб ижро этилишидир<sup>2</sup>. Агар бир поғона юқоридаги товуш альтерация белгиси билан ўзгартирилган бўлса, трель белгиси ёнига альтерация белгиси ҳам қўйилади:



Трель кўп машқ талаб этадиган безак бўлиб, унинг асосий қўлчилликларидан бири ўнг ва чап қўллар ҳаракатининг муносиб келишидир. Трель беzagини чап қўлнинг биринчи ва иккинчи бармоқларидан фойдаланиб ижро этган маъқул. Чунки айнан шу бармоқлар бошқаларга нисбатан кучлироқ бўлиб, уларда керакли ҳаракатни нисбатан осонроқ вужудга келтириши мумкин. Учинчи бармоқдан ҳам трель чалишда фойдаланилмагани маъқул.

<sup>1</sup> Свиридов Н. М. Основы методики обучения игре на домре. Л., Музыка, 1968, 50-бет. (Тарж.)  
<sup>2</sup> Булчевский Ю., Фомин В. Краткий музыкальный словарь для учащихся. Л., Музыка, 1984. 187-бет (Тарж.)

Трель чалиш кўникмасини ҳосил этишда жуда вазмин, кучли товуш билан машқ қилиш ўзининг яхши самарасини беради. Бунда тезликни аста-секин жадаллаштириб борилади. Агар ўнг қўл ҳаракати чап қўлнинг парда алмаштириш ҳаракати билан мос келмай бузилса, машқни тўхтатиб, қўл бўғинmalarини бўшатини ва бир оз фурсатдан кейин машқни давом эттириши керак.

**РИТМИК ШАКЛЛАР**


**ТРИОЛЬ** — деб маълум нота чўзимининг ўзаро тенг уч бўлакка бўлинишига айтилади.<sup>1</sup> Триоль оғир ва ўртача тезликдаги асарларда фақат пастга зарб билан чалинади. Жадал куйларда эса бир тарафга жисмонан улгуриб бўлмаслиги сабабли икки тарафга зарб қўлланилади. Бунда триоль шаклининг асосий хусусияти бўлган биринчи товушнинг зарби сақланиб қолишига эътибор бериш керак:



Агар асар жуда катта тезлик билан ижро қилиниши талаб этса, зарблар навбат билан икки тарафга чалиниши мумкин:

Бунда иккинчи ва тўртинчи группалардаги биринчи товушнинг табиий зарби йўқолмаслиги керак.

**СИНКОПА** — деб тактининг кучли ҳиссасидаги зарбни кучсиз ҳиссага ўтказилишига айтилади<sup>2</sup>. Оғир ва ўртача тезликдаги куйларда синкопа одатда рез усули билан, жадал куйларда эса пастга зарб билан чалинади.



**ПОЗИЦИЯ**

Позиция деб чап қўлни чолғу дастаси бўйлаб сурмасдан, маълум бир товуш қаторни чалиш имкониятини берадиган ҳолатга айтилади<sup>3</sup>. Поэзиянинг жойланishi чап қўлнинг биринчи бармоғи ва юқори харрак (порожек) ораллигидаги масофа билан белгиланади. Бу масофанинг ўзгарishi ўз навбатида позициянинг ўзгарishiга олиб келади. Мисол учун, биринчи бармоқ ЛЯ торининг иккинчи — СИ пардасида, иккинчи бармоқ учинчи — До пардасида, учинчи бармоқ, бешинчи — РЕ пардасида ва тўртинчи

<sup>1</sup> Шалов А. Б. Основы игры на балалайке. Л., Музыка, 1970, 15-бет.  
<sup>2</sup> Уша жойда.  
<sup>3</sup> Уша жойда.



бармоқ еттинчи — МИ пардасида жойлашган бўлса, бу ҳолат чап қўл бармоқларнинг биринчи позицияда турганлигини кўрсатади. Рубоб-примада ҳамма торлар бўйича еттита позиция ишлатилади. МИ торида эса бундан ҳам юқори позицияларда ижро этиш мумкин. Рубоб-прима товушқаторининг позициялар бўлинишини ва бармоқларнинг жойлашувини қуйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин:

№ 14

Торлар II III IV V VI VII

МИ  
ЛЯ  
РЕ  
СОЛЬ

Схеманинг юқорида кўрсатилган рим рақамлари позицияларнинг тартиб номерини, нота белгиларининг юқорида кўрсатилган рақамлар эса чап қўл бармоқларининг тартибини кўрсатади. Асосий товушқатордаги ноталарнинг альтерация белгилари билан ўзгартирилиши позиция тузилишининг умумий қондасини ўзгартирмайди. Агар нота олдинга қўйилган альтерация белгиси товушнинг дастадаги жойини (пардани) ўзгартирадиган бўлса ҳам бармоқларнинг пардаларга қўйилиш тартиби ўзгармайди.

№ 15

Еки

товушқатор биринчи позицияда бўлиб, альтерация белгиларисиз қайси бармоқлар қўйилган бўлса, альтерация белгилари билан ҳам шу бармоқлар қўйилади.

Биринчи ва тўртинчи бармоқлар орасидаги масофани позициянинг ҳажми деб аталади. Бунда биринчи ва тўртинчи бармоқлар қўйилган пардалар позициянинг бошланиши ва тугаш чегараларини кўрсатади. Биринчи ва тўртинчи бармоқлар орасидаги табиий масофа одатда кварта интервални ташкил этади. Агар бармоқлар орасидаги масофа кварта интервалдан катта бўлса, бу бармоқлар-

нинг зўраки чўзилишига олиб келади. Шу сабабли биринчи ва тўртинчи бармоқлар орасидаги масофа кварта интервали орасида бўлгани мақсадга мувофиқдир.

Рубоб-примада позицияларни ўрганиш чап қўл бармоқлари техникасини ривожлантириш борасида муҳим аҳамият касб этади. Бу чолғучига чап қўлнинг эркин ҳаракати учун имконият яратиб беради. Бундан ташқари, позицияларни ўрганишнинг яна фойдали тарафлари қуйидагилардан иборат:

- 1) нота текстига қараб ижро этишга ёрдам беради;
- 2) жадал тезликдаги пассажларнинг ижросида қулайлик яратлади;
- 3) ўнг қўл усул ва услубларидан тўғри фойдаланиш имконини беради;
- 4) чолғунинг ҳамма регистридаги товушлардан бир хилда фойдаланишга ёрдам беради.

Рубоб-примада позицияларни ўрганиш парда бўлиниши йўқ (сижжак ва шунга ўхшаш) бонқа чолғуларга нисбатан осонроқдир. Рубоб-прима дастасидаги парда бўлиниши кўргазмалли имкониятга эга бўлганлиги тўғрисида позицияларнинг жойланиши ўқувчининг ёдида тезроқ сақланиб қолади.

Ижронинг ўргатишнинг дастлабки даврларидан позицияларни биринчи бармоқ билан бошланадиган бир ва икки октавали мажор ва минор гаммалари мисолида ўрганиш яхши натижа беради. Мазкур қўлланмада биринчи ҳамда иккинчи бармоқ билан бошланадиган мажор ва минор гаммалар ҳамда уларнинг уч товушликлари берилди.

Бу гаммалардаги бармоқларнинг бир хил жойлашуви ўқувчи учун гаммаларнинг ўзини ва шунингдек позицияларни яхши ва тез эслаб қолишга ёрдам беради. Лекин гаммаларни ижро этишда ўқувчи барча торлардаги пардаларнинг жойлашув тартиби ва номерларини эслаб қолишга эътибор бериши керак.

Позицияларни ўрганишда бир позицияда ижро этилиши мумкин бўлган кичик ҳажмдаги куйлардан фойдаланиш мумкин.

Ўқувчи ҳар бир позицияни алоҳида ўрганиб бўлганидан сўнг, позиция алмашинуви бўлган музыка асарлари, этюдлар, машқлар ва гаммаларни ўрганишга аста-секин ўтиб бориши керак.

Позиция алмашинуви — рубоб-примада ижрочилик санъатининг энг мураккаб қисмларидан бири бўлиб, бунга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзлари ҳам ўқиш-ўргатиш жараёнининг бошидан охиригача катта эътибор бермоқлари зарур.

Позициялар алмашинуви кўникмасини ҳосил қилиш ўқувчида турлича кечиши мумкин, лекин шунингдек керакки, позициянинг ҳар бир алмашинуви кўзланган мақсадга, яъни музикавий фикрнинг тўғри ва аниқ яратилишига бўйсундирилмоғи лозим. Бизнингча, бу биринчи ва асосий мақсаддир. Бундан ташқари, позиция алмашинуви орқали созанда ўзи учун ижро қулайлигини яратиши мумкин. Бундай позиция алмашинуви ҳам куйнинг тўлақонли очилишига асло халақит бермаслиги керак.

Позиция алмашинуви деб чап қўлнинг даста бўйлаб маълум



бир масофага сурилишига айтилади. Позиция алмашинувининг икки хил тури бор:

- 1) даста бўйлаб юқорига,
- 2) даста бўйлаб пастга.

Бу ерда «юқорига» сўзи товушнинг балаидлигига нисбатан ишлатилган бўлиб, товуш қанчалик юқори томон ҳаракатланса чап қўл ҳам шу йўналишда даста бўйлаб сурилади, яъни қўл чолғу харраги томон ҳаракатланади.

Қуйида рубоб-примада позиция алмашинувининг турли услубларидан намуналар келтирамиз.

ПОЗИЦИЯ АЛМАШИНУВИНИНГ УСЛУБЛАРИ

1. Юқорига

№ 16

а) бир бармоқ билан Ми ториде  
Ф.Назаров "Концерт вальси"

Ля ториде. Мисол

Ре ториде. Мисол

б) ёнма-ён бармоқлар билан  
Ре ториде Н.Будашкин "Концерт"

Ми ториде Э.Шукруллаев "Сонатина"

С. Рахманинов "Полька"

№ 17

в) ёнма-ён бўлмаган бармоқлар билан:

Ре ториде Ф.Назаров "Концерт вальси"

Ми ториде. Мисол

Ми ториде Ф.Назаров "Концерт вальси"

Ми ториде Н.Будашкин "Концерт"

Ля ториде. Мисол

Ре ториде Румин халқ куйи "Жаворонок"

г) бир пардаде

Ми ториде. Мисол

Ля ториде. Мисол

Ми ториде. Мисол


Ля ториде. Мисол

Ре ториде. Мисол



д) очиқ сим ёрдамида

Ми торида Гриншпун румин халқ куйи



2. Пастга

а) бир бармоқ билан

Ми торида Д.Зокиров "Жазир"



Ми ва Ля торларида. Мисол



Ре торида. Мисол




б) ёнма-ён бармоқлар билан


Ми торида Ф.Назаров "Ўзбекча скерцо"



Ми торида Х.Глюк "Куй"



Ля торида. Мисол




Ля ва Ре торларида Ф.Назаров "Концерт вальси"



Ми торида. Мисол




Ля торида. Мисол




в) ёнма-ён булмаган бармоқлар билан

Ми торида Н.Будашкин "Концерт"



Ля торида. Мисол



Ми торида Н.Паганини "Кампанелла"




Ми торида. Мисол



Ми торида Э.Шукруллаев "Сонатина"



Ля торида. Мисол





№ 20

г) бир пардада

Соль торда. Мисол

Ля торда. Мисол

Ми торда. Мисол

Мк торда. Мисол

Ля торда. Мисол

д) очик тор ёрдаида

Ми торда. Мисол

Келтирилган мисоллардан ташқари, очик торлар ёрдамида амалга ошириладиган турли услубдаги позиция алмашинув имкониятлари ҳам мавжуд, улардан музика асарининг характерига қараб фойдаланиш мумкин.

### АППЛИКАТУРА

АППЛИКАТУРА<sup>1</sup> деб бармоқларнинг пардаларда жойлашув тартибига айтилади. Музика асарини мукамал ижро этишда танланган аппликатура ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Танланаётган аппликатуранинг йўналиши аввало мазкур асарнинг бадний қиммати тўла очишга, музикавий фикрнинг бўлиниб қолмаслигига ва шунингдек, ижрочи учун қулайлик яратишга бўйсундирилмоғи лозим.

Ўқувчилар асарларни мустақил ижро этиш жараёнида аппликатура танлашни тўғри ҳал этолмаслик ҳолларини ҳам тажрибада учратишимиз мумкин. Мисол учун:

<sup>1</sup> Булчевский Л. С., Фомин В. С., Краткий музыкальный словарь для учащихся. Л., Музыка, 1984, 10-бет. (Тарж.)

Бу мисолда ўқувчилар кўп ҳолларда биринчи тактнинг охириги ЛЯ нотасини тўртинчи бармоқ билан РЕ торда ижро этиш ўрнига очик ЛЯ тори ишлатишади. Бизнингча, кўрсатилган ЛЯ нотаси албатта тўртинчи бармоқ билан РЕ торда ижро этилиши керак. Сабаби, биринчидап, кўрсатилган ЛЯ нотасидан кейинги куй йўналиши пастга қараб ҳаракатланади ва ўз навбатида ноталар РЕ торда ижро этилади. Иккинчидан, агар ЛЯ нотаси очик тор ёрдамида ижро этиладиган бўлса, медиаторни РЕ симидан ЛЯ симига ўтказиб чалиш лозим бўлиб қолади (фақат биргина товушни ижро этиш учун), кейин эса яна РЕ торига қайтилади. Натижада, ортиқча ҳаракат амалга оширилади. Учинчидан, мазкур мисол биргина РЕ торда ижро этиладиган бўлса куйнинг тембр бирлигига эришиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, фақат битта (ёки иккита) товушни чалиш учун тордан-торга ўтиш тавсия этилмайди.

Бундан ташқари аппликатура танлашда ўнг қўл (медиатор)нинг пастга ёки юқорига зарбини ҳам ҳисобга олишимиз керак:

РЕ торда Ля торда

Мисолдаги иккинчи ЛЯ нотасини очик торда ижро этиш бирмунча қийинчилик туғдиради. Сабаби, кўрсатилган ўн олтиталик ноталар навбати билан пастга ва юқорига ижро этилади. Бу тартиб ЛЯ нотасини юқорига ижросини тақозо этади. Тордан-торга ўтиш вақтида зарбни юқорига чалиш жуда мушкул бўлиб, унинг ўрнига шу ЛЯ нотасини тўртинчи бармоқ билан ижро этиш созанда учун қулайроқдир. Иккинчи мисолдан хулоса шуки, тордан-торга ўтишда ўнг қўл зарби пастга тўғри келиши ҳар тарафлама мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи мисолдаги хулосани битта тордаги аппликатура танлашда ҳам қўллашимиз мумкин:

Ля торда

№ 23

Тажрибада бу мисол аппликатурасини бошқача танланганлигини учратишимиз мумкин. Унда бармоқлар алмашинуви РЕ товушида эмас, балки тўртинчи товуш — МИда амалга оширилади ва МИ нотаси биринчи бармоқ ёрдамида олинади. Мисолда кўриниб турганидек, ноталар навбати билан пастга ва юқорига қаратилган зарблар ёрдамида ижро этилади ва худди шу МИ нотаси юқори зарбга тўғри келади. Бармоқ алмашинувининг юқорига зарб билан бир пайтга тўғри келиши яхши натижа бермайди. Жадал тезликдаги куйнинг аппликатурасини таплашда бармоқлар ўзгаришини тактнинг кучли ҳиссасига мослаштириш керак. Рез билан ижро этиладиган, куйчан ва оғир товушлар уланиб эшитилишини талаб



қилинадиган күйларда эса, аксинча бармоқлар алмаштиришни тактнинг кучсиз ҳиссасига мослаштириш лозим. Бу бармоқлар алмашувини сезиларсиз амалга оширишга ёрдам беради.

Рубоб-прима ижрочилиги тажрибасида гоҳида учраб турадиган камчиликлардан бири шуки, баъзи ўқувчилар биринчи, иккинчи ва учинчи бармоқларни кўпроқ ишлатишади, тўртинчи бармоқ эса деярли четда қолиб кетади. Натижада, тўртинчи бармоқ кам ҳаракатланиши туфайли керакли кўникмани ўзлаштира олмайди. Бундай камчиликни йўқотиш учун ўқувчилар тўртинчи бармоқ иштирок этадиган махсус гамма ва машқлардан мунтазам равишда фойдаланишлари керак. Бу ўринда Г. Шрадикнинг «Скрипка учун машқлар» тўплами жуда қўл келади.

Аппликатура танлаш музикавий фикрнинг ижроси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, фақат ижрони осонлаштириш учунгина ишлатилади, десак хато бўлади. Ижрочилик тажрибасида аппликатура қулайликларидан онгли равишда воз кечишга ва музикавий фикрни бадий жиҳатдан тўлароқ очиб бериш мақсадида қийинроқ аппликатурадан фойдаланишга тўғри келадиган ҳоллар ҳам учраб туради.

Гоҳида берилган куйни оддийгина аппликатура билан ижро этиш мумкиндек кўринади. Лекин бадий вазифани тўлароқ очиш жиҳатидан бирор куйни бошидан охиригача бир торда ижро этиш керак бўлганда ёки тембр контрастлигига эришишда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда бу аппликатуранинг ўзгартиришга тўғри келади. Буларнинг ҳаммасида бармоқларнинг пардаларга қўйилиши куйнинг бадий қимматининг тўғри очилишига қатъий бўйсундирилмоғи керак.

Бундан ташқари бармоқларни жойлаштиришда музика асаридан учрайдиган баъзи бир қийинчиликларни ҳисобга олиш керак. Агар берилган куйда форшлаг, мордепт, трель каби безаклар ёки шунга ўхшаш ижроси қийинроқ жойлари бўлса, уларни нисбатан кучлироқ (биринчи, иккинчи, жуда бўлмаса учинчи) бармоқлар билан амалга оширилади. Бунинг учун шу бўлакчага бўлган аппликатуранинг шундай танлаш керакки, унда қийин жойларнинг ижроси кучли бармоқларга тўғри келсин. Чунки трель ва форшлаг каби безакларни кучсиз бармоқлар ёрдамида сифатли ижро этиш анча қийиндир.

Тажрибада баъзи ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари туфайли танланган аппликатура унга тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун ўқитувчи ижрони ўргатиш жараёнида ўқувчига унинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олган ҳолда аппликатура танлашда ёрдам бериши керак.

Рубоб-примада ижрочиликни ўрганиш ва ўргатишдаги аппликатура танлашнинг яна бир ўзига хос тури устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу — квинта интервалидан катта бўлган масофага бир торда ёки ёнма-ён торларда ва ниҳоят ёнма-ён бўлмаган торларда бармоқни суришдир (буни домра ижрочилиги тажрибасида скачок дейилади). Бу усул айниқса жадал тезликдаги куйни ижро этишда созанда учун анча қийинчилик туғдиради. Бунинг асосий сабаби, чап қўл катта масофага ҳаракат қилиб мўлжалланган парда-

га бармоқни аниқ қўл олишдир. Кўп талабалар бу вазифани бирданга удалай олмайдилар. Керакли нарда ўрнига бармоқни шунга яқин бўлган юқоридаги ёки пастдаги пардага қўйиб юбордилар. Бундай қийинчиликни фақат махсус машқларни кўп марта таби равишда такрорлаш йўли билан бартараф этиш мумкин.

#### ЎНГ ВА ЧАП ҚЎЛЛАР ҲАРАКАТИНИНГ МУТАНОСИБЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ижро пайтида ўнг ва чап қўл ҳаракатининг мутаносиблигига эришиш ижро сифати учун катта аҳмиятга эгадир. Чолғуда ижронинг ўзлаштиришнинг энг дастлабки босқичларида ўнг ва чап қўллар ҳолати ва уларнинг асосий ҳаракатларини алоҳида ўрганиш ва ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлса, кейинчалик иккала қўл ҳаракатининг бир-бирига муносивлиги асосида иш олиб борилади. Яъни ўртача қийинчиликдаги музика асарини ижро этиш пайтида иккала қўл ҳаракатида созанда бир хил эътибор бериши керак. Агар бу пайтда созанда эътиборини бир қўлга қаратиб, иккинчисини назоратдан чиқариб қўйса ёки унинг акси бўлса, албатта бундай ижро камчиликдан холи бўлмайди. Бундай пайтда учрайдиган камчиликлардан бири ўқувчи чап қўл бармоқ алмаштиришнинг ўнг қўлнинг топуш ҳосил этиш ҳаракати билан мутаносиблигини бузишидир. Масалан, биринчи товуш ижро этилгандан сўнг, иккинчи товуш ўнг қўл ёрдамида чалинади-ю, лекин чап қўлнинг бармоғи керакли пайтда кўрсатилган пардани босишга улгурмайди. Натижада, товуш умуман эшитилмайди ёки бўғиқ жарангсиз бўлади. Гоҳида эса келтирилган мисолнинг акси ҳам бўлиши мумкин. Яна бир камчилик, тордан-торга ўтиб ижро этишда қўллар ҳаракатининг муносивсизлигидир. Бунда чап қўлнинг бармоқлари бир тордан бошқа торга ўтиш вақтида улгурса, ўнг қўл ўз ҳаракатини вақтида бажара олмайди. Осойишта, рез билан узилмасдан ижро этишни талаб қиладиган куйларда чап қўл бармоқлари алмашган пайтда рез усулини бажараётган ўнг қўлнинг ҳаракати одатда узилиб қолади натижада, оҳангнинг узлуксизлиги бузилади. Ва ниҳоят, чап қўлнинг бармоқлари ҳар бир янги товуш ижроси пайтида парда босиш ҳаракатини қайтадан таъкидлаб амалга оширади. Бундай ҳаракат ҳам куйнинг узилишига олиб келади. Юқорда кўрсатилган камчиликларнинг барчаси ўқувчининг эътиборсизлигидан ёки ижро вазифасини тўғри тушуниб етмаслигидан далолатдир. Бундай камчиликларни бартараф этишда ўқитувчи унинг сабабини аниқлаб, сўнг уни йўқотиш чораларини белгилайди ва ўқувчига тушунтиради.

Баъзи ўқувчиларнинг ўнг ва чап қўл ҳаракат қобилияти бир хил бўлмаслиги мумкин. Яъни чап қўл бармоқларининг ҳаракати талаб даражасида бўлса, ўнг қўл ҳаракатчан бўлмаслиги ёки аксинча бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ўқувчи учун танланаётган репертуар ва техник материаллар шу камчиликни йўқотишга қаратилган бўлиши лозим.







Агар кузатиш мақсадга мувофиқ равишда олдиндан тайёрланмаса, ўқувчида аниқ тасаввур пайдо бўлиши қийинлашади. Шу сабабли ўқитувчи бирор ҳаракат ёки кўникмани ўқувчига кўрсатиб беришдан олдин албатта нимага кўпроқ эътибор беришни тушунтириши зарур. Акс ҳолда ўқувчи иккинчи даражали нарсаларга диққатини жалб этиб, асосийси эса эътибордан четда қолиши мумкин.

Музыка материали ёки машқни танлашда шу материални тўла таҳлил қилиш ижро ҳаракатларини тўғри амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади ва ушбу машқ ижросидан келадиган самаралар аниқланади. Мураккаб ҳаракатларни ўрганишда унинг қисмларини алоҳида ажратиб ўзлаштириш яхши натижа беради.

Ўқитувчининг тўғри ва аниқ кўрсатмалари ўқувчининг кундалик машқлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Дарсда олинган кўрсатма ва тасавуурлар ёрдамида ўқувчи мустақил машғулотлар пайтида музыка ижроси кўникмаларини аста-секин ўзлаштириб боради. Ўқувчининг ўзи қандай хатога йўл қўяётганлигини, ютуқларини, у ёки бу машқ қандай фойда келтиришини аниқлай билиши жуда муҳимдир. Машқларнинг такрорланиши ундаги бор камчиликларни йўқотишга қаратилиши керак. Амалда шу нарса маълумки, ўз машғулотларини тўғри баҳолай олмайдиган ўқувчи қанчалик кўп шуғулланмасин, яхши натижага эриша омайди. Музыка материалини, ижро этиш мақсадини аниқ билш ва ўз хатосини тўғри англаш — кўникма ҳосил этишнинг зарур шартларидандир.

Ўзининг хатосини ва ютуқларини баҳолай олиш сифати ўқувчида аста-секин ўқитувчининг ёрдамида пайдо бўлиб, ривожланиб боради. Маълумки, ижроси эндигина ўрганаётган ёш ўқувчилар ўз хатоларини тўғри аниқлай олмайдилар ёки сезмайдилар. Ўқитувчининг кўрсатмаларига кўп вақт мунтазам равишда амал қилиш орқали ўқувчи ўз ижросини кузатиб, назорат қилишга ўрганиши мумкин. Бундан ташқари, ўз ижросига тапқидий муносабатда бўлиш, ўз-ўзига талабчанлик сифатлари ўқувчи ижросининг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Тажрибаси ўсиб борган сари ўқувчи ўз хатоларини аниқлаши ҳам осонлашиб боради. Аввалига махсус таҳлилдан сўнг аниқланадиган хатолар кейинчалик бевосита ижро давомида ўқувчи тарафидан аниқланиб тузатилиши мумкин.

Маълумки, ўқувчилар ўз хатоларига қараганда ўзгаларнинг хатосини тезроқ аниқлай оладилар. Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг бу сифатларидан унумли фойдаланиш мақсадида машғулот давомида ўқувчилар бир-бирларининг ижроларини тинглаши ташкил қилиш яхши натижалар бериши мумкин. Бундан ташқари, ўқувчиларга ижроларни мағнит ёзуви орқали эшиттириш ҳам тажрибада қўлланилади. Техника воситасида йўл қўйилаётган хатоларни аниқлаб, тўғри таҳлил этишда ўзининг самарасини беради.

Янги материални кўрсатиб берилаётган вақтнинг ўзида шу мисол давомида кўп учраб турадиган хатоларни олдини олиш учун кўрсатмалар бериш ўқувчи меҳнатининг самарадорлигини оширади. Янги материалнинг тўғри ўзлаштирилиши ўқитувчи тарафидан диққат билан кузатиб борилиши керак. Ўқувчи тарафидан нотўғри ўзлаштирилган кўникма (постановка, ижро ҳаракатлари ва бошқалар) ни қайта тузатиш мураккаб иш эканлиги маълум.

Яхши техникага эга созанда деганимизда одатда кўз олдимизга ижро ҳаракатлари тез, аниқ ва чаққон бўлган, бармоқлари катта тезлик билан ҳаракат қила оладиган чолғучини келтирамиз. Лекин, яхши техникага эга бўлган созанда музыка асаридagi автор айтмоқчи бўлган фикрни ўз ижроси билан очиб берибгина қолмай, чолғу товушлари ёрдамида маълум маънодор фикр ярата олиши ҳам керак.

Маълум мақсадга қаратилган техникани ривожлантирмасдан туриб чолғу ижрочилигидаги бирор амалий натижага эришиш қийин. Созанда ижрочилик техникаси қанчалик ривожланган бўлса, унинг ўзи учун шунчалик яхши.

Энди чолғудаги ижро техникасининг ўзига хос қисмлари ва ижрочилик тажрибасида кўпроқ учраб турадиган камчилик сабаблари билан танишиб чиқамиз. Рубоб-примада ижро техникасини ривожлантириш деганда, чап қўл бармоқларининг пардалар бўйлаб ҳаракати ва ўнг қўл товуш ҳосил этиш ҳаракатларининг қанчалик ривожланганлигини кўз олдимизга келтирамиз. Тажрибада керакли пардага бармоқларни аниқ қўя олмастик ёки ўнг қўл ёрдамида бошқа, кераксиз торларни чертиб юбориш каби камчиликлар учраб туради. Таълим жараёнида шундай камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриш керак.

Гамма ва турли машқлар билан дастлабки танишиш вақтида уни вазмин тезликда ижро этишнинг фойдали томонлари бор: музыка материалининг умумий тузилиши билан яқиндан танишиш; аппликатуранинг тўғри ва рационал танлаш; ижро этиш усул ва услубларини, товушнинг кучини тўғри аниқлаб олишда вазмин тезликдаги ижро ёрдам беради. Бундай ижро қанчалик оғир темда бўлмасин, зинҳор қўполликка йўл қўйилиши мумкин эмас. Бунинг учун ижрочининг керакли ҳаракатларда иштирок этаётган гавда қисмидаги мускулларнинг тўла эркинлигига эришиш керак. Вазмин тезликда ижро этилаётганда ҳаракатларнинг боришини кузатиш анча осон. Лекин темп тезлашган сари бундай кузатиш қийинлашиб боради. Шунинг ўзи вазмин тезликда ижро этишнинг фойдали эканлигини яна бир бор исботлайди.

Вазмин тезликда ижро этиш созанда учун ижро ҳаракатларини ўзлаштиришга ёрдам бериш билан бир қаторда, чолғудан таралаётган товушнинг сифатини яхшилашга ҳам имкон яратади. Музыка асарининг бадний вазифаларини ҳал этиш албатта товушнинг сифатига келиб тақалади. Яхши созанданинг товуш ранг-баранглигига эришиш жиҳатлари талайгина бўлиб, у керакли пайтда товушларда энгиллик, нафислик, ёрқинлик ва бошқа сифатларни усталик билан ишлата олади. Созанда бармоқлари ҳаракатининг тезлигини кўрадиган бўлсак, бу ҳаракатларнинг тезлиги қанча юқори бўлса, улардаги тежамкорлик ҳам шунчалик юқори бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, бармоқларда ҳеч қандай ортиқча ҳаракат бўлмаслиги лозим. Чунки ҳар бир ортиқча ҳаракат ижро тезлигига халақит беради. Ўнг қўл хусусида ҳам худди шу фикрни айтишимиз мумкин.

Музыка материални керакли тезликдаги ижросига қайси пайдан бошлаб ўтиш керак? Бу масалада ёш ижрочилар орасида кўп



учраб турадиган камчиликлардан бири шуки, улар оғир темпдаги ижродан сўнг бирданга тез темпга ўтмоқчи бўладилар. Бундай ижро кўп хатоларга сабаб бўлиши мумкин. Биринчидан, ўқувчининг олги бундай тез темпда амалга ошириладиган ҳаракатларни назорат қилишга улгурмайди ва ижро назоратсиз кеча бошлайди. Иккинчидан, ижро ҳаракатлари тез темп учун ҳали етарли даражада тайёрланмаган. Натижада бегона товушлар ижро этиб юборилади ёки керакли аппликатура ўрнига хато аппликатура қўлланилади ва ҳоказо. Мана шу сабабларга кўра музика материалнинг ҳақиқий тезлигига ўтишни аста-секинлик билан амалга ошириб бориш лозим. Шунда ижронинг ўқувчи учун умумий қийинлик даражаси бирданга эмас, балки аста-секинлик билан ортиб боради ва бу ўқувчини ўз имкониятларига ишончини йўқотмаслигига ёрдам беради. Бундан ташқари, ўқувчи ижросидаги барча камчиликларни вазмин тезликдаги ижро пайтида бартараф қилиш лозим. Вазмин тезликда камчиликларнинг ҳаммаси йўқотилганидан сўнг ижро тезлигини жадаллаштириш мумкин бўлади.

Энди созанданинг ижро пайтидаги чидамлилиги ва гавда қисмлари ҳаракатининг эркинлиги ҳақида сўз юритамиз. Созанданинг ижро пайтидаги тоқат ва бардошини унинг психофизиологик ҳолати белгилайди. Гап созанданинг чидамлилиги, яъни у қанчалик кўп вақт давомида машқни узлуксиз ижро эта олиши мумкинлиги ҳақида борар экан, унинг гавдаси ижро ҳаракатлари учун қанчалик мослашганлиги тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Гавда мускулларининг қотиб, сиқилиб қолиши ижро ҳаракатларини тўғри ва эркин амалга оширилишига халақит беради. Шу сабабли ҳам чолғуда музика асарини тўлақонли ижро этиш учун, биринчи навбатда, мускул ҳаракатларининг эркинлигини таъминлаш зарур бўлади. Мускуллар қотиб қолишининг турли сабаблари бўлиши мумкин. Бунга постановканинг потўғрилиги, ҳаяжонланиш, асабийланиш, шарт-шароитнинг ноқулайлиги, беморлик ва шунга ўхшаш бошқа сабабларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Қандай бўлишидан қатъи назар, ўқитувчи машғулот пайтида мускулни қотиб қолишининг олдини олиши керак. Йирик созанда-ўқитувчиларнинг кузатишлари бўйича, ўқувчиларнинг ижро ҳаракатларини амалга ошираётган мускулларнинг қотиб қолишига асосан қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин: созанданинг елка, тирсак ва панжа мускулларининг қотиши; панжа ва бармоқларнинг керагидан ортиқча ҳаракатланиши; чап қўл бармоқларининг пардаларга ортиқча куч билан босилиши; бевосита ижро этиш ҳаракатларида қатнашаётган гавда қисмларининг тортилиб, қотиб қолиши сабаб бўлиши мумкин. Гавданинг қайси қисмида бўлишидан қатъи назар, қотиб қолмаслик тўғрисидаги фикр, ижро ҳаракатлари пайтида ҳеч қандай куч ишлатмасдан, бўш ҳолда ҳаракатланиш керак, деган сўз эмас. Ҳар қандай ижро ҳам маълум даражада мускулларнинг куч ишлатиб ҳаракатланишини тақозо этади. Ҳамма гап шу кучланишнинг ижро ҳаракатига ёрдам қилиши ёки халақит беришидандир. Хуллас, ижро ҳаракати пайтидаги мускулларнинг кучланиши, мақсадга мувофиқ бўлиши ҳар бир ўқитувчининг ижро бўйича таълим бериш ишидаги асосий вазифаларидандир.

Нотага қараб ижро этиш мураккаб жараён бўлиб, у махсус машқлар ёрдамида ўзлаштирилади. Агар нотага қараб ижро этиш жараёнини кузатадиган бўлсак, унда қуйидаги қисмларни кўришимиз мумкин: нота кўринишининг ўқувчи онгига етиб бориши; ўқувчи онгида қандай ҳаракат амалга ошириш кераклигининг аниқланиши; керакли ҳаракатлар ёрдамида берилган нотанинг ижро этилиши.

Нотага қараб ижро этиш жараёнининг қанчалик тез содир бўлиши нота кўринишини онг орқали қабул қилиб (англаб) керакли ҳаракатни амалга оширишнинг тезлигига боғлиқ. Агар бу жараёнининг бирор қисми яхши ишламаса, нотага қараб ижро этишда кўзланган натижага эришиш қийин бўлади.

Нотага қараб ижро этишнинг мураккаб тарафларидан бири шуки, музика асарининг бир қисми ижро этилаётганда чолғучи кейинги қисмини кўриб, унинг ижросига тайёргарлик кўра билишидир. Тажрибасиз ўқувчилар кўп ҳолда буни урдасидан чиқа олмайдилар ва натижада уларнинг ижролари узилиб қолади.

Диққат-эътиборни бир мақсадга қарата билиш нотага қараб ижро этишнинг муваффақиятли ўзлаштирилишини таъминлайдиган омиллардан биридир. Нотага қараб ижро этиш қобилиятини ривожлантиришда қуйидаги амалий машғулотлар ёрдам бериши мумкин: энг оддий музика асарининг бошланғич тактининг биринчи ярми ижро этилаётганда ўқувчи ўз эътиборини шу тактнинг иккинчи ярмига қаратади. Худди шу усул асарнинг кейинги тактлари ижро этишда ҳам қўлланилади. Бошланғич даврда ўқувчи қийналмаслиги учун ижро вазмин темпда олиб борилади. Чолғуда ижрони ўрганишни эндигина бошлаётган ёш ўқувчи чолғу грифиди пардалар жойлашуви ҳали яхши ўзлаштириб олмаганлиги туфайли бир вақтнинг ўзида унинг эътиборини ҳам нотага, ҳам пардаларга қаратиш лозим.

Машқлар ёрдамида ўқувчига берилаётган вазифа аста-секин мураккаблаштирилади, лекин бу вазифа ўқувчининг имкониятлари доирасида бўлиши керак.

Созандада нотага қараб ижро эта олиш қобилиятини ривожлантириш муаммоси ва уни ҳал этишга қаратилган кўпгина кўрсатмалар музика педагогикасида алоҳида ўрин тутаяди. Кўзга кўринган ижрочи-ўқитувчиларнинг фикрича, нотага қараб ижро этиш созанданинг кундалик машқларидан ўрин олиши шарт. Ўқувчи мунтазам равишда нотага қараб ижро этиш билан шуғулланган тақдирда турли даврга мансуб бўлган ранг-баранг музика асарлари билан танишади.

Аввал айтиб ўтилганидек, маълум билимларни ўзлаштириш давомида ўқувчининг музикавий интеллектунал сифатлари шаклланади; музикавий фикрлаш жараёни музика материални ўзлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Мана шу фикрларнинг ўзи нотага қараб ижро этишнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Нотага қараб ижро этиш ўқувчининг эшитиш таассуротларини, профессионал тажрибасини, махсус билимларини бойитиб боради ва булар-



нинг ҳаммаси ўз навбатида музикавий онгининг шаклланиши ва ривожланишида жуда катта аҳамият касб этади.

Нотага қараб ижро этилаётган музика асарларининг ҳаммаси ҳам келажакда ўқувчи тарафидан ёд олиниши шарт эмас. Улар ёд олиш учун эмас, балки ўқувчининг фикрлаш, янгилик очиб ва янги, ўзига маълум бўлмаган таассуротлар билан танишиш эҳтиёжини қондириш учун ижро этилади. Нотага қараб ижро этаётган созанданинг фикрлаши бирмунча активлашади, унинг музика материални қабул қилиб олиши маълум даражада ўткирлашади. Шу билан бирга ўқувчи нотага қараб ижро этаётган музика асарига бутун вужуди билан берилади ва унинг ҳис-туйғулари ҳам бу жараёнда бевосита иштирок этади. Бундан келиб чиқадики, нотага қараб ижро этиш машғулоти ижрочи репертуарини, унинг назарий ва амалий билимларини бойитибгина қолмасдан, балки умуман музикавий фикрлаш жараёнининг сифатини яхшилайти.

Шундай қилиб, нотага қараб ижро этиш ўқувчининг умумий музикавий ривожланишида энг самарали йўллардан биридир.

Агар чолғу ижрочилиги таълими ўз олдига ўқувчининг умумий музикавий қобилиятини, профессионал онгини ривожлантиришни асосий мақсад қилиб қўяр экан, шубҳа йўқки, нотага қараб ижро этиш ана шу мақсадни амалга оширишда асосий ва махсус восита вазифасини бажаради. Нотага қараб ижро этишнинг муҳимлиги тан олинган ҳолда, амалда унга баъзан кераклича эътибор берилмайди. Албатта, нотага қараб ижро этишга қанча кўп вақт сарфланса, бу ўз навбатида маълум ижобий натижа бериши мумкин. Лекин бу жараёни ташкил қилишда маълум даражада онгли назоратнинг бўлиши лозим.

Тажрибадан шу нарса маълумки, созанданинг нотага қараб ижро этиш қобилияти қанчалик ривожланган бўлса, унинг ички эшитиш қобилияти ҳам шунчалик ривожланган бўлади. Яъни бундай созанда нота белгиларига кўзи тушиши биланоқ шу товушни ижросиз эшита олади. Демак, созандадаги «кўриш орқали эшитиш» қобилияти қанчалик ривожланган бўлса, унинг нотага қараб ижро эта олиши ҳам шунчалик сифатли бўлади.

Нотага қараб ижро этишнинг бошқа муҳим шартларидан яна бири шуки ижрочининг нигоҳи нота текстидан узилмаслигидир. Чолғу торлари ва пардалар жойлашувини яхши ўзлаштириб олманган ўқувчиларнинг нигоҳлари дам нота текстига, дам чолғу гриффига кўчиб туради. Ўқувчи нотага қараб, унинг баландлигини белгилаб олгандан сўнг, нигоҳини чолғу грифидидаги пардаларга кўчиришга мажбур. Чунки пардаларни яхши ўзлаштириб олмаганлиги сабабли грифга қарамасдан бармоқни пардага аниқ қўя олмайди. Навбатдаги нотани аниқлашда ўқувчи яна нигоҳини нота текстига кўчиради. Бундай вазиятда кўп ўқувчилар текстнинг қайси жойига келганликларини йўқотиб қўядилар. Керакли жойни топиш учун эса бир оз вақт талаб этилади. Мана шу камчиликлар натижасида ўқувчининг ижросида нотўғри тўхташлар содир бўлади. Бу эса асарнинг узлуксиз ижросига путур етказиши. Шу сабабли ижрочи нигоҳининг бир манбадан иккинчи манбага кўчиши қанчалик кам бўлса, шунчалик ижро учун фойдали бўлади. Демак, чолғу ижро-

чилигининг таълимида ўқувчи-созанданинг чолғу гриффига қарамасдан керакли пардани топа билиш сифатларини бошқа кўникмалар қатори мунтазам равишда ўрганиб бориши нотага қараб бемалол ижро эта олиш қобилиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчида нотага қараб ижро этиш тажрибаси ортиб борган сари нота ёзувидаги кўрсатилган товуш баландлигини белгилай олиши учун тобора кам вақт талаб қилинади. Бунда нота нечанчи чизиқда турибди? Чўзим қандай каби саволлар деярли тугилмайди. Ноталарнинг чизиқлардаги жойлашуви ва уларнинг чўзимларини аниқлаш иши ўқувчида автомат тарзда кечиб боради. Натижада, нотага қараб ижро этишнинг тезлиги тобора ортиб боради. Дарс жараёнида мана шу сифатни ўқувчиларга мунтазам равишда ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, нотага қараб ижро этишни ривожлантириш учун янги ўрганилаётган музика материалда, олдинги материаллар билан ўхшашлик жойларни, фарқларни белгилаш ҳам ўз самарасини беради.

Нотага қараб ижро этишни амалга оширилаётган пайтда ўқувчидан нота ёзувидаги барча белгиларга қатъий риоя қилишни бирданига талаб этиб бўлмайди. Ўқитувчи бу жараёнда ўқувчининг биринчи навбатда эътибор бериши керак бўлган нарсаларни олдиндан тушунтириб, белгилаб беришнинг аҳамияти жуда каттадир. Бизнингча, ўқувчи асардаги яхлит музикавий фикрнинг бошланиши ва тугалланишига биринчи навбатда эътибор бериши керак. Яъни асардаги баён этилаётган тугал фикрнинг узилиб қолиши ёки тушунарсиз ижро этилишига йўл қўйиш керак эмас. Нотага қараб ижро этишни асардаги баён этилаётган музикавий фикрлар асосида ташкил қилиш яхши натижалар беради.

Нотаниш бўлган музика асарини нотага қараб ижро этишдан олдин ўқувчи шу асарнинг нота ёзувини обдон кўздан кечириб, танишиб чиқиши, яъни шу асарни чолғусиз «ижро этиши» тавсия этилади. Бундай усул қўлланганда, биринчидан, созанда бевосита ижро ҳаракатларидан холи бўлади; иккинчидан, асарнинг тузилиши, мазмуни, шакли ва бошқа хусусиятлари билан танишиш имконияти туғилади. Келтирилган фикрларга яна қўшимча қилиб шунини айтиш мумкинки, ўқувчи асарнинг нота ёзувини кўздан кечириб, чолғусиз, «дилда» ижро этиши унинг ички эшитув қобилиятини маълум даражада ривожлантириб боради. Тажриба шу нарсага туюқлик берадики, музика асари билан бундай танишувдан кейин ижро енгил ва аниқроқ амалга оширилади, содир бўлиши мумкин бўлган хатолар камайд ва ижро эркинлиги таъминланади.

#### МУЗИКА РИТМИ. ЭСЛАБ ҚОЛИШ ВА ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИ

Ритм — музыкантнинг асосий элементларидан бири бўлиб, музика товушларининг вақт бирлиги ичида жойлашуви қонуниятини белгилаб беради.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Булучевский Ю. С., Фомин В. С. Краткий музыкальный словарь для учащихся. Л., Музыка, 1984. 158-бет. (Тарж.)



Музыкадаги ва санъатнинг бошқа турларидаги ритмларни бирига таққослаш ҳолларини тез-тез учратиш туришимиз мумкин. Бунга поэзиядаги ва тасвирий санъатдаги ритмик хусусиятлар мисол бўла олади. Бундай ўхшашликларнинг асослилигини таян олган ҳолда, ритм тушунчаси ҳар бир конкрет ҳолатда ўзининг хусусий кўринишига эга эканлигини эътироф этишимиз керак.

Ўқувчиларда ритм туйғусини шакллантириш ва ривожлантириш иши музыка педагогикасининг энг зарур ва муҳим вазифаларидан биридир. Илмий тадқиқот олиб бораётган олимларнинг фикрича, бу ишнинг қийинлиги музыка товушининг вақт бирлиги ичидаги чўзилиши унинг баландлигига нисбатан аниқ қайд этиб бўлмалигидадир. Лекин, шунга қарамадан, олимлар ўқувчилардаги музыка ритми туйғусини тарбиялаш мумкин деган фикрни олга сурмоқдалар.<sup>1</sup>

Маълумки, музыка ритми умуман музыка асарининг ташкилий элементларидан бири бўлиб, асарнинг мазмунини, унинг образли моҳиятини ақс эттиради. Инсон ўзининг турли фаолиятида музыка асарининг мазмуни билан танишади. Лекин фақатгина ижро пайтида созанда созанда музыка асарининг мазмунига ва шунингдек ритмига тобора чуқурроқ тушуниб боради. Музыка ижроси давомида, уни эшитиш пайтида очилмай қолган фикр ва туйғулар ижрочи учун тушунарли бўлиб бориши мумкин. Сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ўзига хос музыка ритмининг моҳияти айни ижро пайтида созанда томонидан англади. Ижро жараёни созандага музыка асарининг ритмик тузилиши билан яқиндан танишиш ва уни тушуниш имконини беради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, музыка асарининг ижроси ўқувчиларда музыка ритми туйғусини тарбиялаш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Сифатли, мустаҳкам ижро техникасига эга бўлган ўқувчи-созандаларда музыка ритми туйғусини тарбиялаш ва ривожлантириш қўлай имконият бўлиб, аксинча ўртача техникага эга бўлган, ижро ҳаракатларни қўпол бажарадиган ўқувчиларда анча қийин кечади.

Музыка асарини ўзлаштириш давомида шу асарнинг ритмик шаклини ўқувчи тобора яхшироқ тушуниб боради. Бу эса ўз навбатида музыка ритми туйғусини мустаҳкамлаш йўлларида бири бўлиб хизмат қилади.

Чолғу ижрочилиги таълимнинг дастлабки пайтларидан бошлаб, нота чўзимларининг вақт бирлигига нисбати ўргатиб, борилади. Нота чўзимлари ҳақидаги билимлар ижрочилик санъатини эгаллашда асосий билимлардан ҳисобланади. Ҳар қандай музыка асарини ижро этишда нота чўзимларини англашнинг ўзи чолғу-чиликнинг асосларидан биридир. Ўқувчиларда музыка ритми туйғусини тарбиялаш ишига таълимнинг дастлабки пайтларидан керакли даражада эътибор бериш ҳақиқий созанда шакллантириш учун зарур замин яратади. Ўқувчи музыка ритмининг бошланғич саводини, уни тушуниш ва англаш учун зарур бўлган кўникмаларни ўзлаштирамасдан туриб, келажакда созанда сифатида шаклланиши мумкин эмас.

<sup>1</sup> Назаров И. Основы музыкально-исполнительской техники и метод её совершенствования. Л., Музыка, 1969. (Тарж.)

Таниқли педагог ва композиторларнинг таъкидлашича музыка ритмининг нота ёзуви орқали кўрсатилиши унинг тўла моҳиятини очиб бера олмайди. Бундан келиб чиқадикки, музыка ижрочилигидаги ритм ўзининг табиати бўйича ижодий характерга эгадир. Юқорида айтиб ўтилганидек, бевосита ижро пайтидагина музыка ритмининг туб моҳияти ва маъносига тушуниб етиш мумкин. Музыкадан ташқарида, ундан узилган ҳолда музыка ритми бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас.

Музыка ижрочилигидаги ритмик ҳаракат тўғрисида гап борар экан, тадқиқотчи олимларнинг қўйидаги фикрларини айтиб ўтишни лозим топдик: созанданинг ижродан олдинги тайёргарлиги («ичида» санаш, чолғусиз, хаёлан ижро этиш, дирижёрлик қилиш ва ҳоказо) келажакдаги ижро пайтида унга жуда катта ёрдам бериши маълум изланишлар натижасида исбот қилинган.<sup>1</sup>

Ёш созанданинг музыка ритми туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришда қўшимча имкониятлар mavjud. Бу имкониятларнинг баъзиларини қўйида кўриб чиқамиз.

Ижро этилаётган музыка асарини санаш. Ижро пайтида ижрочи тарафидан санаб чалиниши музыка асарининг ритмик тузилишини осонроқ тушунишга ёрдам беради. Умуман ижро пайтидаги санаш музыка ритмининг ҳис этишда ва мустаҳкамлашда фойдалидир. Баъзи ўқувчилар ижро пайтида овозларини баралла чиқариб санашга одатланиб қоладилар ва бу одатни тарк этиш келажакда анча қийин бўлади. Айни шу фикрни оёқ билан санашга ўрганиб қолган ўқувчилар хусусида ҳам айтиш мумкин. Асар ижроси пайтидаги бундай санашлар, албатта, ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам тарбия жараёнида бундай камчиликларни аста-секинлик билан йўқотиш чоралари кўрилади. Тажриба бойиб борган сари ўқувчида нота чўзимларининг ритмик ижросига нисбатан ички туйғу ривожланиб, бундай санашқа ҳожат қолмайди.

Ўқувчида музыка ритми туйғусини ривожлантириш мақсадида чолғусиз машқлар ҳам қўлланилади. Бунда кўйнинг метро-ритмик шакли чапак ёки тақирлатиш ёрдамида ижро этилади.

Яна ижрочилар ичида кенг тарқалган усуллардан бири — дирижёрлик қилишдир. Созанда дирижёрлик қилиш орқали музыка асарининг ритмик тузилишини тушуниш билан бирга шу асарнинг кечинма ва туйғуларини сезиши ва унга ўзининг муносабатини билдириши мумкин.

Ўқувчилар орасида тез-тез учраб турадиган камчиликлардан бири — асар ижроси давомида тезлашиб ёки секинлашиб кетишдир. Бундай камчиликни бартараф этиш учун одатда музыка педагогикасида қўйидаги чора қўлланилади: ўқувчи ижро пайтида барча ҳаракатларини тўхтагани, бир-икки тактни овоз чиқариб (ижро этмасдан), фақат санаёди, сўнг ижрони яна давом эттиради. Бундан ташқари, ўқувчида асарнинг ритми жиҳатидан яхши ва тўғри ижро этилаётган бўлақлар камчилиги бўлган қисмлар билан таққосланиши ҳам яхши натижа бериши мумкин.

<sup>1</sup> Назаров И. Основы музыкально-исполнительской техники и метод её совершенствования. Л., Музыка, 1969. 30—33-бетлар. (Тарж.)



Ўқувчиларда музика ритми туйғусини шакллантиришда ўқитувчининг хизмати жуда каттадир. У, (бунга эҳтиёж бўлган тақдирда) ўқувчи билан биргаликда санаши, чапак ва турли ҳаракатлар билан ёрдам бериши ўқувчини тўғри йўналтиришда фойдалидир.

Музикани эслаб қолиш қобилияти маълум музика материални керакли вақт ичида ижрочи онгида сақланиб қолишини таъминлайди. Музика фанида ижрочи учун энг зарур бўлган учта сифат бирлиги тўғрисида гап юритилади: эшитиш қобилияти, музика ритми туйғуси ва эслаб қолиш қобилияти (хотира). Эслаб қолиш эса тузилиши жиҳатидан мураккаб қобилият бўлиб, хотиранинг бир неча турини ўз ичига олади. Масалан, ижрочи ўз фаолияти давомида эшитиш ва ҳаракат билан боғлиқ бўлган хотира турларидан фойдаланади. Яна қўшимча қилиб, кўриш орқали хотира турини келтириш мумкин. Тажрибадан шу нарса маълумки, ҳар кимнинг хотираси ўзининг шахсий типологик хусусиятига эгадир. Шу билан бирга музика хотирасини тўғри ривожлантиришда олимларнинг фикрича, айниқса музика ижрочилари учун хотиранинг образли-эшитиш турининг фойдаси каттадир.<sup>1</sup> Ҳақиқатан ҳам музика — бу эшитиш орқали қабул қилиниб, таассурот олинган санъат тури бўлганлиги туфайли, музика хотираси биринчи навбатда эшитув хотирасидир.

Фандаги махсус излашлар натижасида маълум бўлдики, ўқувчиларнинг музика эшитиш қобилияти, ритмик туйғусининг ривожланиш даражаси билан музика хотирасининг сифатлари ўртасида бевосита боғлиқлик бор экан.<sup>2</sup> Ўқувчида музика эшитиш қобилияти ва ритм туйғуси қанчалик ривожланган бўлса, ундаги музика хотираси (ёнда сақлаб қолиши) шунчалик сифатли бўлади ва аксинча, ундаги эшитиш қобилияти ва ритм туйғусининг сифати паст бўлиши музика хотирасининг ривожланишига халақит беради.

Созанданинг хотираси турли фаолиятда қатнашиб, маълум даражада такомиллашиб боради. Музика асарини тинглашдан тортиб, то унинг ижодигача бўлган фаолиятда музика хотираси иштирок этади. Шу билан бирга, музика хотирасининг тўғри шаклланиши ва ривожланиши учун энг қулай шарт-шароит музика ижрочилигида яратилади. Музикани тингловчи, таҳлил этувчи ва бошқаларга нисбатан ижрочи ўз олдига одатда мақсад қилиб музика асарини ёд олишни кўяди. Ижрочи фаолиятининг асосий ва ўзига хос талабларидан бири ҳам шудир. Чунки асар ёд бўлса, ижрочининг ҳар тарафлама эркинлиги учун имкон бўлади. Ўқувчи ўз онини музика асарини ёдлашга қаратганлиги унинг меҳнат қобилиятини бирмунча яхшилаш ва активлаштириш билан бир қаторда, музика хотирасининг самарадорлигини ҳам оширади.

Созанда аниқ ижро ҳаракати орқали музика асари билан танишади. Мана шунинг ўзи ҳам музика хотирасининг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, музика асарининг ижроси пайтида созанданинг активлиги музика хотирасининг активлашишига ҳам ёрдам беради. Ҳақиқатан ҳам, музика асарини

<sup>1</sup> Маккиннон Л. Игра паузусть. Л., Музика, 1967. 19—21-бетлар. (Тарж.)

<sup>2</sup> Шу ерда 19—22-бетлар. (Тарж.)

тинглаш ва уни бевосита ижро этиш бир-биридан фарқ қилади. Бизга тажрибадан маълумки, музика асарини тинглагандан кўра уни ижро этиш вақтида эслаб қолиш осонроқ кўчади. Созанданинг ижро ҳаракати ҳам унинг музика хотирасини ривожланишига ва мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, музика материални эслаб қолишда ягона кўрсатма бериб бўлмаслигига ва бу ишга ҳар хил ёндашиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Эслаб қолишни қайси йўл билан амалга ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Ҳамма гап музикани эслаб қолиш ишининг мазмуни, характери ва услубидадир. Аяглаб ҳамда тушуниб ёд олинган материалнинг сифати англамасдан ёд олинган материалнинг сифатига қараганда анча устун бўлади. Худди шу қонуниятни музика ижрочилиги соҳасида ҳам кўришимиз мумкин. Агар ўқувчи маълум мантиқий тартибда жойлашган товушқаторни ёдлаш учун берилса, у унчалик қийналмасдан бу вазифани бажариши мумкин. Кейин эса шу товушқаторнинг мантиқ тартибини бузиб қайтадан берилса, ўқувчининг бу товушлар йиғиндисини ёдлаши анча қийин бўлади. Шундай қилиб, музика асарини чуқурроқ тушуниш, унинг бадиий моҳиятини, шаклини, хуллас, асар муаллифи нима демоқчи эканлигини тўлароқ англаш — музика асарини мустаҳкам ёдда сақланиб қолишининг асосий шартларидандир.

Албатта, моҳир созандаларнинг кундалик машғулотларида маълум бир парчаи ўн (ҳатто юз) марталаб такрорлаш ҳолларини учратишимиз мумкин. Лекин бундай такрорлашлар бири иккинчисининг айбан нусхаси бўлмасдан, балки ҳар бир такрорлаш ўзига хос бадиий ёки техник изланиш билан ажралиб туради. Моҳир созандаларнинг такрорий машқлари маълум даражада ижодий характерга эгадир ва ҳар бир такрорлашда бу машқлар ўзининг сифати бўйича янги поғонага кўтарилиб боради. Чолгу ижрочилиги соҳасида маълум натижага эришиш инсон активлигига, онгли меҳнатига ва мақсадга қаратилганлигига боғлиқдир.

Музика ижрочилигига ўргатиш иши музика хотирасини ривожлантириш учун замин яратади. Музика хотирасини мустаҳкамлаш устида ўқувчининг мунтазам ишлаши хотиранинг такомилланишини таъминлайди.

Йирик музика асарларини ёд олишда умумийдан хусусийга қараб ҳаракат қилиш кераклигини кўпинча машҳур чолғучи-ўқитувчилар айтиб ўтишган. Бошқача қилиб айтганда, музика асарининг умумий шакли ва маъносини англаб олгандан сўнг алоҳида қисмларини ўзлаштиришга киришиш керак. Бундай қисмлар нисбатан тугалланган ва мустақил бўлиши зарур. Ижрочилик бўйича қийин бўлган қисмларга кўпроқ вақт ва эътибор берилп керак бўлади.

Ёд олиш учун ажратиб олинаётган қисмлар ўзининг ҳажми жиҳатидан жуда катта бўлмаслиги зарур.

Ижрочилик ва педагогик тажриба шунини кўрсатадики, асарни ёд олишда ундаги «маънодор» характерли жойларига таяниб ўрганиш яхши натижа бериши мумкин. Шунингдек, музикавий фикр (фразанинг бошланиши ва тугаши) аниқ белгилаб олиш, ўзига



хос безакли жойларига эътибор бериш ҳам мустаҳкам ёд олишга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг баъзиларида кўриб эслаб қолиш қобилияти ривожланган бўлса, бошқаларида эшитиб ёдда сақлаб қолиш қобилияти устун туради. Шу билан бирга, тажрибада бу икки хил салоҳият бир маромда ривожланган ўқувчиларни ҳам учратимиз мумкин. Асарни ёд олишда қайси усулдан фойдаланишдан қатъи назар, муҳими, хотирада мустаҳкам сақланиб қолишидир.

### РЕПЕРТУАР ТАНЛАШ

Чолғучи ижро этадиган асарлар мажмуаси репертуар дейилади. Ўқувчилар учун репертуар танлашда нималарга эътибор бериш керак? Репертуарни қандай танлаш керак?

Дуч келган асарни ўқувчига ижро этиш учун беравериш ярамайди. Танланаётган асар ўқувчи-созанданинг ижро маҳоратини яна бир поғонага кўтариш учун хизмат қилиши керак. Ўқувчининг чолғуда ижро маҳоратининг муваффақиятли ривожланиши ҳар доим ҳам унинг қобилияти билан белгиланавермайди. Бунда репертуар танлашнинг ҳам маълум даражада аҳамияти бор. Созанданинг олдига қўйилаётган вазифаларнинг бир маромда мураккаблашиши унинг қизиқишини янада кучайтиради. Бошқача қилиб айтганда, навбатдаги танланаётган асар олдингисига қараганда ижро жиҳатидан мураккаброқ бўлиши зарур. Бу хусусда шуни айтиш зарурки, ижро учун танланган музыка асари ўқувчининг имкониятларига мос келиши керак, токи у асарнинг бадий ва техник вазифаларини ҳал эта олсин.

Рубоб-примада ижрони ўргатиш ва ўрганиш жараёнининг ҳар бир босқичида ўқувчи олдига қўйилаётган талаблар асосли ва ўринли бўлиши керак. Агар бу талаблар ҳаддан ташқари мураккаблашиб кетса, яъни асарлар ўқувчининг имкониятига қараганда қийинроқ бўлса, албатта бу ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Аксинча, танланаётган асарлар жуда соддалашиб кетса ҳам бўлмайди. Бу ҳолда ўқувчининг ижрога бўлган қизиқиши анча пасайиб кетиши мумкин.

Ижро таълими тажрибасидан шу нарса маълумки, ўқувчиларнинг ҳаммасида ҳам ижро усули ва услубларининг кўникмаси бир хилда ривожланган бўлмайди. Масалан, баъзиларда чап қўлнинг ижро кўникмалари яхши ривожланган бўлса, бошқаларда эса ўнг қўлнинг техникаси кўпроқ ривожланган бўлиши мумкин. Ёки баъзи ўқувчилар жадал тезликдаги асарни ижро этишда қийинчилик сезсалар, бошқалар вазмин, куйчан асарларнинг ижросида қийналадилар. Репертуар танлашда кўрсатилган хусусиятлар албатта ҳисобга олиниб, танланган асарлар ёрдамида камчиликларни бартараф этиш керак.

Ҳозирги пайтда рубоб-прима ижрочилари учун репертуар танлашда бошқа ўзбек халқ чолғулари ва шунингдек скрипка, домра учун мавжуд бўлган тўнламлардан фойдаланилапти. Бошқа чолғулар учун ёзилган асарларни рубоб-примада ижро этишда шу чолғу учун қўйилган ижро белгиларига катта эътибор берилиши

керак. Чунки қўйилган белги фақат шу чолғу учунгина қаратилган бўлиб, рубоб-примада эса ижроси ўзгариши мумкин. Масалан, гижжак ёки скрипка учун ёзилган асарларда учрайдиган «легато» белгиси рубоб-примада асосан рез усули билан ижро этилади. Агар музыка асари жадал тезликдаги ижрони талаб этса, «легато» белгиси қўйилган бўлса ҳам пастга ва юқорига (товушларнинг улавишига эътибор берган ҳолда) зарблар билан ижро этилиши керак.

Бундан ташқари, рубоб-примада бошқа чолғулар учун ёзилган асарларни ижро этишда мавжуд бўлган аппликатура ҳамма вақт тўғри келавермайди. Шунинг учун қулай аппликатурани танлашда ўқитувчининг тўғри кўрсатмалари катта аҳамиятга эгадир. Рубоб-прима ижрочиси (барча чолғучилар сингари) ўз репертуарига турли даврга мансуб бўлган музыка асарларини киритиши мақсадга мувофиқ. Репертуар танлашнинг бундай принципини қўллаш рангбаранг музыка материаллари билан яқиндан танишишда ва ўқувчининг дунёқарашини бойитишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Қуйида рубоб-прима ижрочисининг тахминий репертуар планини келтирамиз:

1. Ўзбек халқ куйи.
2. Ўзбек совет композиторларининг асарлари.
3. Рус композиторларининг асарлари.
4. Чет эл классик композиторларининг асарлари.

Шунингдек, рубоб-прима ижрочисининг ўқув репертуарига икки-учта турли характердаги этюдлар, гаммалар ва мапцлар киритилади.

Музыка асарларининг бадий ва техник кўрсаткичлари рубоб-прима чолғусининг ижро имкониятларига мос тушиши репертуар танлашда ҳал қилувчи омилдир.

### МУЗИКА АСАРИНING ИЖРОСИ УСТИДА ИШЛАШ

Асарнинг характери, тоналлиги, бадий образ йўналиши, кульминацияси ва умумий тузилишини англаб олиш келажакда тўлақоли ижро учун ёрдам беради. Буларни аниқлашда ўқитувчининг ёрдами зарур.

Асар назарий жиҳатдан ўзлаштирилгандан сўнг унинг амалий ижросига ўтилади. Музыка асарлари бошидан охиригача бир хил техник қийинчиликда бўлмасдан, балки унинг баъзи қисмлари бошқаларига nisбатан ижро жиҳатидан мураккаброқ бўлиши мумкин. Бундай пайтда шу қийин жойлар алоҳида ажратилиб, уларнинг ижроси устида махсус машқлар ўтказиш тавсия этилади. Лекин бундай ишлаш жараёни жуда узоқ давом этмаслиги керак. Агар шу қийин қисм мустақил равишда ижрочи томонидан бекаму кўст ижрога эришилса ҳам, кўп ҳолларда асарни бошидан охиригача ижро этишда худди ана шу қисми асарнинг умумий йўналиши билан қўшилмасдан, алоҳида ажралиб қолиши мумкин. Шу сабабли қийин қисмларни такрорлашда шу қисмдан бир неча такт олдинги ва кейингиларини қўшиб ижро этиш тавсия этилади. Асар



ўзлаштирилаётган пайтда ижрочининг имкониятларига мос бўлган тезликни танлаш ва шу тезликнинг бир маромда бўлишига эришиш керак бўлади. Музыка асарининг устида тўғри ишлаш билиш ижро маҳоратини ошириш омилларидан биридир.

Чолғу ижрочилиги синфларининг тажрибасида баъзи музыка асарларини ўзлаштириш иши конкрет ёки имтиҳонгача етиб бормайди. Бу асарлар синф иши сифатидагина ўзлаштирилади. Синф ишидан асосий мақсад, музыка асарининг умумий мазмуни билан танишиш, ундаги ишлатиладиган ижро кўникмаларини ўзлаштириш ва шулар асосида асарда баён қилинмоқчи бўлган музикавий кечинмаларни чолғу ёрдамида талқин эта билишдир. Музыка педагогикасида бундай синф ишларига алоҳида эътибор бериледи ва у ўқув жараёнининг махсус шаклини ташкил этади.

Синф иши сифатида ўтиладигна музыка асарларини ўзлаштириш учун ажратиладиган вақтнинг чегараланганлиги шу асар устида ишлаш жараёнининг жадаллаштирилишини англатади. Бунда ўқув-педагогик жараённинг ўзи тезлашади: ўқувчи олдида маълум материални қисқа, чегараланган вақт ичида ўзлаштириш вазифаси туради. Бунинг ҳаммаси ўқувчига янгидан-янги материаллар билан топилиш, бир жойда туриб қолмаслик, олдинги ўтилган материални бир хил равишда такрорлайвермаслик имкониятини беради. Синф иши учун ажратилган музыка асарлари устида ишлаш билан нотага қараб чалиш каби машғулотнинг ўхшаш жойлари кўп. Бу икки ҳолда ҳам ўқувчи хилма-хил музыка асари билан қисқа вақт ичида танишиш имкониятига эга. Айни пайтда, синф иши билан нотага қараб чалиш машғулоти маълум даражада бир-биридан фарқ қилади. Нотага қараб чалишда ўқувчи материал билан бир марта эпизодик танишиш имкониятига эга бўлса, синф иши жараёнида эса у асар билан тўлароқ ва асосли танишиб, ўзлаштириши мумкин. Синф иши билан шуғулланаётган ўқувчи, музыка асарини бир неча бор такрорлаши туфайли ўзи учун шу асарнинг моҳияти, мазмуни, тузилиши ва бошқа сифатларини тўлароқ очиши мумкин. Шу асосда асарнинг ижодий роҳи ва ундаги баён этилаётган бадий фикрлар ўқувчига тобора тушунарли бўлиб боради.

Синф иши учун танланган репертуар ўзининг характери, тузилиши, мазмуни ва бошқа кўрсаткичлари жиҳатидан ранг-баранг бўлиши зарур. Бундан ташқари, шу репертуардан ўрин олган асарлар ўзининг шакли ундаги баён этиладиган ҳис-туйғуларнинг бойлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муҳими шуки, синф иши учун танланган асарлар ўқувчиларга ёқиши, уларда катта қизиқиш уйғотиши керак. Агар асосий репертуар ўқувчи учун мажбурий асарлар бўлса, синф ишидаги асарларни ўқувчининг хоҳиши бўйича танлаш мумкин. Шу босқдан ҳам бу ерда ўқитувчи ўқувчининг истагига қарши эмас, балки унга нисбатан хайрихоҳ бўлиши мақсадга мувофиқ.

Синф ишида фойдаланиладиган музыка асарларининг мураккаблиги эса маълум даражада ўқувчининг ҳақиқий имкониятларига қараганда қийинроқ бўлиши мумкин. Бу асарлар концертда ёки имтиҳонда ижро этилмаслигини ҳисобга олсак, ўқитувчи юқорида айтилган принципни қўллаши тўғри бўлади.

Синф иши машғулоти дастлабки пайтда албатта ўқитувчининг иштироки ва назорати остида ўтиши керак. Кейинчалик эса ўқувчининг тажриба ва кўникмалари ортиб борган сари ўқитувчининг иштироки камайиб боради ва ҳатто музыка асарлари билан танишиш иши ўқувчининг мустақил машғулоти пайтида амалга ошириладиган бўлиши ҳам мумкин. Бунда ўқитувчи ўқувчига умумий кўрсатмалар бериш билан чегараланади. Ўқитувчи учун муҳими, синф ишининг натижаси ҳамда музыка асари билан танишиш иши ўқувчи томонидан тўғри ташкил этилишидир.

Синф ишига олинган асарларни ўзлаштириш асосий репертуардаги асарлар устида ишланган фарқ қилади. Асосий репертуардаги асарларни ўзлаштириш учун ўқувчи мунтазам равишда ишлаб, қийин жойларини бир неча бор такрорласа ва ниҳоят уни ёд олса, синф ишидаги асарлар ижросида эса у ўз эътиборини музыка асаридagi бадий образларни яхлитлигича талқин қилишга, асар шаклини ўз ижроси билан умумлаштиришга қаратиши керак. Бунда албатта, асардаги барча кўрсатма ва белгиларга тўла риоя қилишга эътибор бериш керак. Худди мана шундай ижро ўқувчининг ривожланишига ёрдам беради. Синф ишида ўқувчининг умумий ривожланишига ижобий таъсир этадиган имкониятлар шундай кўпки, бундай машғулот билан мунтазам равишда шуғуллангандагина шу имкониятлар тўла очилиши мумкин. Ўқувчи синф иши учун танланган асарлар ижросига мунтазам равишда вақт ажратган ҳолдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ўқувчининг музикавий дунёқарашини, эшита олиш тажрибасини ва профессионал жиҳатларини кенгайтиришда синф ишларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқув жараёнида синф ишидан фойдаланиш ўқувчининг умумий музикавий ривожланиши учун асосий омиллардан биридир.

#### ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШИШ

Инсоннинг индивидуал хусусиятлари бир-биридан фарқ қилиши бизга маълум. Мутлақо бир хил хусусиятли одамлар бўлмаганидек, ҳар бир ўқувчининг хусусиятлари ҳам ўзига хос ва такрорланмасдир. Таълим-тарбиянинг талаблари эса барча ўқувчилар учун ягона бўлиб қолаверади. Самарали натижага эришиш учун ўқувчиларга нисбатан педагогик воситаларни қандай қўллаш керак? Таълим ишида ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва шу хусусиятлар асосида ишни ташкил этиш юқоридаги саволга маълум даражада жавоб бўлиши мумкин.

Таълим жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашиш муаммоси ижодий характерга эга. Бу жараённинг ҳар бир босқичига олдиндан аниқ кўрсатма бериб бўлмайди. Совет педагогикасида тарбияланувчиларга индивидуал ёндашиш масаласи таълим-тарбия ишининг барча звеноларини ўз ичига олади. Индивидуал ёндашишнинг моҳияти ўқитувчи олдида қўйилган умумий тарбия вазифасининг



ҳар бир ўқувчига, унинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, педагогик таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилишидир.

Амалда хулқи, характери, салоҳияти турлича бўлган ўқувчиларни учратиш мумкин. Баъзи ўқувчиларнинг қобилиятлари ёшлик чоғлариданоқ сезилса, бошқаларда эса қобилиятни аниқлаш анча вақтни талаб этади. Айрим ўқувчилар шўх, ўйинқароқ бўлиб кўп нарсага қизиқсалар, бошқалари ваэмин, босиқ бўладилар. Ўқувчиларнинг характер ва хулқлари қандай бўлишидан қатъи назар уларга ўқитувчининг эътибори талаб этилади.

Ўқувчиларга индивидуал ёндашиш иши биринчи навбатда уларда ижобий сифатларни мустаҳкамлашга ва салбийларни йўқотишга қаратилиши зарур. Ўқувчиларда пайдо бўлаётган салбий сифатларни ўқитувчи вақтида сезиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриши, келажакда ўқувчини қайта тарбиялашдек қийин ишнинг олдини олади. Тарбияда индивидуал ёндашишнинг самарадорлигини оширишда ўқувчи характеридagi ижобий сифатларга таяниш фойдали, деган фикр аввалдан маълум. Масалан, чолғу ижросини ўрганаётган ўқувчида бирор усул бошқаларига нисбатан яхши ривожланган дейлик. Репертуар тавлашда ўқитувчи ўқувчининг худди шу сифатларини ҳисобга олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўқувчидаги камроқ ривожланган сифатларга эътиборсизлик билан қараш, деган сўз эмас. Аксинча, ўқувчилардаги ижобий сифатлардан унумли фойдаланиш билан бир қаторда, уларда камроқ ривожланган сифатларни ишга солиш ва мукамаллаштиришга ёрдам беради.

Индивидуал ёндашиш ўқитувчидан ўқувчиларнинг характеридagi мураккаб ўзгаришларни сезирлик билан кўра билишни талаб этади. Барча ҳолларда ҳам ўқувчилардаги ўзгаришларнинг туб сабабини аниқлаш лозим. Чолғу ижросига ўргатиш асосан индивидуал шаклда олиб борилганлиги сабабли ҳам бу дарс жараёнида ҳар бир ўқувчи билан якка мулоқотда бўлиш имкониятини беради.

Якка дарс ўқувчининг кундалик ҳаётининг кичик бир қисmini эгалласа ҳам унинг тарбиявий аҳамияти каттадир. Дарс давомида ўқувчи янги билимлар ва ижро кўникмалари билан танишади, олдинги ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлайди. Дарс жараёнида билимларни мустаҳкамлашлари билан бирга диққат-эътиборни мужассамлаштириш, меҳнатсеварлик, ирода каби сифатлар ҳам ўқувчиларда тарбияланиб боради. Шундай қилиб, якка дарс ўқувчининг ақлий фаолиятини ривожлаштирибгина қолмасдан, балки унинг шахсини шакллантириш ишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

#### ЎҚУВЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ МУЗИКАВИЙ БИЛИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ижрови ўргатишнинг моҳияти маълум асарларни ўрганиш, қатор техник кўникмаларни ҳосил қилиш билангина чегараланиб қолмаслиги керак. Тўғри фикрлай оладиган ва мустақил ишлай

биладиган созандани шакллантириш ўқитувчининг асосий вазифасидир. Ўқитувчи фақатгина чолғучилик санъатини ўрганаётган ўқувчи билан эмас, балки тўла маънодаги тарбияланувчи билан ишлаётганини ҳис этиши лозим. Ишга худди мана шундай ёндашиш замонавий совет педагогикасининг принципларига мос тушади.

Ҳозирги замон совет фанида таълим ва ривожланиш илмий нуқтаи назардан чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Таълим ва ривожланиш жараёни бир-бири билан узвий боғланган. Ривожланиш таълим жараёнида амалга оширилади. Ўқувчиларнинг муайян билим ва кўникмаларни ўзлаштиришларининг ўзи уларнинг маълум даражада ривожланишларини таъминлайди. Бундан ташқари ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, онгининг қанчалик ривожланганлиги таълим жараёнига ўзининг таъсирини ўтказиши. Маълумки, кимнинг онг ва интеллект даражаси маълум даражада ривожланган бўлса, у турли билим ва кўникмаларни осон ва тез ўзлаштира олади.

Таълим ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлигини эътироф этиш таълим жараёнида ривожланиш ўз-ўзидан амалга ошади, деган сўз эмас. Фақат таълимнинг ривожланишга бўлган ижобий таъсирини инкор этмайди. Шунга қарамасдан, таълим таъсиридаги ривожланиш натижаси ҳамма вақт ҳам бир хил бўлавермайди. Бундай натижалар гоҳида бири иккинчисидан кескин фарқ қилиши мумкин. Бу ерда ҳали савол тугилади: таълим давомида ривожланишга қандай манбалар ўзининг таъсирини кўпроқ ўтказиши? Бу саволга Г. М. Цишиннинг «Обучение игре на фортепиано» китобининг мазмуни, шакли ва методлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.<sup>1</sup> Юқорида айтиб ўтилган фикр бевосита чолғу ижрочилиги таълимига ҳам тегишли. Ҳамма гап ўқувчининг ижро этиш кўникмаларини ўзлаштириши билан унинг умумий музикавий ривожланиши масалаларининг боғлиқлиги тўғрисида. Чолғу ижрочилиги таълими ўқувчининг умумий музикавий ривожланишидан маълум даражада ажралган ҳолда олиб бориш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Бундай таълимнинг сабаблари қуйидагича:

— Кундалик дарс жараёнида ўқувчидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида ўқитувчи томонидан берилаётган кўрсатмалар етарли даражада асосланмайди. Яъни камчиликни келтириб чиқарётган сабаблар атрофлича таҳлил этилмайди;

— машғулот пайтида асосий эътибор ижрочилик кўникмаларига қаратилиб, ўқувчининг умумий музикавий ривожланиши учун зарур назарий билимларни ўзлаштириш вазифаси иккинчи навбатга ўтиб қолади; дарс мазмуни нисбатан қашшоқлашиб қолади; керакли назарий хулосалар ва умумлаштиришлар амалга оширилмайди;

— ўқувчилар ўзларининг ижрочилик тажрибаларида нисбатан кам миқдорда музика асарларидан фойдаланадилар; уларнинг репертуари кўп ҳолда бир хил бўлиб, характер, ижро мураккаблиги жиҳатидан турлича эмас;

<sup>1</sup> Цишин Г. М. Обучение игре на фортепиано. М., Просвещение, 1984. (Тарж.)



— ўзлаштирилаётган ижрочилик билим ва кўникмалари ўзининг мазмуни ва ҳажми жиҳатидан тор доира ичида чегараланиб қолади;

— баъзи ўқувчилар потаниш музика асарини мустақил равишда тўлақонли ижро этишга ожизлик қилиб қоладилар.<sup>1</sup>

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, машғулот жараёнида ўқувчилар ўзларининг том маънода ривожланишлари учун жуда кам миқдорда билимга эга бўладилар. Бундан ташқари, чолғу ижроси таълимида активлик, мустақиллик ва ижодий ташаббус каби сифатларни шакллантиришга етарли даражада эътибор берилмайди. Хуллас, ижрочилик синфларида созандачиликнинг деярли бир томони — ижро кўникмалари ҳамда билимларни ўзлаштириш ва ривожлантириш иши билан чегараланиб қолинади.

Чолғу ижрочилиги таълими билан шуғулланаётган баъзи синфларнинг асосий камчилиги ва нуқсонлари мана шулардан иборат. Айтиб ўтилган камчиликларни диққат билан чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлса, унда талабаларнинг умумий музикавий ривожланиш имкониятларининг камситилиш ҳолларини кўришимиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам, таълим давомида ўзлаштирилаётган репертуарнинг чегараланганлиги, ўқув материалидаги умумий ва хусусий умумлашмаларнинг камлиги, ўқувчиларнинг мустақиллиги ва активлигини тўла даражада ишга солмаслик каби камчиликлар ўқувчининг умумий музикавий ривожланишига тўсқинлик қилади.

Айтиб ўтилган камчиликлар таълим-тарбия ишининг барча погоналарида — бошланғич музика мактабларидан тортиб, олий ўқув юртиларида ҳам мавжуд. Шуни айтиб ўтиш керакки, таълим жараёнини ўқувчининг умумий музикавий ривожланиш ишига хизмат қилдириш ўқув-тарбия жараёнининг барча погоналарида ва, айниқса, бошланғич босқичда йўлга қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу билан бирга бу вазифани амалга оширишни ўзибўларчиликка қўйиб қўйиш ҳам ярамайди. Бу шароитдаги таълимнинг йўналишини ўқувчининг умумий музикавий ривожланиш талабларига жавоб бериши зарур. Ижрочилик таълимининг олдида турган реал вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, чолғучиликда билим ва кўникмаларни ўргатиш ва ўрганиш тор маънодаги вазифа бўлмай, балки мана шу вазифани ҳал этиш музика тарбиясининг йирик муаммоларини ечишга қаратилиши керак.

Машғулотлар давомидаги умумий музикавий ва хусусий ижрочилик бўйича ривожланишни қандай тушунишимиз керак? «Ривожланиш» педагогикада кўн ишлатиладиган сўз бўлиб, унинг маъносини аниқлашда турли фикрлар мавжуд. Умумий музикавий ривожланиш деганда кўпқиррали диалектик мураккаб жараёни тушунамиз. Унинг муҳим томонлари ўқувчида махсус қобилиятларнинг (музикани эшитиш, музика ритмини сезиш, музика хотираси, ижро кўникмалари ва бошқалар) ривожланиши билан боғлиқдир. Лекин ўқувчининг умумий музикавий ривожланиши юқорида ай-

тиб ўтилган махсус қобилиятларни ривожлантириш билан чегараланиб қолмайди. Бундан ташқари ўқувчининг профессионал фикрлай олиши, бадиий онгининг талаб даражасида бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Аввал айтиб ўтганимиздек, ўқувчининг умумий музикавий ривожланиши таълим жараёнида амалга оширилади. Бу фикр педагогика фанининг исбот қилинган қонуниятларидан биридир. Шу сабабли ҳам умумий музикавий ривожланиш имкониятларини ўқув-тарбия ишидан ташқарида эмас, балки шу жараёнининг айнан ичидан қидиришимиз керак. Ҳар қандай ҳунарни эгаллашда инсон, таълим олиш жараёнида ривожланиб бориши фанда аввалдан маълум. Бу ерда шундай савол туғилиши мумкин: ўқувчининг максимал ривожланиши учун чолғу ижрочилигининг таълими қандай тузилмоғи керак? Бу саволга жавоб топиш учун биринчи навбатда таълимда асос бўлиб хизмат қиладиган муайян музика-дидактик принципларни аниқлаш зарур. Агар музика педагогикасига мурожаат этадиган бўлсак, у ерда асосан қуйидаги тўртта музика-дидактик принципларнинг аниқланганлигини кўрамиз.<sup>1</sup>

Ўқув-педагогик ишда фойдаланиладиган материаллар миқдорининг ҳамда ижро этиладиган музика асарларининг кўпайиши ҳисобига репертуар чегарасини кепгайтириш, кўпроқ ўзлаштириш юқорида айтилган принципларнинг биригисидир. Бу принцип ўзининг аҳамияти бўйича ҳам, ўқувчининг умумий музикавий ривожланишида, профессионал онгининг ва тажрибасининг бойишида ҳам биринчи ўринда туради.

Иккинчи принцип ўқув-тарбия ишида қўлланганда ўқувчиларнинг турли маълумотларни қисқа вақт ичида ўзлаштиришини таъминлайди.

Ўзлаштиришга кетадиган вақтни қисқартириш, музика асарлари устида ишлаш жараёнини чўзилиб кетишига йўл қўймаслик маълум билим ва кўникмаларни исбатан қисқа вақт ичида ўзлаштириш принциплари биргаликда амалга ошириб борилади.

Учинчи принцип ижрочилик синфидаги дарсни олиб боришга ва унинг мазмунига тааллуқлидир. Машғулот жараёнида назарий ва тарихий маълумотлардан имкон борича кўпроқ фойдаланиш, ўқувчи-созанданинг онгини конкрет мисолларга асосланган ҳолда кенг, назарий тасаввур ва тушунчалар билан бойитиб бориш шу принципнинг асосини ташкил қилади.

Ўқувчи-созандаларнинг музика материали билан ишлашларида уларнинг мустақиллик ҳамда ташаббускорликларини тўла ишга солиш — тўртинчи принципнинг мазмунини ташкил этади. Бу принципнинг моҳияти шундаки, дарс жараёнида ўқувчиларнинг мустақиллиги ҳамда ташаббускорликлари натижасида уларнинг ривожланишлари таъминланади.

Музика ижрочилиги таълими юқорида кўриб чиқилган принципларга асосланганда ўқувчиларнинг музикавий қобилиятини ривожлантиришни таъминлайди.

<sup>1</sup> Цыпин Г. М. Обучение на фортепиано. М., Просвещение, 1984. (Тарж.)

<sup>1</sup> Цыпин Г. М. Обучение игре на фортепиано. М., Просвещение, 1984 96-бет. (Тарж.)



Музыка ижрочилигидан таълим бераётган ўқитувчининг иши турли билим, кўникма ва қобилият талаб этадиган ишдир. Ўқитувчи учун фақат созанда бўлишнинг ўзи етарли бўлмай, балки ундан педагогик фикрлаш, ўқувчининг ички дунёсига кира билиш, унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш каби сифатларга эга бўлиш ҳам талаб этилади. Чолгу ижрочилигидан таълим берадиган ўқитувчи умумий педагогика ва психология соҳасидан ҳам хабардор бўлиши керак.

Агар ўқитувчи ўз синфидаги ўқувчиларнинг ҳурматини қанчалик қозонган бўлса, унинг иш самараси ҳам шунчалик яхши бўлади. Айниқса, тарбиянинг бошланғич даврида ўқувчи ўз ўқитувчисига тўла ишонч билан қарайди. Шу ишончни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ўқитувчидан юксак профессионал маҳорат талаб этилади. Ўқувчи улғайиб борган сари ўқитувчининг фаолиятига таъқидий муносабатда бўла бошлайди. Ўқитувчининг кўрсатмаларидаги озгина бўлса ҳам ноаниқликни сезган ўқувчи тўғри маслаҳатларга ҳам шубҳа билан қарайди. Ўз ўқитувчисининг концертлардаги чиқишларини, унинг моҳирона ижросини кузатиш ўқувчини музикавий тарбиялашда ёрдам беради.

Ўқувчи ўз ўқитувчисини ҳаққоний ва талабчан, кундалик ҳаёт муаммоларини тўғри ҳал қилишга ўргатувчи шахс сифатида тасаввур этади. Ўқувчилар ўқитувчидаги ҳар бир ноаниқ ҳаракатларни ўз вақтида илғаб оладилар. Шу билан бирга айрим ўқувчилар пайдо бўлган муаммони асосан бир тарафлама, воқеанинг эмоционал тарафига асосланган ҳолда ҳал этмоқчи бўладилар. Ўз ўқувчисининг табиатини яхши ўрганиб, тушунган ўқитувчи бундай пайтда талабага муайян ҳолатдан тўғри хулоса чиқариб олишда ёрдам бериши керак. Доимо ўқитувчи ўз фикрини ҳақиқий фактларга асосланган ҳолда ишонтириш йўли билан тушунтириши лозим. Шу асосда ўқувчига воқеликни ҳар тарафлама таҳлил этиш, муайян ҳодисага бўлган ўзининг тўғри муносабатини аниқлаш каби кўникмалар ўргатиб борилади.

Ўзаро ишонч ва яхши муносабатларнинг пайдо бўлишида ўқитувчининг хулқи, муомала маданияти катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўзлари ёқтирган ўқитувчиларга тақлид қилишлари аввалдан маълум. Агар ўқитувчининг сўзлари билан амалдаги ишлари орасида тўла мутаносиблик бўлса, ўқувчиларнинг шу ўқитувчига бўлган ҳурматлари янада ортади.

Ўқувчиларга нисбатан оддий ва самимий муносабатда бўлиш ўқитувчиларнинг асосий вазифасидир. Қўпол муомалада бўлган ўқитувчилар олдида ўқувчилар камгап бўлиб, ҳақиқий муносабатларини беркитишга ҳаракат қиладилар.

Баъзи ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг бошқа ўқитувчилар синфидаги ишлар билан танишишларига қатъиян қаршилиқ кўрсатадилар.

Ўқувчида намоён бўлаётган ижодий интилишга ҳеч қачон қаршилиқ кўрсатиш керак эмас. Ундаги келажакка бўлган умид ва ишончни қўллаб-қувватлаш яхши натижалар беради. Ўзидан ав-

валги ўқитувчининг ишینی танқид остига олиш ўқувчига салбий таъсир кўрсатиб ўқитувчига бўлган ишончга путур етказиши мумкин.

Ўқувчи билан шуғулланиш давомида унинг оиласини ҳам унутмаслик керак. Ота-оналар тарбия ишида ўқитувчининг энг яқин ёрдамчиларидир. Ҳақиқий ўқитувчи ўз ишига комил-ишонч билан қараб, баъзи ўқувчиларнинг характеридаги айрим нуқсонларни ўзининг педагогик тажрибаси таъсири остида бартараф этади.

Педагогик қобилият — инсоннинг бошқа сифатлари каби амалий иш фаолиятида ривожланиб боради. Педагогик қобилият билимларни ўқувчиларга аниқ, равои, тушунарли ва қизиқарли қилиб етказиш, ўқувчининг психологиясини тўғри тушуниш, бажариладиган ишда ўхшашликларга йўл қўймаслик, ўз фаолиятини танқид ва таҳлил қила олиш кабиларни ўз ичига олади. Бундан ташқари ўқитувчи баъзи ташкилий ишларни ҳам амалга ошириши керак бўлади: ишни планлаштириш, конкрет шароит ва ўқувчининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда синф ва уй машғулотларини ташкил этиш ва бошқалар.

Ўқитувчи характеридаги индивидуал хусусиятлар тарбия ишида катта аҳамиятга эга. Ўқитувчилардан иродали бўлиш, мақсадга тўғри интилиш, талабчанлик билан ҳар бир ишни ўз вақтида охирига еткази олиш, қийинчиликларни енгилда мардлик кўрсата олиш кабилар талаб этилади. Ўқитувчининг иши шахсни шакллантиришга қаратилган жуда мураккаб иш бўлиб, ундан мустаҳкам ирода ва чидам талаб этилади. Таълим ишининг муваффақиятли бўлиши ўқувчининг камчиликларини тушунтириш ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатишга боғлиқдир. Ўқувчи билан бўлган муомалада ўзини тута билмаслик, жаҳлдорлик ва бошқа шунга ўхшаш камчиликлар ўқитувчи обрўсига путур етказилади. Муомалада ўта тўғрилиқ қатъийлик ва камтаринликни ўқувчилар яхши қабул қиладилар. Ўқитувчи ўз билимини тўхтовсиз тўлдириб бориши керак. У махсус адабиётлар билан қизиқиши, маҳхур ўқитувчилар тажрибасини ўрганиши, шахсий тажрибасини таҳлил қилиб, умумлаштира оладиган бўлмоғи лозим. Бундай ўқитувчиларнинг дарслари доимо қизиқарли ва мазмунли ўтади. Ўқувчининг ижодий тасаввурини активлаштириш мақсадида аниқ мисоллар танлай олишнинг аҳамияти жуда катта. Ўқувчига қандай музыка асари ёқади-ю, унда қандай асар ижро этиш истаги борлигини ўқитувчи албатта ҳисобга олиши керак. Олдин айтиб ўтилганидек, ўқитувчи ўз синфида ўқувчиларнинг юксак музикавий дидларини шакллантириш бўйича керакли иш олиб боришлари зарур.

Машғулотларга нисбатан ўқувчиларда қизиқиш уйғота олиш ўқитувчи учун жуда катта аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчининг предметида қанчалик қизиқиши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўқувчининг қизиқиши орқали унинг диққат-эътиборини ўрганилаётган асарга йўналтириш, ўз ижросини назорат қила билиш кабилар эшитиш қобилияти кучайтиришнинг энг яхши воситасидир. Махсус чолгу сифатида ўқитувчи ўрганилаётган музыка асарининг гўзаллигини ва маъносини қапчалик тўғри очиб бера олса, ўқувчиларнинг қизиқишлари шунчалик ортиб боради. Билим ва кўникмаларни ўз-



лаштириш жараёнини ўқувчиларнинг музыкага бўлган қизиқиши билан боғлаб олиб бориш керак.

Умуман ўқувчи актив, у ёки бу муаммони мустақил ҳал эта олиш имкониятига эга ҳолда тарбияланиши лозим. Бу вазифани ҳал этиш ўқувчининг индивидуал имкониятлари ривожланганлигига боғлиқ. Ўқитувчи талабасининг ижобий ва салбий тарафларини чуқур ўрганиб, ўзининг тарбиявий ишини ташкил этади.

Ҳар бир ўқувчининг тарбияси ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, бири иккинчисидан фарқ қилади. Ўқитувчи маҳоратининг муҳим тарафларидан бири — ҳар бир ўқувчидаги яхши хислатни вақтида топиб, унга эътибор беришдир.

Ўқувчиларнинг психологиясини, индивидуал хусусиятини, ёши, билимга қизиқиши ва интилишини билиш ўқитувчига таълим-тарбиянинг керакли метод ва усулларини топишга ёрдам беради. Баъзи ўқувчилар дарсда ёки имтиҳон (концерт)даги ижро пайтида ўта ҳаяжонланадилар. Бундай ҳолда ўқитувчи бунинг сабабини шоянмасдан аниқлаши, чидам билан ўқувчига тушунтириши, у билан муомалада жуда эҳтиёткор бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи ўқувчининг диққат-эътиборини қадрлаши, унинг шахсига ҳурмат билан қарashi керак. Ўқувчининг ирода кучига алоқадор бўлмаган камчиликларни унинг юзига солиш ярамайди. Умуман, таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг шахсини ҳақоратлайдиган кўрсатмаларга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўқитувчининг профессионал обрўси унинг умумий маданияти билан боғлиқдир. Бундан ташқари, ўқитувчининг юриш-туриши, ўзини тута билиши доимо ўқувчиларнинг назоратидалигини ҳам унутмаслик керак. Биргина ноҳўя қўйилган қадам ёки айтилган сўз ўқитувчига бўлган ҳурматни йўққа чиқариши мумкин.

Ўқитувчининг дунёқарashi, ижрочилик маҳорати, таълим методикаси ва унинг ижрочилик тўғрисидаги фикрлари бўлажак созандаши шакллантириш учун ҳал этувчи восита бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири — ўқувчининг билим ва кўникмаларни ўзгартиришига раҳбарлик қилишдир.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида асосий шахс бўлиб, унинг педагогик маҳорати ва билими ҳақиқий ижрони шакллантиришда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бу маҳоратни ривожлантиришда бошқа ўқитувчиларнинг ишлари билан танишиш жуда катта аҳамиятга эга. Илгор педагогик методни яқиндан ўрганиш, ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида учраб турадиган камчиликларни бартараф этишда ўқитувчиларга ёрдам беради. Ўқитувчи ўз ишига нисбатан танқидий муносабатда бўлиши, касбдошларининг маслаҳатларини тўғри қабул этиши керак.

Ўқитувчилик катта қувонч бахш этиш билан биргаликда жавобгарлик ҳам демакдир. Бизнинг мамлакатимизда ўқитувчилик катта ҳурматга эга бўлган эъзозли ҳунарсобланади. Ўқитувчи тўфайли билимлар пойдевори ўрнатилади, инсон дунёқарashi ва характери шаклланади. Совет кишинининг сифатлари — коммунистик онглилик, меҳнатга муҳаббат, одабийлик, интернационалистик туйғу ва бошқалар бевосита ўқитувчининг таъсири остида тарбияланади.

## ЎҚУВЧИНING МУСТАҚИЛ МАШҒУЛОТИ

Мустақил фикрлаш борасида ўқувчи ўз ўқитувчисининг кўрсатма ва фикрларига кўр-кўрона эргашиб бўйсунishi эмас, балки бирор масала юзасидан ўзининг шахсий муносабатини ижро орқали билдира олиши керак.

Ўқувчининг мустақил машғулотида музыка ижрочилиги санъатига бўлган онгли муносабати етакчи вазифани ўтайди. Чолғуда ижрони ўрганиш жараёнида яхши йўлга қўйилган, мунтазам равишда амалга ошириладиган уй машғулотларининг аҳамияти жуда каттадир. Бундай машғулотлар давомида ўқувчида меҳнатга бўлган онгли муносабат шакллана боради. Баъзи ўқитувчилар ўз ўқувчиларига керагидан ортиқ ҳомийлик кўрсатиб, уларни мустақил меҳнат қилишларига халақит берадилар. Аксинча, ўқувчиларнинг мустақил меҳнат қилишлари учун қанчалик эрта имконият яратилса, унинг натижаси шунчалик тез кўзга ташланади.

Ўқитувчи раҳбарлигида ўтиладиган дарснинг аҳамияти катта, лекин бу иш ўқувчининг мустақил машғулотининг муҳимлигини инкор этмайди. Ўқувчининг мустақил машғулотида сарф бўлаётган вақтини бекор ўтказмасликни ўргатиб бориш керак. Бунинг учун ўқувчига мустақил машғулотни қандай ташкил қилиш, нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини тушунтириш лозим. Вақтдан рационал ва унумли фойдаланиш мустақил машғулотнинг асосий принципларидан бири бўлиши зарур.

Асосий принципларидан яна бири машғулотнинг мунтазамлигидир. Ижрони ўргатишнинг дастлабки давридан бошлаб ўқувчида мустақил машғулотни мунтазам равишда олиб бориш кўникмасини ҳосил қилиш зарур. Одатда мунтазамликка эришиш қийин бўлса ҳам бундай машғулотлар аста-секин одат тусига кириб бориши мақсадга мувофиқдир.

Тажрибада айрим ўқувчиларнинг уйга берилган вазифани тайёрлаб келмаслик ҳолларини ҳам учратамиз. Бунинг сабабини бир сўз билан тушунтириш қийин. Лекин кўп ҳолларда уй вазифаси тайёр эмаслигининг сабаби ўқувчининг дарсга бўлган ёмон муносабати ёки даңгасалигида эмас, балки вазифани охиригача тушуниб етмаслиги, музыка асарини ўргатишга қандай ёндашиш кераклигини билмаслигидадир. Шу сабабли мустақил ишлаш учун берилётган вазифа ўқувчига батафсил тушунтирилмоғи, ўқувчининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вазифа конкретлаштирилмоғи лозим.

Баъзи ўқувчилар мустақил машғулот пайтида берилган музыка асарини бошидан охиригача кўп маротаба такрорлайверадилар. Бунда музыка асарининг маъносини ва ўзига хос хусусиятларини тўла ва аниқ таҳлил қилинмайди. Асар ўқитувчи олдида ижро этиб бера олиш учунгина юзаки такрорланади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай машғулотлардан бирор натижа чиқиши қийин.

Мустақил машғулотнинг бошқа камчиликларидан бири — ўқувчилар вазифани тайёрлаш жараёнида ўз ижроларини назорат қила олмасликларидир. Масалан, музыка асарининг тексти ёд олинишида бирор нота нотўғри ўрганилади ва буни ўқувчининг ўзи сезмайди.



Ёки маълум бир ижро усули нотўғри бажарилади ва бу ҳам ўқувчининг назаротидан четда қолади. Бундай камчилик дарс пайтида ўқитувчи томонидан бартараф этилади. Ижро пайтида ўзининг ҳаракатларини, товушларининг тўғрилигини назорат қилиш кўнигмаси ўқувчиларда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки планли равишда олиб борилган машғулотлар эвазига эришилади. Ўз-ўзини назорат қилишнинг ижрочи учун аҳамияти жуда катта бўлиб, шу орқали ижродати камчиликларга барҳам бериш мумкин.

Мустақил машғулот қандай тузилиши керак ва у нималардан иборат бўлади? Юқориди айтиб ўтганимиздек, мустақил машғулот учун берилган вазифа қанчалик аниқ, конкрет бўлса, ўқувчининг вазифаси шунча осонлашади. Мустақил машғулот қандай кечишидан қатъи назар, уни маълум план асосида олиб бориш яхши натижа беради. Қуйида мустақил машғулотнинг тахминий тузилиши ва вақтини келтирамиз:

1. Гамма, уч товушликлар ва турли машқлар ижро этиш учун 10—15 минут.
2. Янги берилган вазифани ўзлаштириш учун 15—20 минут.
3. Дам олиш учун 5 минут.
4. Олдин ўрганилган ва янги вазифаларни такрорлаш учун 20—25 минут.

Келтирилган вақтлар тахминий бўлиб, уни белгилашда ўқувчининг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вазифалар ҳажмининг катта-кичиклигига қараб камайтириш ёки, аксинча, кўсаятириш мумкин.

Мустақил машғулот учун келтирилган тахминий вақтнинг жами 45—60 минутни ташкил этяпти. Бу бир қарашда камдек кўриниши мумкин. Аммо машғулотлар мунтазам равишда ҳар куни давом эттирилса кўзланган натижага бемалол эришиш мумкин.

Энди ижрочининг мустақил машғулот пайтида диққат-эътиборини мужассамлаштириши ҳақида. Мустақил машғулот қанчалик мунтазам равишда бўлмасин, агар бунда ўқувчи диққатини мужассамлаштириб, уни вазифани тўғри бажаришга қарата олмас экан, бундай машғулот натижасиз бўлиб қолаверади. Чолғу ижрочилигини ўзлаштиришда диққат-эътиборни мужассамлаштириб бориб, уни йўналтиришнинг ўзига хос «объектлари» бор. Мана шу «объектлар», юқориди айтиб ўтганимиздек, ўқитувчи томонидан белгиладиган аниқ вазифа ва кўрсатмалардир. Бунга созанданинг ижро ҳолати ва ҳаракатидаги, ижро услубидаги, қолаверса, асарнинг ижросидаги камчиликларни бартараф этиш каби турли вазифалар кириши мумкин.

Музыка асарини ёд олишни ҳар бир созанда ўзининг қобилияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади. Бу борада ҳамма учун ягона бўлган кўрсатма бўлиши қийин. Баъзи созандаларда текстини кўриб эслаб қолиш қобилияти кучлироқ бўлса, бошқаларда оҳангларни эшитиб эслаб қолиш қобилияти кучли бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам асарни ёд олиш ишида уларнинг методлари турлича бўлади. Муҳими, музыка асари қайси бир метод билан ёд олинишидан қатъи назар, у созанданинг ёдида мустақам ўрнашиб қолишидир. Ижронинг ўзлаштиришнинг бош-

лангич қисмида музыка асарларини мустақил, тугалланган музыкавий фикр (фраза)ларга ажратиб ёд олиш ўзининг яхши самарасини беради. Музыка асарини шартли бўлакларга ажратиб ижро этиш уни ўзлаштириш жараёнидагина амалга оширилади. Лекин асар тўлалигича ижро этилаётганда унинг яхлитлигига асло путур етмаслиги керак. Музыка асари ўқувчига бирмунча таниш бўлиб қолгандан кейин уни турли жойларидан бошлаб ижро этиш ёдда яхши сақлаб қолишга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда ўқув юртлиридаги ўзлаштириладиган маълумотлар миқдорининг ортиб бориши, кам вақт сарф қилиб кўпроқ натижага эришишни тақозо этади.

Ўқувчиларнинг мустақил машғулотлари муваффақиятли бўлишига ўқитувчи раҳбарлигида синфдаги дарсни шу мустақил машғулотга яқинлаштириб ўтиш ёрдам беради. Бунда ўқувчи барча вазифаларни мустақил бажаради ва ўқитувчи керак бўлгандагина ўз кўрсатмаларини беради.

Мустақил машғулот ҳақида гап борар экан, янги музыка асарини ўзлаштириш тўғрисида айтиб ўтмасдан бўлмайди. Янги музыка асарини биринчи бор ўзлаштириш иши (айниқса таълимнинг бошлангич даврларида) ўқитувчининг раҳбарлигида, синфдаги дарс давомида олиб борилиши зарур. Ўқувчи қанчалик қобилиятли ва зеҳни ўткир бўлишига қарамасдан, янги музыка асарини мустақил ўзлаштиришда баъзи хатоларга йўл қўйиши мумкин. Маълумки, бундай хатоларни кейинчалик тузатиш апча қийин бўлади.

Ўқувчининг мустақил машғулоти куннинг қайси вақтига мўлжалланиши керак? Бундай машғулот вақтини белгилаш ўқувчининг кун тартибига боғлиқ. Агар ўқув юртидаги машғулотлар асосан куннинг биринчи ярмида бўлса, мустақил машғулот куннинг иккинчи ярмида ўтказилади. Муҳими, мустақил машғулот ҳар кун бир хил вақтда ўтказилиши катта аҳамиятга эга.

Уй вазифасини бажаришнинг қатор муҳим томонлари бўлиб, буларни ўқувчи эсда тутиши зарур. Қуйида шулардан баъзиларини кўриб чиқамиз. Музыка асари ўқувчи томонидан аввало тўғри тушунилиши, яъни асар моҳияти тўғри очилиши асосий вазифа қилиб қўйилиши керак. Олдин айтиб ўтилганидек, асар маъносини тўғри тушунишда ижро услубларининг аниқ танланиши, белгиларга риоя қилиш, аппликатуранинг тўғри қўйилиши каби масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчининг мустақил машғулоти пайтида унинг диққат-эътибори албатта бирор конкрет вазифани бажаришга қаратилиши керак. Акс ҳолда машғулот қуруқ ва маъносиз кечиб, ҳеч қандай натижага эриша олмаслик мумкин. Баъзи ўқувчилар музыка асарини ўзлаштириш даврида нота текстига кўпроқ эътибор бериб, ижронинг ифодали бўлиши кераклигини унутиб қўядилар. Мана шу камчиликнинг олдини олиш мақсадида ўқувчиларнинг диққат марказида доимо ижронинг ифодали бажарини вазифаси туриши шарт. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчилар асар текстини ўзлаштиришга қанча куч сарф қилишса, ижронинг ифодали чиқишига ҳам шунчалик эътибор беришлари керак.

Мустақил машғулотнинг самарадорлигини оширишда музыка



асарининг бўлимларини бир-бирига солиштиришнинг ҳам фойдаси каттадир. Бунда ўқувчи фақат таққослаш билан чегараланиб қолмасдан, шу қисмларнинг ўхшаш жойларини ҳамда фарқини оғзаки тушуниб бериши керак бўлади. Назарий жиҳатдан мана шундай таҳлил этилган асарларнинг ижроси ҳам бирмунча енгиллашади.

Ўқувчи бирор хатога йўл қўйган пайтда, шу бўлакни вазмин тезликда диққат билан қайта такрорлаши керак. Шунда йўл қўйилган хатонинг сабабини тўғри аниқлаб, шу хатога бошқа йўл қўймаслик чораларини кўриш мумкин. Ўқувчилар ижросидаги хатолар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Айрим хатоларнинг қайтарилиши ўқувчиларда одат тусига кириб, асарнинг маълум қисмида деярли ҳар сафар такрорланаверади. Бунга сабаб нотўғри танланган аппликатура, ижро усули ёки бошқа бир камчилик бўлиши мумкин. Бундай хатоларнинг келиб чиқиш сабабини тўғри аниқлаш — уни бартараф этишнинг гаровидир. Бошқа хил хатолар эса гоҳида учраб, ўқувчининг равон ижросига халақит беради. Бундай хатолар мунтазам равишда эмас, балки тасодифий характерга эга бўлса ҳам бунга йўл қўймаслик лозим. Хатолар қандай бўлишидан қатъи назар, ўқувчи ўзининг мустақил машғулоти пайтида уларни бартараф этиш чораларини топишни ўзининг асосий мақсадларидан бири қилиб қўйиши керак.

Чолғу ижроси билан шуғулланиш натижасида ўқувчи ҳам ақлий, ҳам жисмоний чарчаши сабабли унинг дам олишига бир оз вақт ажратилиши керак. Акс ҳолда ижронинг сифати ёмонлашиб, хато ва камчиликларга йўл қўйилиши мумкин.

#### ФОРТЕПИАНО БИЛАН БИРГАЛИКДА ИЖРО ЭТИШ

Музыка асарини ўрганишда фақат рубоб-прима партияси билан чегараланиб қолмасдан, балки рубоб-прима билан биргаликда ижро этиладиган фортепиано партиясини ҳам пухта ўрганиш зарур. Фортепиано билан бирга ижро этишни музыка асарини ўзлаштириш жараёнида бошлаган маъқул. Шунда ижрочи ўз партиясини ўзлаштириш билан бир қаторда фортепианода ижро этиладиган партияни ҳам ўзига сингдириб боради. Баъзи созандалар ўз партияларини охиригача ўзлаштириб бўлганларидан кейингина фортепиано билан биргаликда ижро эта бошлайдилар. Бу ҳол чолғучи учун бирмунча қийинчилик туғдиради. Чунки музыка асари фортепианосиз ўзлаштирилган бўлиб, фортепиано билан қўшилиб ижро этиш созандага худди халақит бераётгандек бўлаверади. Бу эса музыка асарининг тўлақонли ижросини таъминлай олмайди.

Чолғу ва фортепиано ижроси учун яратилган музыка асарларини кузатсак, унда қуйидаги фарқ ва ўхшашликларни учратишимиз мумкин. Баъзи музыка асарларида фортепиано фақат чолғучи (солист) га жўр бўлиш вазифасини бажарса, бошқа музыка асарларида эса чолғу билан фортепианонинг партиялари бир-бирига тенг ва маълум даражада мустақил характерга эга бўлади. Биринчи ҳолда куйни бошқариб бориш асосан чолғу (солист)га юклатилган бўлиб, фортепиано фақат жўрлик (аккомпанимент) вази-

фасини ўтайди. Бунда солист ижро этаётган куй мустақил, ижроси фортепианосиз ҳам маълум даражада тугалланган бўлади. Бундай музыка асарлари ўзининг тузилиши бўйича нисбатан оддий бўлиб, улардан таълимнинг бошланғич даврларида фойдаланиш мумкин. Лекин бунда ўқувчи-созанда фортепиано партиясига эътибор бермас ва ҳам бўлаверади, деган хулоса келиб чиқиши керак эмас. Бундай музыка асарларини ижро қилиш пайтида ўқувчи фортепианода ижро этилаётган аккордлар ва ритмик шаклларни ўз ижроси билан биргаликда эшита олиши лозим бўлади. Фортепиано билан биргаликдаги ижро ўқувчи-созанда учун ҳар тарафлама қулайлик яратиши, унинг ижросини янада тўлароқ бўлишига ёрдам бериши керак. Масалан, куй усули (ритми)нинг бир меъёрга бўлиши, овоз кучини зарур бўлган пайтда ўзгартириш каби вазифаларни бажаришда фортепианодаги жўрлик солистга яқиндан ёрдам кўрсатади.

